

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ҮҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**



ТОШКЕНТ

24.5
re-32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МАХСУС ФАНЛАҒНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИЧАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий таълим муассасалари 5111000 «Касб таълими»
бакалаврият ўнналишлари талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган



german
cooperation
DEUTSCHE ZUSAMMENARBEIT



Исполнитель.

Учебные пособия распечатаны при содействии программы GIZ
«Профессиональное образование в ЦА I» на средства Федерального
министерства сотрудничества и развития Германии (BMZ)

ТОШКЕНТ – 2013

3/44dd

УДК: 371.134 (075)
КБК 74.5
М-32

М-32 Махсус фанларни ўқитиш методикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 240 бет.

ISBN 978-9943-10-875-2

Ушбу ўкув кўлланма бакалавриатнинг касб тълими йуналишлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда махсус фанларни ўқитиш методикасининг назарий-методологик асослари, ўқитиш жарабйини ташкил этиш ва ўтказиш, касб-хунар колледжларида махсус фанларни фаолиятга ва мустақил харакатта йўналтирилган ўқитиш технологиялари ва методлари, лойиҳа ишларини бажариш бўйича услубий тавсиялар ҳамда терминлар баён этилган. Кўлланмадан малака ошириш ва кайга тайёрлаш тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Данное учебное пособие рекомендовано для направлений бакалавриата профессионального образования. В книге описываются теоретико-методологические основы методики обучения специальных дисциплин, организации и проведения учебного процесса, деятельности – ориентированной технологии и активных методов обучения. Методические рекомендации организации проектных работ и терминология в сфере профессиональной педагогики. Таюже, данное учебное пособие рекомендуется для слушателей курса повышения квалификации.

Given teaching material is recommended for undergraduate studies (Bachelor's programmes) of teachers for vocational education. This textbook describes the theoretical-methodological principles of technical didactics, organization and carrying out of educational process, activity-based and activating teaching methods. It provides methodical recommendations of organization of project works and terminology in sphere of professional pedagogy. This teaching material is also recommended for attendees of further training courses.

Муалифлар:
К.Т.Олимов, Д.Ф.Жалолова, М.Н.Каримова, Ш.И.Нутфуллаева,
Н.Г.Музafferова, С.С.Шадиев

Тақизчилар:
С.Қ.Қаҳхоров – п.ф.д., проф;
Ш.С.Шарипов – п.ф.д;
А.Х.Ғаффоров – п.ф.н.

ISBN 978-9943-10-875-2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

КИРИШ

Ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдига мақсад килиб қўйган Ўзбекистонимиз, халқ хўжалигининг барча тармоклари каби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишига ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республикализнинг келажагидир. Бу шарафли вазифани бажариш ўқитувчилар зиммасига тушади. Шу сабабли юксак малакали ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилиши бежиз эмас.

Президентимиз ўзининг «Буюк келажагимизнинг ҳукукий кафолати» номли рисоласида шундай деб таъкидлайди: «Тарбиячи устоз бўлиши учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб этиштириш учун, аввало тарбиячиларнинг ўзи ана шундай талабларга жавоб бериши, ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак»¹. Бу тезис ўз навбатида ўқитувчи-тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдига қўйилган вазифалар ўта мураккаб, масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир.

Олий таълим муассаларида ва касб-хунар коллежларида таълим жарёнига янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш, замонавий ўкув услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш муаммоларига қаратилган бир неча дикқатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, таълим тизими мақсадида хорижий мамлакатларнинг касбий таълим тажрибаларидан фойдаланилмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш таълим соҳасида халқимизнинг бой мероси, буюк мутафаккирларимизнинг ғоялари ва давримизнинг илғор янгиликларини ўзида мужассамлаштирган методик тизимнинг яратилишига асос бўлмоқда. Ўқитиш жараёнининг вазифаси таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутади. Бироқ касбий таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлаща таълим олувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш,

¹ И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат ҷумлий нашриёти. Тошкент., 2000.-245 б.

илмий-амалий билимларини чукурлаштириш мұаммоси бундан ҳам мұхим рок. Бу хусусияттар келажақда таълим олувчилар қобилятини ривожлантиришга, онгли равицда үз касбларига қизиқиши ва масъулиятни ошишига ёрдам беради. Шунинг учун таълим олувчиларнинг илмий-назарий ва амалий билимларини оширишда уларнинг касбга бўлган қизиқиши ва қобилятини ривожлантириш мұхим аҳамият касб этади.

Шу ўринда шуни эсдан чиқармаслик керакки, талабаларнинг ижодий қобилятиларини ошириш ва уларнинг амалий құникма, малакаларини шакллантириш учун таълим жараёнини юқори даражали малакага эга бўлган педагоглар, ҳамда қобилятили ва моҳир мутахассисларни жалб қилиш, уларни ҳам ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияни ва уларнинг ишлаш технологиялари билан таништириш зарур. Шунда биз ишлаб чиқаришга малакали мутахассисни етказа олган бўламиз.

Таълим жараённан янги педагогик технологиялар ва фаол усууллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник восьиталарни тадбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустакил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яна бир жиҳати мұхимки, касб-хунар колледжларида таълим олаётган талабаларнинг касб-хунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва құникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йұналишлари буйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун маҳсус фанларни үқитишини самарали ташкил қилиш, ушбу жараённи янги дарслеклар, ўкув кўлланмалари билан таъминлаш лозим.

“Маҳсус фанларни үқитиш методикаси” ўкув предметидаги асосий ўкув материаллари таркибини Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг ҳамда Бухоро юқори технологиялар мұхандислик техника институти ҳамкорлигига амалга оширилаётган Касб-хунар таълими үқитувчисини тайёрлаш лойиҳаси доирасидаги илғор хорижий ва миллий таълим тажрибалари “Замонавий үқитиш методлари” ҳамда шакллари ташкил қиласди.

Мазкур ўкув предмети бакалавриатнинг касб таълими “Дон ва дон маҳсулотлари сақлаш ва қайта ишлаш”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш” таълим йұналишлари учун мўлжалланган бўлиб, танлов фанлари блокига алоҳида фан сифатида киритилган.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг асосий вазифаси бўлажак касб-хунар коллежи ўқитувчисида замонавий касбий педагогиканинг назарий-методологик асослари тұғрисида билим ҳамда махсус фанларни ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш бўйича, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборатdir.

Ушбу лойиха доирасида таълим жараёнига тадбик этилган илгор тажрибалар, методлар ва ёндашувлар бўйича ~~кўни~~ узини ижобий натижасини курсатди.

Ўкув қўлланманинг яна бир хусусияти шундаки, унда бўлажак касб-хунар коллежи ўқитувчининг касбий-педагогик фаолиятини ташкил этиши ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар берилади.

I БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ҮҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Махсус фанларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўкув мақсади

Талабаларда махсус фанларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича назарий билимларни шакллантириш

□ Ёшларни касб-хунарга тайёрлашниниг асосий шартларидан бири бу замонавий фан, техника ва технологияларга асосланган таълим жараёнини барпо қилишдан иборатdir.

Хозирги даврда таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири ўқитишида замонавий педагогик технологиялар ва ютуклардан кенг фойдаланиш, уларни ўкув жараёнига жорий қилиб бориш ҳамда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини мамлакатимиз таълим тизимига тадбик қилиш муҳим ҳисобланади.

Таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан махсус фанларни самарали ўқитиши белгилайди. Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш амалиётлари махсус фанлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади. Махсус фанлардан ўқитиши методларини танлаш ва ўкув мақсадларини белгилаш ҳам ўзига хослики талаб этади. Махсус фанларининг етакчи компоненти бўлиб «Фаолият усуллари» ҳисобланади. Шунинг учун ҳам махсус фанлардан ўкув адабиётларини яратиш ва шу билан боғлиқ бўлган таълим мазмунини белгилашда, ўкув жараёнини ташкил этишда, ўқитишининг самарали методларини танлашда чукур дидактик таҳлил ўтказиш лозим.

Махсус фанлар ишлаб чиқаришнинг аниқ соҳалари бўйича аниқ мутахассислик хусусиятларини акс эттирувчи бевосита чукур, пухта билимлар берувчи, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилувчи жараёнларни қамраб олади.

Бундай фанлар жумласига халқ хўжалигининг турли соҳалари: қишлоқ хўжалиги тармоклари, саноат ишлаб чиқариш корхоналари, машинасозлик, транспорт, алоқа, халқ хунармандчиллик тармоклари, маданият ва санъатнинг йўналишлари ва бошқа соҳалар бўйича фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларини бевоснта намоён этадиган фанлар, уларнинг қисмлари киради.

Илгор технологиялар, янги техникалар ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, халқ хўжалиги баъзи тармокларининг ривожланишигагина эмас, балки барча соҳаларнинг (курилиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, саноат, алоқа, хизмат курсатиш ва бошқа) тараққиётига ва бошқариш, ташкил этиш, иқтисодиётга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам техника ва технологияларнинг ўзгариб ва янгиланиб бориши ҳар бир мутахассиснинг кенг дунёкараш ва чукур билимга эга бўлишини ҳамда бир неча хил юмушларни бажара олишини талаб этади.

Махсус фанлар мазмуни муайян йўналиш ёки ихтисос-ликнинг тавсифига мос тушиши, яъни таълим олувчининг эгаллай-диган касби бўйича бажариладиган фаолият усусларини ўзида қамраб олиши керак. Таълим олувчиларда касбий - политехник ва касбий - техникавий тушунчаларни шакллантириш учун махсус фаннинг мазмунини белгилашда политехник тамойилга риоя қилиш лозим. Касбий политехник тушунчаларга куйидагилар киради: маълум бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жихозлар ва ускуналар тузилишлари, ишлаши ва уларни лойиҳалаш асослари, ишлаб чиқариш технологиялари, технологик жараёнларни автоматлаштириш, касбий фаолиятни ташкил этишнинг илмий асослари, соҳа бўйича меҳнат фаолиятининг иқтисодий омиллари ва ҳ.к. Агар таълим олувчи махсус фан бўйича кўп турдаги машина ва жиҳозлар турлари, уларни хисоблаш, лойиҳалаш, таъмирлаш асослари ёки технологик жараёнларни урганишлари керак бўлса, у ҳолда ўқув материалида соҳа бўйича намунавий машиналар ва жиҳозларнинг тузилишлари, ишлаши тартиби ёки мавжуд технологик жараёнлар бажарилишининг принципиал схемалари берилиши керакки, таълим олувчилар шулар асосида замонавий машиналар конструкцияларини ва технологик жараёнларнинг хусусиятларини оча олишлари керак.

Касбий-техникавий тушунчаларга эса аниқ бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича техникалар ёки технологик жараёнлар, муайян

йұналиш бүйіча бұлажак мутахассиснің меңнат фаолияти, ҳамда касбий күнімдегі малакалар асосині ташкил этувчи билимлар киради.

Максус фанлар мазмун ва мохиятiga күра қуидаги гурұхларға ажратылады:

1. **Үқув материалдағы бөгликтің масалалары** ёритилген максус фанлар. Буларға маңсулот ишлаб чиқариш ва меңнат жараённанда ишлатылады машиналар ва усқуналарнің түзилиши, ишлеш принциптері, таъмирланиши ҳамда ишлатыш қоidalары, уларнің конструкцияларини тақомиллаштырыш, ҳисоблаш, лойихалаш, автоматлаштырыш; меңнат воситалары, мосламалар, асбоблар ва улар қысмларынің түзилиши; меңнат объектлары ҳисобланған машина ва усқуналарни ўрнатыш, йигиш, таъмирлаш, созлаш методлары ва усуллары; механизм ва деталдарни қайта тиклаш ҳамда таъмирлаштырыш замонавий усуллары, автоматтартырылған тизимлар ва экспериментал қурилмалар түзилиши ва ишлеш тартиблары ёритилген үқув материаллары киради.

2. **Үқув материалларындағы бөгликтің масалалары** ёритилген мутахассислік фанлар. Буларға алоқыда максуснің бутунлигінің тавсифлайдырылған технологиялық жағындағы жараёнлары, технологиялық жараёнларны лойихалаш ва комплекс механизациялаштырыш, автоматлаштырыш, ишлаб чиқариш корхоналарини лойихалаш, янги технологияларни жорий қылиш ва ишлаб чиқыш, уларни амалга ошириш, назорат қылиш ва бошқариш тавсифлары; илмий тадқиқот ишлери ва тажрибалар олиб бориши, хавфсизлік қоidalары, ишлаб чиқариш санитариясы ва гигиенасы ҳамда меңнат қонунчилігі асослары киради.

3. **Үқув материалдағы хом ашё материалларындағы бөгликтің масалалары** ёритувчи максус фанлар. Буларға ишлаб чиқаришда күлланилады маңсулот ишлеб шындықтардағы материаллар ва хомашшельдер уларнің физик-химиялық құсусиятлары ҳамда механик - технологиялық хоссаларын экспериментал анықлаштырылған тәжірбелердең технологияларынни ёритувчи үқув материаллары киради. Шунингдек, хомашшель материалларындағы ишлов берішдегі жараёнлар, ҳисоблашлар ва экспериментал изланишларни йұналтирган үқув материалларын үз ичига олади.

4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва инженерлік түрліліктердегі үқув материалларын үзінде қамраб

олган мутахассислик фанлари. Ушбу гурухга барча мутахассислик бўйича малакали кадрларни тайёрлашда ўрганиладиган (ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва иқтисодиёт асослари) ўқув материаллари, хўжалик ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юритиш, бошқариш, ахборот технологиялари, илгор услубларни кўллаш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Махсус фанларни ўқитиш ўзининг кўпгина белгилари, яъни мазмунни, мақсад ва вазифалари, методлари, воситалари, ташкил этилиши, ўтказилиш жойи, жиҳозланиши, шакллари, тузилиши, ажратиладиган вақти билан ҳам умумтаълим ва умумкасбий фанлардан кескин фарқ қиласди.

Махсус фанларни ўрганишда чизмалар, жадваллар, ҳисоблашлар ва ўлчашларни ўтказиш каби алоҳида кўнилмаларни шакллантирувчи лаборатория – амалий машғулотларни, техника ва технологияни бевосита ёки билвосита тасаввур этишга ёрдамлашадиган ишлаб чиқариш машғулотларини ҳам ташкил этишга тўғри келади. Кейинги ҳол эса, таълим олувчилардан махсус йуналтирилган ихтисослиги бўйича кўнилма ва малакаларнинг маълум даражада шаклланганлигини талаб этади. Шунинг учун махсус фанлар ўқув – услугубий таъминотини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитиш таълим мининг самарали усулларини танлашда, таълим мазмунини белгилашда ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Бўлажак касб-таълими ўқитувчиси шуни эътиборга олиш жоизки, кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимида махсус фанларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ихтисосликка оид билим, хатти-ҳаракат усуллари (кўнилма ва малакалар) ҳамда шахсий фазилатлар асосан махсус фанларни ўрганиш жараёнини шаклланади. Бундан махсус фанлар мазмунини ўзлаштирилиши билан касб-хунар колледжлари битирувчиларининг маданий-техник тайёргарлик даражаси бевосита боғлиқлиги келиб чиқади. Бу боғлиқлик энг аввало «ихтисос», «касб», «хунар», «мутахассислик», «касбий» каби тушунча ҳамда атамалар моҳиятини аниқлаб олиш зарурятини кўрсатади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида ихтисос, ихтисослик, касб, касбий, мутахассис, хунар, хунарманд сўзларига:

- ихтисос-(арабча-иш-вазифа доираси; чуқур билимлардан хабардорлик; ўзига хос хусусият). Илм-фан, техника, санъат соҳаларида ҳар бир мустақил касб; мутахассислик; касбий малака;

- ихтисослик-илм-фан, техника ёки саноатнинг маълум бир соҳаси буйича ихтисос олган, билим, малака ҳосил этган; ихтисосга оид;
- касб-(арабча-бирор нарсани үрганиш, эгаллаш, фойда; хунар, машғулот). 1. Иш фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси, хунар. 2. Умуман, одат қилинганди иш; одат.
- Касбий-касб-хунарга оид.
- Мутахассис – (арабча-бирор соҳада ихтисос олган, ихтисос эгаси). Бирор соҳада маҳсус билим ва тажрибага эга бўлган киши, ихтисос эгаси.
- Хунар – (арабча-санъат, билим, кўнишка маҳорат, усталик, касб). 1. Муайян кўнишка маҳорат талаб қилинадиган, тирикчиликнинг асосий манбай ҳисобланувчи иш, машғулот, касб. 2. Бирор ишдаги маҳорат, санъат, моҳирлик, усталик талаб этувчи иш, ҳатти-харакат. 3. Одат тусидаги иш, харакат.
- Хунарманд – (форсча-санъат арбоби; моҳир, юксак маҳоратли; истеъдодли, қобилиятли). 1. Уйида ёки ўз дуконида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугууланувчи касб-хунар эгаси; косиб. 2. Ўз иш-касбининг моҳир устаси-тарзида изоҳ берилган.

Демак, бўлажак касб-хунар таълими ўқитувчиси юқоридаги тушунчаларни билиши шарт.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Маҳсус фанларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Касбий техникавий тушунчалар асосини нималар ташкил этади?
3. Маҳсус фанларнинг мазмуни ва моҳиятига кўра қайси гурӯхларга ажратиш мумкин?
4. Маҳсус фанларни умумтаълим ва умумкасбий фанлардан фарки нимада?
5. Бўлажак касб-таълими ўқитувчиси кичик мутахассис кадрлар тайёrlаши тизимида маҳсус фанларни үрганишда қандай тушунчаларни билиши зарур?

1.2. Махсус фанларининг бошқа фанлар билан узвийлиги ва боғликлиги

Ўкув мақсади

Талабаларда махсус фанларнинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва боғликлиги бўйича назарий билимларни шакллантириши

Дидактика – бу ўқитиш ва ўргатиш назарияси ҳақидағи фан бўлса, **методика** - педагогиканинг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш методи ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўкув фани ўқитиш соҳаси, вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши методика асосида курилади.

Махсус фанларни ўқитиш методикаси - касб ҳунар таълими муассасаларида ўқитиш жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, ўтказиш ҳамда баҳолаш қоидалари, шакл, метод ва воситалари ўзида мужассамлаштирувчи фан ҳисобланади.


Ўқитиш методикасининг обьекти (урганиш соҳаси) – касб ҳунар коллежи талабаларида касбий билим, қуникма ва малакаларни тўлиқ шакллантириш мақсадида ўкув дастури бўйича махсус фанлар бўйича ўкув машғулотларини режалаштириш, ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш жараёнини ўз ичига олади.

Махсус фанларни ўқитиш методикаси:
таълим дастури ёки ўкув фанининг тарихий ривожланишини тавсифлаб беради;

- ўкув дастури ва ўкув фанига мувофиқ ўкув машғулотларини ҳар томонлама тадқиқ қилади; таҳлил қилади ва асослаб беради;
- махсус фанлардан ўкув машғулотларини самарали ташкил этиш ва уни баҳолашни ўргатади;
- ўқитишнинг турли моделларини текшириш, амалда қўллаш ва ривожлантириши ўргатади.

Касб-ҳунар таълимида ўкув жараёнини шахсга йўналтирилган ва табақалаштирилган шакллар ва методлар орқали режалаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилган назарий асосни тайёрлайди. Махсус фанларни ўқитишнинг муваффақияти куйидаги омилларнинг ўзаро боғликлиги орқали аникланади.

Дидактик боғлиқлар (учбурчак)




Фанлараро үкитиши нима? Бұ турли хил фанлар буйича машғулоттарда үрганиладиган түшүнчалар, қонунлар орасидаги алоқаны үрнатып беришдір. Бирок, билимларни тақсимлашнинг мавжуд фан тамойили асосида үкитища вужудға келгандай үкув фанларининг чегараларини бузмасдан тизимли ёндашувни түлил жорий қилиш имконини бермайды. Айниқса, үкіб үрганишнинг күп жиҳатли объектларни ва замонавийликнинг комплекс муаммаларини ҳар томонлама очиб бериш имконини берувчи фанлараро алоқалар тизимини үрнатыш мухимдір.

Максус фанлар буйича үкув мазмунини мувофиқлаштириш жаңа үкитишиндең күйидегі 1-схема орқасынан тасвиrlаш мүмкін.

Махсус фан – йўзининг кўп мазмунлиги алоҳидага ўқув предметларида тўлик ёритилмай колиши мумкин.

Мисалан:



Ўқув мазмунини мувофиқлаштириш ва ихчамлаштириш, натижани таъминлаш ва баҳолашни амалга ошириш учун махсус фан ўқитувчилари бошкі фан ўқитувчилари билтан ҳамкорлик юстиши зарур

1-схема

Фанлараро алоқаларни ўрнатиш қуидагиларни ўз ичига олади:

- фанлараро алоқани хисобга олган ҳолда ўқув жараёнини режалаштириш;
- фанлараро алоқаларни жорий қилиш бўйича турдош фанлар ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги ўқув –услубий ишларини амалга ошириш.
- Ўқув мазмунини мувофиқлаштириш ва ихчамлаштириш.

Махсус фанларнинг ўзаро баглиқлигини 2-схема орқали тасвирлаш мумкин.

Фанлараро алоқадорлик асосида ўқув материалини танлаш ва ишлаб чиқишни қуидагича амалга ошириш тавсия этилади:


1. Мавзуга оид далиллар орқали ўқув материали аниқлаш-тирилади ва тартиблаштирилади.

2. Мавзу мазмунидан келиб чиқиб, кейинги ўрганиладиган мавзу олдиндан тартиблаштирилади.
Дастрраб мавзу соҳаси ишлаб чиқилади, сўнг мавзу танланади.

ишлаб чиқариш техникасига оид

махсус фанлар

ишлаб чиқариш технологиясига
оид махсус фанлар



Фанлараро алоқадорликни таъминлаш, унинг натижалари ва баҳолашни таъминлаш тегишли махсус фан ўзгувчисининг зинмасида гуради

2-схема

Шуни таъкидлаш жоизки махсус фаннинг таълим йўналишига тегишли бошқа махсус фанлар билан ўзаро боғликлиги ва ўқитиши кетма-кетлиги ўрнатилганда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш сифати ошади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Диадактика ҳамда методика тушунчаларини бир-биридан фарқли хусусияти нимада?
2. Махсус фанларни ўқитиши методикаси нимани ўргатади?
3. Диадактик боғлиқлик (учбурчак) схемасини тушунтиринг.
4. Фанлараро ўқитиши нима? Фанлараро алоқадорлик асосида ўқув материалыни танлаш ва ишлаб чиқариши қандай амалга ошириш мумкин?
5. Фанлараро боғлиқлик нима? Фанлараро алоқадорлик асосида ўқув материалыни танлаш ва ишлаб чиқариши қандай амалга ошириш мумкин?

1.3. Махсус фанларни ўқитиш методикасининг методологик асослари ва ўқув-меъёрий ҳужжатлари

Ўқув мақсади

Талабаларда махсус фанларни ўқитиш методикасининг методологик асослари ва ўқув-меъёрий ҳужжатлари бўйича назарий билимларни шакллантириши

О Узбекистон Республикаси таълим тизимининг методологик асослари кўйидагилар ҳисобланади.

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни:
3. Узбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонуни.

Қомусий қонун, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчى сессиясида 1992-йил 8-декабрда қабул қилинган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун-8 декабр умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида белгилаб кўйилган. 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб ўз кучини йўқотган.

Мазкур қонунда Ўзбекистон халқи:

- инсон ҳукуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиклигини тантанали равищда эълон қилиб;
- ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда;
- ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига суюниб;
- демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб;
- халқаро ҳукукнинг умум эътироф этилган қондалари устунлигини тан олган ҳолда;
- республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб;
- инсонпарвар демократик ҳукуқий давлат барпо этишни кўзлаб;
- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида;
- ўзининг маҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур конституциясини қабул қилган.

Республикамиз асосий қомуси VI бўлим 26 боб ва 128 маддадан иборат. Конституция моҳияти ва мазмуни бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш даврида чуқур ўрганилганлиги боис, унинг бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ 41 ва 42-моддаларига қисқача тұхталиб үтамиз.

Конституциямизнинг 41-моддасида, “Ҳар ким билим олиш хукуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”,

42-моддасида, “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғам-хўрлик қиласи” деб белгилаб қўйилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи «Таълим тұғрисидаги» қонуни 1992 йил 2 июлидан амалга жорий этилган бўлиб, у VII бўлим 44 маддадан иборат эди. Амалдаги “Таълим тұғрисидаги қонун”га биноан республика-мизда ҳеч бир мамлакатда аввал ишлаб чиқилмаган ва амалга жорий этилмаган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тұғрисидаги» ги Ўзбекистон Республикасининг қонунидир. Бу қонун ҳам Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси IX-сессиясида 1997 йил 29 август куни қабул қилингандир.

Фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг хукуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий хукуқини таъминлашга қаратилган.

Бу қонун кўйидаги бўлим ва фасллардан ташкил топган:

I. *Бўлим. Умумий қоидалар: Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиши омиллари.*

1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси.

1.1. Камчиликлар ва муаммолар.

1.2. Ислоҳ қилиш омиллари.

II. *Бўлим. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рӯёбга чиқариш босқичлари.*

2.1. Дастурнинг мақсад ва вазифалари.

2.2. Дастурни рӯёбга чиқариш босқичлари.

III. *Бўлим. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели.*

3.1. Шахс.

3.2. Давлат ва жамият.

3.3. Узлуксиз таълим.

3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари.

3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари.

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта маҳсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимидағи фан.

3.5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш.

IV. Бўлим. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришининг асосий йўналишлари.

4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш.

4.1. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

4.2. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш.

4.3. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар.

4.4. Иктидорли болалар ва истеъоддли ёшлар.

4.5. Таълим тизимини бошқариш.

4.6. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш.

4.7. Таълим тизимини молиялаш.

4.8. Моддий-техника таъминоти.

4.9. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш (мониторинг).

4.10. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш.

4.11. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-куvvatланиши.

4.12. Фан ва таълим жараёнлари алоқаларини ривожлантириш.

4.13. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш.

4.14. Таълим билан кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик.

V. Бўлим. Дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора тадбирлар.

Узлуксиз таълим тизими ўз ичига куйидагиларни қамраб олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;



- олий ўкув ютидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асосидир. Узбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминловчи, шаҳе, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

Таълимнинг узлуксизлиги шундай маъно берадики, инсон тугилгандан бошлаб токи умрининг охиригача таълим олиш имкониятига эга бўлсин. Бундай тизим Ўзбекистон Республикасининг «Таълим түғрисида қонуни» да ўз аксини топган.

Касб-хунар таълими-талабаларнинг касб-хунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўнукмаларини чуқур ривожлантириш уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

Олий таълим – узлуксиз таълим тизимининг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. У олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим қуйидаги икки босқичдан иборат:

Бакалавриат – ўрта маҳсус касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим.

Магистратура – бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим.

Бакалавр, магистр – олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни маваффакиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалардир.

Юқорида келтирилган қиска жумлалар мазмуни, улар умуман республикамиз таълим тизими, шунингдек касб-хунар таълимининг ҳамда маҳсус фанларни ўқитиш методикасини методологик асоси эканлигига ишорадир. Касб-хунар таълимини методологик асослари, маҳсус фанларни ўқитишнинг максади, вазифалари, мазмуни, ташкил этиш шакллари, метод ва воситалари, иштирокчилари, натижалари ҳамда бу жараёнга таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўлажак колледж маҳсус фан ўқитувчисининг асосий вазиларидан ҳисобланади. Касб-таълимининг методологик асослари унинг меъёрий ҳужжатларини аниқлашга имкон беради.

Классификатор – бу Ўзбекистон Республикасининг ахборотларни кодлаштириш ва тартибга солиш ягона тизимининг таркибий қисмидир.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари (классификатори) таснифлагичи- Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати. Унда қўйидаги олтита билим соҳаси кўзда тутилади:

1. Гуманитар соҳа
2. Ижтимоий соҳа, иқтисод
3. Ишлаб чиқариш ва техник соҳа
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги
5. Соғлиқни саклаш ва ижтимоий таъминот
6. Хизматлар.

Классификаторда таълим босқичлари (бакалавриат, магистратура), билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари еттига рақамли код билан белгиланади.

- мутахассислик коди;
- йўналиш коди;
- таълим соҳаси коди;
- билим соҳаси коди;
- таълим дастурлари босқичи коди.

Таълимнинг халқаро стандарт классификациясига биноан таълим босқичлари бакалавриат йўналишларида 5 рақами, магистратура мутахассисликларида – 5 А (ракам ва ҳарф) билан белгиланади. Масалан: бакалавриат коди 5140100, 5211300, 5520400 ва ҳоказо; магистрлар 5A140101, 5A211301, 5A520403 ва ҳоказо.

Касб-хунар таълими йўналишлари таснифлагичи – ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассассаларида кичик мутахассислар тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари касбларининг ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати.

Давлат таълим стандартлари (ДТС)- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва Олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассассалари учун мажбурийдир.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйилган талаблар; таълим муассассалари битирувчиларига қўйилган малакавий талаблар; ўкув юкламасининг минимал ҳажми; таълим муассассалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифагини баҳолаш тартиблари ҳамда йўл-йўрикларини белгилайди.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти ўкув жараёини тартибга солувчи, таълим муассассалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳоловчи меъёрий ҳужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура ихтисосликлари учун Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари, ўкув фанлари дастурлари ва бошқаларни тайёрлаш учун асосдир.

Касб-хунар таълими тармоқ стандарти – йўналишлар бўйича кичик мутахассисларни тайёрлашнинг зарур ва етарли мазмуни ҳамда пировард мақсадларини аниклади, таълим олувчиларнинг ўкув юкламалари ҳажми ва стандарт сифатлари назоратини белгилаб беради.

Ўзбекистонда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими асосий меъёрий ҳужжат тармоқ стандарти ҳисобланади. Тармоқ стандартлари асосида намунавий ўкув режаси ва намунавий ўкув дастурлари ишлаб чиқилади. Намунавий ўкув режаси ва намунавий ўкув дастурлари асосида эса коллежда ишчи (ички) ўкув режаси ва ишчи ўкув дастурлари ишлаб чиқилади.

Тармоқ стандартининг умумий тузилмаси:

1. Кўлланиш соҳаси.
2. Меъёрий ҳужжатлар.
3. Стандартнинг мақсад ва вазифалари.
4. Таърифлар.
5. Касбий тавсифнома.
6. Касбий фаолиятнинг таркибий параметрлари.

7. Касбий фаолиятнинг мазмуний минимуми.

8. Таълим дастурининг таркиби ва мазмуни.

9. Стандарт талабларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Ўқув режса – ҳар бир мутахассислик бўйича малака ва давлат таълим стандартларида келтирилган талабларни таъминловчи муайян таълим йўналиши бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларнинг курс ва семестр давомида ўрганишнинг изчиллиги ҳамда соатлари ҳажмини белгилайдиган хужжат. Ўқув режасига кирган фанлар мазмунини ўқув дастурлари ва мавзулар режаси ташкил этади.

Намунавий ва ишчи ўқув режаси тузилиши қўйидагича:

1. Тайёрлов йўналишининг номи ва коди.

2. Касби ва ихтисосликлари номи ва кодлари.

3. Ўқув жараёни жадвали (назарий ва амалий таълим, таътил, ишлаб чиқариш амалиёти, давлат аттестацияси, битирув малакавий иши).

4. Фанларнинг номи.

5. Ажратилган соатлар (назарий, амалий, лаборатория машғулотлари, семинарлар, курс иши, мустақил ишлар).

6. Семестрлар ва ҳафталар бўйича соатлар тақсимоти.

7. Ўқув амалиёти.

8. Ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиёти.

9. Давлат аттестацияси.

10. Коллеж ихтиёридаги соат.

Ўқув дастур ўқув предметининг мазмуни, уни таълим олувчилик томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, тартиби, ахборот манбаларини ўзида мужассамлаштирувчи меъёрий хужжатдир. **Ўқув дастури** - шу ном билан номланган ўқув предметига тегишли бўлади. Ўқув предмети – таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан танлаб олинган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар тизимиdir.

Намунавий ўқув дастурининг таркиби қўйидагича:

1. Кириш.

2. Назарий машғулотлар мазмуни.

3. Амалий машғулотлар мазмуни.

4. Мустақил ишлар намунавий мавзулари.

5. Фан мавзулари бўйича ўқитиш режасининг таркиби.

6. Ўқитишнинг техник ва дидактик воситалари.

7. Үқитиши ташкил этиш бүйича асосий ва құшимча адабиётлар.

Намунавий ўкув дастурлари асосида ишчи ўкув дастурлари ишлаб чиқилади

1.4. Тармок стандартлари бүйича касбий фаолияттар турларини, фан дастурлари ва календар режаларини ишлаб чиқиши

Хар бир соҳа бүйича касблар алгоритмини тузиш мұхим ақамият касб этади. Бу эса маңсус соҳалар бүйича катта қажыдаги таълим дастурларини ишлаб чиқиши талаб қиласы. Қуйида «Фермер» ва «Озик-овқат маңсулотларини ишлаб чиқариш» мутахассислиги бүйича касбий фаолият турлари алгоритми көлтирилген.

Фермер касби қишлоқ хұжалиғи соҳаси гурухига киради. Фермернинг касбий фаолияти турли хил бўлиб, асосан чорвачилик ва ўсимлик маңсулотлари етиштирилганлигига қаратилган.


Касбий фаолият турларига қуйидагилар киради:

- ерга ишлов бериш, экиш, табиий ўғитлар бериш, йигиши;
- чорва ҳайвонларини парваришиш, озиқлантириш, уларни күпайтириш;
- қишлоқ хұжалик маңсулотларини сақлаш, консервалаш ва ҳоказо;
- чорвачилик ва ўсимликшунослик учун техникага хизмат күрсатиши назорат қилиш ва ишчи ҳолатда сақлаш;
- қишлоқ хұжалик маңсулотларини қайта ишлаш ва етиштириш таълим дастурлари билан боғлиқ ҳолда «Қишлоқ хұжалик машина ва тракторларини таъмирловчи-чилангар» таълим дастури билан узвий боғлиқлиқда, қишлоқ хұжалик хизматларини амалга ошириш.


Касбий фаолият қуйидагиларни талаб қиласы:

- табиий, иқтисодий, техник ва технологик билимларни амалда құллаш учун тайёр бўлиши;
- турли хил усуллар ёрдамида хужжатларни юритиш бүйича таянч билимларга эга бўлиш;
- атроф-мухит ва табиатни химоя қилиш бүйича меъёrlарни жорий қилишга тайёр бўлиш;
- бутун ҳаёти давомида билим олиш ва ўрганишга тайёр ва лаёқатлиликни;

1. НАМУНА



2. НАМУНА



1-намуна. бүйірча фермер касбінің қысқа тавсифі.

- мустақил ишлеше маңыздылықты, шу билан берілген жамоа
билан ишлешеңде тайёргарлыш;

- ўзгарувчан икlim шароитларда, шунингдек, мавсумий ишлар ҳажмини бажаришга тайёргарлик;
- юксак муомала маданиятига эга бўлиш, касбий ҳаракатчан ва мосланувчанлик.

Таълим мақсадлари булиб хусусан қуйидагилар ҳисобланади:

- маҳсус билимларни қишлоқ ҳужалик амалиётида қўллаш;
- янги техника ва технологиялардан мустақил фойдаланиш;
- барча ишчи ҳолатларда ақлан экологик ҳаракатларни амалга ошириш.

Касб-хунар коллежига кириши шартлари:

Касб хунар коллежига талаба умумий ўрта таълимини эгалланганига қараб қабул қилинади. Касб-хунар таълимига кирища қуйидагилар назарда тутилади:

A) Қизиқиши ва мойиллиги бўйича:

- экинларни етиштиришга қизиқиш (пахта дон ва минтақадаги бошқа етиштириладиган экинлар);
- уй ҳайвонини боқишига қизиқиш (йирик шохли ҳайвон, майдা ҳайвон, уй паррандаси, шунингдек, минтақадаги кенг тарқалган бошқа ҳайвонларни боқиши ва кўпайтириш);
- табиатда ва атроф мұжитда жараёнларга қизиқиш;
- қишлоқ жойларида яшашга мойиллик;
- сут ва гўшт тайёрлаб беришга мўлжалланган ҳайвонларни боқиши ва уларга қарашга мойиллик;
- техник асбоблар машиналар ва жиҳозлар билан ишлашга мойиллик.

B) Қобилияти бўйича:

- кузатувчанлиги (масалан, касалликни олдиндан аниқлаш);
- техник хунар бўйича кўнукмага эга булиши (масалан, қишлоқ ҳужалик машиналарига захира қисмларини ўрнатиши);
- техникадан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ўtkазиш;
- тижоратчилик қобилияти масалан, маҳсулотни сотиш ва нархлар калькуляциясини ишлаб чиқиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти (масалан, алмашлаб экишини режалаштириш);
- бепоён дала шароитида ишлаганда мўлжаллай олиш.

C) Меҳнатга муносабати бўйича:

- ишлаб чиқаришда гигиена ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

- масъулиятни хис қилиш ва жавобгарликни ўз бўйнига олишга тайёрликни (масалан, ҳайвонларнинг туридан мос равищда уларни саклаш, соғлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўсимликларни ҳимоя килувчи кимёвий воситалар ва ўғитларни меъёрларга мос равищда сарфлаш);
- эҳтиёткорлик (масалан, қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишда атроф муҳитга эътибор қаратиш).

 **2-Намуна. бўйича қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторларни таъмирловчи-чилангар касбининг қисқача тавсифи.**

Қишлоқ хўжалик техникаларини ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш.

Ушибу касб эгалари куйидагиларни уddaлашлари керак:

- иш (технологик) жараёнларни режалаштириш ва ўтказиш, шунингдек, иш натижаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш;
- мижозларга маслаҳатлар бериш;
- механик, электрик ва физик параметрларини ўлчаш ҳамда текшириш;
- сифатли таъминлаш бўйича меъёрлар ва йўриқномаларни қўллаш;
- трактор ва машиналарни ишга тайёрлаш;
- деталларни биректириш ва ўрнатиш усуулларини қўллаш;
- юқ кўтариш механизмига хизмат кўрсатиш шунингдек, конструктив элементлар ва узелларни ташиш;
- конструктив элементлар ва узелларни бўлакларга ажратиш ҳамда йиғиш;
- техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни ўтказиш, носозликлар ва шикастланишларни (бузилишларни) қидириб топиш. Шунингдек, бошқариш ва ростлаш қурилмалари билан бирга системалар ва жиҳозларни тузук ҳолатда саклаш;
- носозликларга ташхис кўйиш, созлаш ва тиклаш. Шунингдек, ишчи жараёнларни хужжатлаштириш;
- ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларни оптималлаштириш).

Қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторларини таъмирлаш бўйича чилангарнинг касбий фаолияти бўлажак кичик мутахассислардан мустақил фикрлаш қобилиятини, касбий кўнкимани ва аниқ ишлашга тайёргарликни талаб қиласди.

Техникаларни ишчи ҳолатда мос равищдаги тартиб-қоидаларга риоя қилиш лозим.

Таълим мақсадларига қўйидагилар киради:

- Мижоз буюртмасини тегишли вақтда бажаришни мўлжалга олиш;
 - Топшириққа тегишли бўлған муаммоларни мустақил ва биргалиқда ечиш қобилияти;
 - Технологик (ишчи) жараёнларни мустақил режалаштириш, ўтказиш ва назорат қилиш малакаси;
 - Замонавий ахборот ва алоқа системаларидан (тизимларидан) фойдаланиш қобилияти;
 - Атроф-муҳит тозалигига ва ҳимоясига оид қоидаларга риоя килиш;
 - Ишни сифатли бажариш ва бошқариш усулларини қўллаш, иш жойидаги тартиб ҳамда тозалик;
 - Ижодий қобилият ва эстетик маданиятни ривожлантириш.
- Кадрлар тайёрлаш тизимиға жалб қилинган вазирликлар ва уларга бўйсунувчи идораларнинг фаолияти асосан қўйидагиларга қаратилган:
- Инновация нуқтаи назаридан ривожланишни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик касблари ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси билан bogлиқ касблар учун касбий тайёргарликни мослаштириш;
 - Худудий жойлашиш, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллажларини, худудларнинг географик, демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича жойлаштириш;
 - Касб-хунар коллажларини куриш, шунингдек, мавжуд ўкув муассасаларини қайта куриш ёки таъмиrlаш;
 - Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш;
 - Касб-хунар коллажларининг таълим стандартлари. Ўкув режалари ва дастурлари билан таъминлаш;
 - Касб-хунар коллажларининг ўқитувчиларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш;
 - Касб-хунар таълими сифатини таъминлаш учун замонавий ўкув адабиётлари ва ўқитиш методикаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш;
 - таълим дастурларини баҳолаш.

Талабаларда қишлоқ хўжалигининг, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидан ҳамда атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасининг ҳолати, тараққиёти тўғрисидаги

максус ахборотларни мустакил излаш, йигиш, солишириш ва саралаб олишга кўмаклашувчи билимдонликини ривожлантириш муҳимдир. Таълим дастурлари ҳар доим иқтисодий эҳтиёжларига мўлжалланиши керак, касб-хунар таълими эса ўз навбатида иқтисодда янги инновациялар учун аклий фаолиятни яратади. Таълим ва иқтисодиётдаги бўзаро ҳаракат иқтисодий ривожланиш учун кафолат бўлиб ҳисобланади.

Мавжуд ишчи дастурларини баҳолаш орқали таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқарув жараёнини яхши йўлга куйиш мумкин. Касб-хунар коллажлари маъмурияти ва максус фан ўқитувчилари лойиха бўйича ҳамкор сифатида текширувчи эксперт бўлиб чиқишилари, таълим дастурларига мос келувчи корхоналар эса зарурият туғилганда маслаҳатчи сифатида қатнашишилари керак.

Ишчи ўкув дастури қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ўкув мақсадлари;
- ўкув мазмуни;
- ўзлаштиришни назорат қилиш, мазмунни тури ва (масалан, оғзаки ёки ёзма назоратлар), ваҳоланки улар шунингдек, «талабалар билимини баҳолаш, ўтказиш түғрисидаги низом» ларда ҳам алоҳида тавсифланади);
- фойдаланиладиган ўқитишининг техник воситалари ва дидактик материаллар;
- талабалар эгаллашлари лозим бўлган касбий ва шахсий компетенциялар.

Ўкув дастурларидаги мавзулар бўйича мақсадлар, мазмун ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишига оид қўйидаги кўрсатмалар тавсия қилинади.

Мақсадлар:

аник ўкув мақсадлар тавсифланади;
олдиндан кутилаётган натижалар – шакллантирилади;
мақсадларнинг тоифаларини кўллаш билан тавсифланади (билиш, улдалаш, тушуниш, баҳолаш);
натижаларнинг ва хулк-атворнинг тутган ўрни келтирилган кискача тавсиф билан тушунарли ўзаро алоқада бўлишилари керак.

Мазмуни:

ўкув дастури бўйича умумий мақсадларига мос равища тузилган бўлиши керак.

- Ўкув машгулотига кўрсатмалар мос равища тузилган бўлиши керак:
- дарс мавзусини аниклашгза тушунча;
- ўқитувчи учун услубий тавсиялар;
- дарснинг ташкилий шакли;

	<ul style="list-style-type: none"> - мазмунни аниклаш учун таклифлар ва тавсиялар; - ўқитишининг техник воситалари ва дидактик материаллар; - ўкув адабиётлари ва бошқа манбалар (шу жумладан, электрон таълим ресурслари рўйхати)
--	---



Ўқитувчининг йиллик календар дарё режаси

Йиллик дарс режаси деганда ўкув фанидаги бир ўкув йили давомида мавзуларни календар режалаштириш ва дидактик услубий жиҳатдан амалий қўллаш нуқтаи назаридан ўкув мазмунининг микро тузилиши тушунилади.

Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси касбларининг таълим дастурлари учун йиллик дарс режаси кўйидаги мезонлар асосида ишлаб чиқилиши керак:

- дидактик қисқартириш ва соддалаштириш нуқтаи назаридан;
- таянч билимларни беришга эътибор қаратиш;
- методик компетенцияни ривожлантириш;
- комплекс касбий ҳаракатларга йўналтириш;
- шахсга йўналтирилган таълим методларини қўллаш;
- ўкув дастурлари орасидаги боғлиқликка эътибор бериш;
- ўзлаштиришни текшириш ва назорат қилишни қўллаш.



1-вариант. Фан бўйича тизимли ёндашув асосида тузилган ўкув дастурлари учун йиллик дарс режалари

20 - 20 ўкув йилига мўлжалланган йиллик дарс режаси.

Ўкув фани: _____

Гурӯҳ: _____

Ўкув соатлари/хафтада:

Ҳафта кунлари:

Ўкув хафтаси	Ўкув дастури асосида мазмуннинг тақсимланиши	Ташкил этиш/амалда жорий этиш
--------------	--	-------------------------------

Мисол тариқасида қўйидагини келтирамиз.

2009/2010 ўкув йилига мўлжалланган йиллик дарс режаси - Ботаника

Гурӯҳ: 9 А

Ўкув соатлари/хафта: 2

Ҳафта кунлари: Душанба

29	2.2. Ўсимлик органларининг морфологияси ва физиологияси Илдиз	Микроскопия (лаборатория) Илдизлар метаморфозия
----	--	--



Вариант -2. Тизимли ҳаракатлар асосида тузилган ўкув дастурлари учун йиллик дарс режаси

20 - 20 ўкув йилига йиллик дарс режаси.

Синф:

Ўкув соатлари/ҳафта: Ҳафта күнлари: _____

Ўкув майдони – (бўлим, модул) (..... ўкув соати)

Ўкув вазияти – (қасбий фаолиятлар, модул бирлиги) (..... ўкув соати)

Топширик

Ҳаракатлар	Компетенцияни ривожлантириш	Ўкув соати	Ташкил этиш матни
Режалаштириш			
Ўтказиш			
Назорат			

Тақвимий режани қўйидаги шаклда ишлаб чиқиш тавсия этилади:

ДАСТУР БАЖАРИЛИШИННИГ ТАҚВИМ РЕЖАСИ

(маъруза, лаборатория, амалиёт машғулотлари, курс ишлари)

Факультет «_____» Курс _____ Гурӯҳ _____

«_____» фани

Маъруза үкийди _____

Маслаҳат ва амалий машғулотларни олиб боради _____

Тажриба машғулотларни олиб борувчи _____

Ишлаб чиқариш амалиётини олиб боради _____

№	Машғулот турлари	Мавзу номи ва назорат турлари	Ажратилган соат	Бажарилганлиги ҳақида маълумот		Ўқитувчи имзоси
				ой ва кун	соатлар сони	
1	2	3	4	5	6	7



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Узбекистон Республикаси таълим тизими методологик асосларига нималар киради? Классификатор нима ва уларнинг таркибига нималар киради?
2. Узлуксиз таълим жараёнини қандай тушунасиз?
3. Тармоқ стандартининг умумий тузилмасини изоҳлаб беринг.

- Намунавий ўкув дастури, ишчи ўкув дастури, ўқитувчининг йиллик календар дарс режаларини тавсифланг.
- Соҳа касбларининг таълим дастурлари учун йиллик дарс режаси қандай мезонлар асосида ишлаб чиқилиши керак?



Таянч иборалар

Автоматлаштириш, технологик жараён, конструкция, құникма, малака, лойихалаш, автоматик тизимлар, экспериментал, механизациялаштириш, мутахассис, ахборот технологиялари, умумтальим, умумкасбий, касб, хунарманд, дидактика, методика, бағолаш, ўкув дастури, табақалаштирилган, объект, субъект, қобилият, мотивация, объект, комплекс, Конституция, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим, интеграция, магистратура, классификатор, Давлат таълим стандарти, ўкув режа, ўкув дастури, календар режа, алгоритм, компетенция.



Мустақил иш топшириқлари

- Касб-хунар коллежининг мутахассислик йұналиши бүйича Давлат таълим стандартларини тавсифланг!
Күйидагиларни изоҳланг:
 - касб тавсифининг қысқача характеристикаси;
 - ўкув мақсадлари;
 - талабаларнинг ўқишига кириш шартлари;
 - касблар ўртасидаги боғлиқлик.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида келтирилган «техникавий ижод эркинлиги» иборасига ўз фикр мулоҳазаларингизни қоғозга туширинг.

I-Боб бүйича



Адабиётлар ва электрон таълим ресурсларининг рўйхати

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- Баркамол авлод орзузи. КЕРСТИН ВАКВИТЦ. «Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича маҳсус дидактика». «Марказий Осиёда касб таълими давлатларида ўқитувчиларни ўқитишнинг (Касбий педагогика, дидактика) регионал тармоғи» лойиха доирасида. Дрезден-Тошкент- 2010 й.

3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини үкитиши методикаси. Ўкув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
4. Қ.Т.Олимов, Л.П.Узокова ва бошқалар. Махсус фанларни үкитиши методикаси. Касб-хунар колледжлари үқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
5. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли лугат. Тошкент, «Фан ва технологиялар», 2009.-670 б.
6. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун ўкув-меъёрий хужжатлар тўплами. -Т.: 2006. -48 б.
7. Frank Vengkefer,Berufische Bildung und Consulting GmbH, («Касбий педагогика» маҳсус соҳасининг муҳим масалалар асосида Франк Венгкефернинг концепцияси), D-13189 Berlin,2002.

II БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЪСИР ҚИЛАДИГАН ОМИЛЛАР

2.1. Диққат билан ўрганиш ва чарчоқ. Ўқитишиш вақти


Ўқув мақсади

Талабаларнинг таълим жараёнида диққат билан ўрганишиш ва чарчоқ, ўқитишиш вақти түгрисида тушиунчаларни шакллантириши

 Махсус фанларни ўрганишнинг турли дастлабки шартларда, яъни ўрганиш ва фикрлашнинг шахсий фазилатлари асосида эгалланётган билимлар миқдори ва сифатига, эслаб қолиш қобилиятига ва ўрганиш вақтида таъсир қиласидаги омиллар мавжуд. Уларга қўйидагилар киради:

Ўрганиш бу – оғир ва чарчатадиган меҳнатдир. Тадқикотлар шуни кўрсатадики, агар билимлар аниқ усуллар билан берилса, унда катта ёшдаги талабанинг диққат билан ўрганиш вақти энг кўпине билан 20 дақиқани ташкил қиласди. Тахминан 60 дақиқадан сўнг диққат эътиборлилик энг паст даражасига тушади.

Бу фақат шундай холосага олиб келадики, назарий дарслардан сўнг танаффус пайтида дам олиш имкониятини бериши керак. Амалиётдаги оддий қоида шу хақида гувоҳлик берадики, янги билимларни киритиш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқада амалга ошиши, кейин эса баҳс мунозара гуруҳдаги иш ва бошқа шу каби фаол машқларни бажариб уларни мустаҳкамлаш керак.



Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида масалан, факат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ортиқ чўзилмаслиги керак. Ҳатто 5 дақиқалик танаффуслар ҳам дам олишнинг ўзига хос самарасини беради, чунки дам олишнинг дастлабки уч дақиқаси самарали. 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттиришга қизиқиш тезда пасаяди, бу ҳамма таклифлар талабанинг дикқатини узок вақтгача сақлаб туриш мақсадида хизмат килади.

Ўқитишиш вақти

Эсда олиб қўйилган ва хотирада туриши мумкин бўлган билимни ўз вақтида тушуниш даражаси ҳам таъсир кўрсатади, масалан мавжуд билимларни янги вазиятларда қўллаш ва эслаб қолиш муайян бир вақт мобайнида таъсир қиласи. Агар ўкув материали қисмларга бўлинган бўлса ва уни ўзлаштириш узокроқ вақтга таксимланган бўлса, у яхши эсда олиб қолинади. Эббингхауз тажрибалари асосида вақт давомида эсга тушириш мумкин бўлган билимларнинг пасайишини қўйидаги жадвалдагидай курсатиш мумкин.

Вақт давомида	% эсда қолган
20 дақиқа	58
1 соат	44
1 кун	34
2 кун	28
6 кун	25
30 кун	21

Бундан шундай амалий қоида келиб чиқади. Аниқ вақт давомида билимлар камида 3 марта тақрорланиши керак, лекин ҳар бир тақрорлашда бошқача нұқтаи назардан ўрганишнинг ҳар хил усууллари ва уй вазифаларидан фойдаланиш керак. Демак, ўқитувчи қуидагиларга риоя қилиши керак.

1. Назарий дарс ёки амалий машғулот охирида энг муҳим хулосалар ва қоидалар тақрорланиши ва умумлаштирилиши керак.
2. Эртаси куни янги материални тушуниширишни бошлашдан аввал бу умумлаштиришни тақрорлаш лозим.
3. Ҳафта охирида талабаларни энг муҳим билимларни оғзаки тест ёки уй вазифаси орқали эсга туширишларига ундаши керак.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Талабаларнинг эслаб қолиш қобилиятини ўрганишда таъсир қиласидиган омилларни айтинг?
2. Ўрганиш қобилияти деганда нимани тушунасиз?
3. Эббингхауз тажрибалари асосида тузилган вақт давомида эсга тушириш мумкин булган билимларнинг пасайиш жадвалини тушунтиринг.
4. Назарий дарслардан сўнг танаффус пайтида дам олиш имкоиниятлари қандай тақсимланади?
5. Ўқитувчи ўрганишнинг ҳар хил усувлари ва уй вазифаларини тузишда нималарга риоя қилиши керак?


2.2. Кун давомида ўзлаштириш даражаси. Идрок қилиш пайтида сенсорлик ҳолатлардан фойдаланиш.

Ўкув мақсади

Талабаларда кун давомида ўзлаштириши даражалари, идрок қилиши пайтида сенсорлик ҳолатлардан фойдаланиши бўйича тушунчаларни шакллантириши

□ Инсон аъзоларининг вазифалари туну-кун, яъни 24 соат давомида ўзига хос ўзгаришларга учрайди, муайян вақтда улар натижалар беришга, бошқа вақтда эса уйку ва дам олишга қаратилган булади. Бу даврлар ҳар бир инсонга ҳар хил бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, тушликкача бўлган вақтда ўзлаштириш қобилияти тадқиқотлар бўйича энг юқори фаоллик даражасида булади.

Эрталабки соат 7^{00} дан сўнг иш қобилияти ошади, сўнгра эса соат 9^{00} дан 11^{00} гача одамлардан энг юқори даражага деб номланган оптималь иш қобилияти кузатилади. Тахминан 12^{00} - 13^{00} ларда қобилият пасаяди ва соат 14^{00} - 15^{00} ларда бориб энг пастки даражага тушади- чарчоқнинг аниқ ифодаланган ташқи белгилари кўринади (масалан, ишнинг секинлашган тезлиги, хатоларни сезмаслик, эснаш ва бошқалар). Соат 15^{00} дан кейин қобилият бир оз кўтарилиди аммо тушликкача вақтдаги ҳолатга қайтмайди ва шу ҳолатда 17^{00} - 19^{00} гача ўзгармайди баъзи бир одамларда соат 20^{00} дан сўнг яна «Юқори фаоллик даражаси» пайдо булади ва у соат 10^{00} гача сақланади.



Үқувчиларнинг кун давомидаги ўзлаштириш даражаси

Назарий дарс ёки амалий машғулот вактида ўқитувчи томонидан күйидаги қоидаларга риоя қилиш тавсия этилади.

1.Агар танлаш имкони бұлса, назарий дарс ёки амалий машғулот соат 9^{o} дан эрта үтказилмаслиги ва узоги билан соат 12^{o} гача давом этиши керак.

2.Агар соат 9^{o} дан эрта бошлаш керак бўлса оғзаки ёки ёзма текширища бошламаслик, уни соат 9^{o} дан сўнг үтказиш ёки тақрорлаш, ёки гуруҳдаги оддий иш билан бошлаш керак.

3.Соат 14^{o} га яқин мураккаб машғулот ёки текширишни ҳеч қаочон үтказмаслик, талабаларни бу вактда (бу вакт энг паст фаоллик даражаси) фаол топшириклар ёки амалий ишлар билан шуғуллантириш керак.

Бу барча қоидалар ўқув жараёнини ўзлаштиришда инсон кобилиятини оптимал даражада ишлатиш мақсадида курсатиб ўтилди.

Ўхшатиш соҳаларининг ўқув материалини эсда олиб қолиш даражасига таъсири


Агар ўқув материалининг бир-бирига ўхшаш мазмунли ўқув соҳалари ўқитилса унда бу янги таассуротларнинг кўплиги эсда олиб қолишига халал беради. Шунинг учун 20 дақиқадан сўнг билимларни бериш аспекти ўзгариши керак, масалан навбатдаги мавзуу фарқли мазмунга эга бўлиши керак, бу олдинги мавзулардан

фарқ қиласынан ёки бошқа усуллар билан үтказыладын янги мавзу хам бўлиши мумкин. Агар кун давомида фақат 1-2 фан бўйича дарс үтиладын бўлса, ўзлаштириш умуман унумли бўлмайди.

Идрок қилиш пайтида сенсорлик ҳолатлардан фойдаланиш

Идрок қилиш пайтида қанча куп сенсорлик ҳолатлардан фойдаланилса, эсда олиб қолинган билимларнинг микдори ва сифати шунчак юқори бўлади. Тадқиқотчининг аниқ натижаларига асосланмасдан ҳам, куйидаги хуносага келиш мумкин.

Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йулида) берилган бўлса унда 3 кундан сўнг фақат 25% ни эслаш ҳолос. Агар маърузалар ўқиш(тинглаш), кўргазма орқали берилса ва шу тўғрисида баҳс мунозаралар үтказилса,унда 3 кундан сўнг 75% ни эсга тушириш мумкин.



Идрок қилиш пайтида сенсорлик ҳолатлардан фойдаланиш

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорлик ҳолатлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса феноменнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Бунинг давоми сифатида ўкув вазиятида талабаларнинг фаол иштироки орқали ўқитишининг самараси ошади. Бундан куйидаги қоида келиб чиқади.

1. Ўкув вазиятни тайёрлашда интерактив аудио-визуал воситалар оқилона аралашмасини ишлатиш учун тайёрлаб кўйилиши керак.

2. Ўкув материаллари тўғрисида сўз бошлашга доим имкон бериши лозим. Ўкув сұхбатлар, гурухий баҳс, мунозаралар тавсия этилади. Чунки бу усуллар талабаларни фаолликка жалб қиласди.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Талабаларнинг кун давомидаги ўзлаштириш даражаси графигини тушунтиринг.
2. Назарий дарс ёки амалий машгулот вақтида ўқитувчи томонидан қандай қоидаларга риоя қилиш тавсия этилади?
3. Ўхшатиш соҳаларининг ўкув материалини эсда олиб қолиш даражасига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
4. Идрок қилиш пайтида қандай сенсорлик ҳолатлардан фойдаланилади?
5. Ўкув вазиятида талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун қандай қоидалар ишлаб чиқилади?

2.3. Билимларни ўзлаштиришнинг абстракт даражаси. Махсус фанларни ўқитиши самарасини ошириш йўллари

Ўкув мақсади

Талабаларда билимларни ўзлаштиришининг абстракт даражалари, маҳсус фанларни ўқитиши самарасини ошириши йўллари бўйича тушунча ва тасаввурларни шакллантириши

 Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўқитувчилар уч хил тарзда, яъни режа тажриба, тасаввур ва символ даражасида ўзлаштиради. Ўкув жараённида ўкув воситаларини онгли равища қўллаш катта аҳамиятга эга.

Реал тажриба даражаси. Талабага берилган билимларни ўзининг шахсий ёки касбий реал ҳаётига тажрибаси билан таққослайди. У реал обьектларни масалан, ускуналар, жиҳозларни реал обьект шаклида кўрган бўлса уларни тез қайта танийди ва эслаб қолади ҳамда ажратади. Шунинг учун ўқитувчи, иложи борича шундай ўкув вазиятларни яратиш керакки, улар реал ҳаётга таълукли бўлсин. Буларга тақдимот, намойиш ва изланиш (урганиб чиқиши) усулларини тавсия қилиш мумкин.

Тасаввур даражаси. Бунда талабалар билимларни обьектлар, тасвиirlар, фото суратлар, фильмлар ва шу кадрлар ёрдамида

эгаллашади. Агар ўрганилаётган объект ҳаддан ташқари катта жуда ҳам узоқ жойлашган бўлса, бундай ҳаётда ўқитувчи талабаларга тасвирлар ёрдамида билимларни кўргазмали кўрсатиши керак.

Символлар даражаси. Бу билимлар мавхумликнинг энг юқори даражасида туради. Масалан, объектларни техник тасвирларда кўриш мумкин. Чизма шаклида бирор ускуннанинг узелини (қисмини) аниқ ва равshan кўрсатища тенги йўқ воситадир.

Билимларни беришда мавхумликнинг ҳар бир даражаси аниқ аҳамиятга эга. Амалиёт ўқитувчиси тегишли вазиятда мавхумликнинг қайси даражаси энг яхшилигини билиши керак. Асосан реал вазиятларда ўрганишни афзал деб билиш керак.

Бошқа хулосалар шундан далолат берадики, талабаларнинг турли ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олиб, амалиёт ўқитувчиси мавхумликнинг ҳар хил босқичда мос воситалардан фойдаланиши керак. Бу техник воситалар оқилона аралаштириб ишлатилиши керак.

Махсус фанларни ўқитиш самарасини ошириш йўллари

Тадқиқотлар инсонларнинг тинч, ижтимоий дам олиш дараҷасидаги муҳитда яхшироқ ва енгилроқ ўрганишлари мумкинлигини кўрсатади. Нафақат ижобий эмоционал ва ижтимоий муҳит, балки мақсадга мувоғик тарзда жиҳозланганлиги, фаол була олиш имкониятларнинг борлиги шулар жумласига киради. Ўрганиш жараёнини иложи борича талабаларга қаратиш учун ўқув предмети талабалар эҳтиёжлари билан боғлиқ булиши керак. Талабани ўрганишга қизиқтириш учун ўзлаштириш бўйича натижалари тўғрисида хабардор қилиб борилса ва шахсий мақсадлар билан мослаштирилса, уларда қизиқиш ошиб боради. Талабанинг ўқув предмети билан фаол тарзда шуғулланиши юзага келганда ўқув жараёни ривожланади, чунки талабада бирламчи ва иккимламчи мотивлар юзага келади. Талабанинг ўзлаштиришда эришган натижаларга мос мақтов ва тан олиш сўзларини айтиш унинг қизиқишини уйғотишда ижобий таъсирга эга. Бу ҳолат уларда ўз кучларига ишончларини ва ўзларига кўйилган талаб даражаларини юксалтиради. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида турли қийинчилклар юзага келиши мумкин. Масалан, талабанинг дастглабки билимлари етарли эмаслиги, қизиқиши йўқлиги, муаммоларни ечиш мураккаблиги ёки топшириқнинг қийинлиги

бўлиши мумкин. Бу кийинчиликларни ўкув мақсадига қаратилган ёрдамчи ўкув усуллари орқали бартараф этиш мумкин.

Буларга кўйидагилар киради:

- ўкув кийинчиликларини енгишга қаратилган ёрдамлар;
- ечимини топишга қаратилган ёрдамлар;
- ишлаш ва амалга оширишга қаратилган ёрдамлар;
- такрорлаш ва машқлар қилишга қаратилган ёрдамлар;
- ўзлаштирилган билимларни бериш ва янги вазиятларда қўллашга қаратилган ёрдамлар.

Ўкув материалининг тузилмаси қанча яхши тузилган ҳамда у қанча қонуниятларни ўз ичига олган бўлса, билимларни шунча яхши эслаб қолинади.

Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотларга асосланиб махсус фанларни самарали ўрганиш бўйича кўйидаги хуносаларни бериш мумкин.

-Ўрганиш кичик қадамлар, яъни босқичма-босқич ўтказилиши керак ва ҳар доим дастлабки билимларга асосланилиши лозим.

-Бундан ташқари, ўрганиш рағбатлантирилиши керак, масалан, тан олиш билан муваффақиятли ўрганиш ва уни давом эттиришни рағбатлантириш керак (мақтоб орқали).

-Талабалар ўзларининг ўрганишдаги ютуқлари ҳақида хабардор бўлсалар, қизиктириш кучайтиради.

-Талабалар «мустақил фаол бўлиш» принципи бўйича ўрганишади. Ўрганишнинг фаол даврларни ташкил қилиш керак..

-Ўрганиш ўтаётган даврда кўпгина қулай ҳолатларни қўллаш, ўкув вазиятларини ўзгартириб туриш керак.

-Талабалар кўп фаол бўлиб ўрганилса, ўзлаштириш давоми ва муваффақиятли бўлади. Ўрганишнинг фаоллаштирувчи усулларидан фойдаланиш ва гурухий ўрганишни ўтказиш керак.

-Ўкув жараёнида ёрдамчи усулларни қўллаш орқали ўрганиш самарасини ошириш мумкин.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Билимларни ўзлаштиришнинг абстракт даражаларини тушунтиринг.
2. Амалиёт ўқитувчиси тегишли вазиятда мавхумликнинг қайси даражаларидан фойдаланади?

- Махсус фанларни ўқитиш самарасини ошириш йўлларини айтинг.
- Муаммоларни ечиш мураккаблиги ёки топшириқнинг қийинчиликларини бартараф этиш учун қандай ёрдамчи ўкув усуллари кўлланилади?
- Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотларга асосланиб махсус фанларни самарали ўрганиш бўйича қандай хulosаларни бериш мумкин?

2.4. Махсус фанларни ўқитишда таълим олувчиларни фаоллаштириш даражалари

Ўкув мақсади

Таъбаларда махсус фанларни ўқитишда таълим олувчиларни фаоллаштириш даражалари бўйича назарий тушунчаларини шакллантириш



- Таълимни фаоллаштириш учун куйидагиларга асосий зътиборни қаратиш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилган.
- ўкув муаммоларни ечишга қаратилган фаол методларни кўллаш;
 - мақсадли ва амалий уйинлар ўтказиш;
 - давра сұхбати ва очиқ мунозаралар ташкил этиш;
 - намунали ноаънанавий ёки мунозара дарси, тарбиявий тадбир мұхокамасини ўтказиш;
 - таълим жараённан замонавий ва ахборот педагогик технологиялардан фойдалана олиш.

Таълим олувчилар ўкув материалини ўрганиш мұхимлигини онгли равишда тушуниб этишлари, шунингдек самарали ўзлаштириш учун уларда хошиш-истак, кизиқиши ва ишонч бўлиши керак. Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим, эгалланган күнікма ва малакалар мазмунан тизимли ва мантиқан тугалланган тарзда шакллантирилиб турли ишлаб чиқариш вазиятларида кўлланишга имкон беради.

Таълим олувчиларни фаоллаштириш уларнинг мустақил ўрганиш қобилиятларини ривожлантириш имконини беради. Педагогик тадқиқотларда таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини куйидаги даражаларда бўлиши келтирилган:

1. **Фаоллиллик ва мустақилликнинг дастлабки даражасида ўқитувчи таълим олувчиларга илгари ўзлаштирилган таянч**

билим, күнікмалар ва шахсий фазилатларни эслатади. Янги үқув материалини тушунтиради. Бу жараёнда таълим олувчиларнинг ўрганишга хоҳиш, қизиқиши эмас, балки унга үқув жараёнини ташкил этиш шакллари, хоналар жиҳозланиши назария билан амалиёттинг таъминланиши кабилар үз таъсирини күрсатади.

2. Коммуникатив фаоллик ва мустақиллик даражасида таълим-тарбия жараённи иштирокчиларининг үзаро фикр ва тажриба алмашишлари талаб даражасида йўлга қўйилган бўлади. Бунда үқув материалларини барча таълим олувчилар деярли бир хил даражада ўзлаштирадилар, уларнинг фанга бўлган қизиқиши доимий ва барқарор ижобий эмоциялар билан мустаҳкамланади. Таълим олувчилар мустақил ҳолда ўзлаштирилган үқув материалига изоҳлар берадилар, амалий ҳаракат методларини бажариб кўрсатадилар. Ўқитувчи үқув материалини таълим олувчилар томонидан етарли даражада ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгандаридан сўнг янги үқув материалини ўтишга киришадилар.

3. Ижодий фаоллик ва мустақиллик даражасида ўқитувчи таянч билимларни эслатмайди, кайта такрорламайди, балки аксинча нисбатан муаммоли вазиятларни юзага келтириб, турли мураккаб саволлар ва топшириқлар бериб, уларнинг мустақил тарзда янги ечимларни топишга йўналтиради. Таълим олувчилар үқув материалини мустақил ўрганишга йўналтирилган ижодий изланувчи сифатида ўрганиш фаолиятида иштирок этадилар.

Айнан шу босқичда замонавий таълим талабларига мос фаолият амалга оширилади. Таълим олувчиларни фаоллаштириши учун ўқитувчи:

- таълим олувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражасини аниқлаши;
- үқув материалини муаммоли вазиятлар, үқув муаммолари ёки топшириқлар шаклида ишлаб чиқиши;
- муаммоли вазиятлар үқув муаммолари ва топшириқларни турли даражаларга ажратиши;
- асосий үқув материалини мантиқий кетма-кетликка тизимли баён этилишини таъминлаши;
- мураккаб үқув муаммолари ва топшириқларни таълим олувчиларнинг бажаришларида тұла имконият яратиш учун турли таълим методлари ва воситаларини құллаши керак.

Таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш муҳим восита сифатида қабул қилинар экан, у қўйидаги кўринишда намоён бўлади:

- а) таълим-тарбия жараёнини эркинлаштириш, субъект-субъект муносабати асосида ҳамкорликда ўқишни йўлга қўйиш ва таълим олувчилар қобилиятини аниқлаш орқали ўқишга мойиллик ҳамда қизиқиши фаоллаштириш;
- б) таълим-тарбия мазмунини интеграциялаш орқали ўқитиш мақсади, вазифаси, мазмуни, методи, шакли ва воситаларини ўзаро алоқадорлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- в) таълим-тарбия жараёнида энг қулай фаол методларни қўллаш;
- г) таълим ва тарбия жараёнига технологик ёндошув асосида, таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини таъминловчи муаммоли-вазиятлар, муаммоли-топшириклар ва ўйинли технологияларни кенг қўллашга эришиш;
- ж) муаммоли ва ўйинли технологиялар ҳамда ўқув-технологик комплексларда максадли фойдаланишини йўлга қўйиш.

Юқорида кайд этилган талаблар таълим олувчилар фаолиятларини фаоллаштириш орқали уларнинг ижодкорлигини, ўқув – топширикларни бажариш учун фаразларни илгари сурини ва шу асосда ечимларни топишга интилишга кенг йўл очади. Шуни таъкидлаш жоизки, таълим бериш жараёни-икки ёқлама жараён бўлиб ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам фаол иштироки талаб этилади, ўқитувчи таълим жараёнида муваффақиятга эришишга интилса, у албатта, ўқувчиларни фаоллаштириш ва рағбатлантиришни йўлга қўйиши лозим.

Шунингдек, касб-хунар колледжларида булажак кичик мутахассисларда билим ва малакаларни шакллантириш жараёнида таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув фаолиятини фаоллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Таълимни фаоллаштириш учун асосий эътиборни нималарга қаратиш лозим?
2. Таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятининг даражаларини айтинг.

3. Замонавий таълим талабларига мос фаолият амалга оширилиши учун таълим олувчиларни фаоллаштиришда ўқитувчининг вазифаларини тушунтиринг.
4. Талабалар билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш муҳим восита сифатида қандай кўринишда намоён бўлади?
5. Ўхшатиш соҳаларининг ўқув материалини эсда олиб қолиш даражасига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Таянч иборалар

Иштиёқ, ўрганиш, фикрлаш, омил, амалиёт, мунозара, оғзаки тест, идрок, қобилият, фаоллик, оптимал, чарчоқ, таассурот, аспект, пассив, интерактив, гуруҳий баҳс, абстракт даражаси, тасаввур, символ, реал, объект, эмоционал, тадқиқот, очик мунозара, педагогик технология, билим, кўнишка, эмоция, субъект, объект, узвийлик, муаммоли-вазият, комплекс, мустакил фикрлаш, интеллектуал қобилият.

Мустакил иш топшириқлари

1. Касб-хунар колледжида куннинг биринчи ва иккинчи ярмида биттадан маҳсус фан машғулотларни кузатинг ва таассуротларингизни ёзинг?
2. Касб-хунар колледжида йўналишига мос маҳсус фанлар бўйича машғулотларингизни кузатинг ҳамда ўқувчилар фаоллигини киёсий таҳлил қилиб ҳисобот ёзинг?



Адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. С.Я.Батышев. Профессиональная педагогика. «Профессиональное образование». М.: 1997.
2. Қ.Т. Олимов ва бошқалар. Маҳсус фанларни ўқитиши методикаси. Касб-хунар колледжлари ўқитувчилари учун методик қўлланма. – Тошкент: «Фан» 2006, 2004.-119 б.
3. Б.С.Нуриддинов, О.А. Абдукулдусов. Касб-таълим ўқитувчилари тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. Монография. 2001.
4. М.И.Махмутов. Современный урок.-2 е изд.-М.: Педагогика, 1985. – 184 с. [Образование. Пед науки.Дидактика].

ІІІ БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Махсус фанларни ўқитиш турлари ва шакллари

Ўқув мақсади

**Талабаларнинг махсус фанларни ўқитиш
турлари ва шакллари бўйича назарий билим-
ларини кенгайтириши**

Машғулот турлари. Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш ва ўргатиш қуйидаги машғулот турларида амалга оширилади:

- Маъруза;
- Амалий, лаборатория, семинар машғулотлари;
- Интеграллаштирилган ўқув машғулотлари;
- Билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга йўналтирилган семинарлар;
- Коллоквиум машғулотлари;
- Ўқув амалиёти;
- Мустақил ишлар;
- Курс ишлари (лойиҳалари);
- Маслаҳатлар;
- Тўгараклар.

Ҳар бир машғулот турининг қисқача мазмунига тўхтalamиз

Маъруза – режали ташкиллаштирилган, аник мақсадга қаралтилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган таълим ҳамда тарбия жараёнидир. Бу жараёнда маълум бир махсус соҳа бўйича назарий билимлар тизимли равишда таълим олувчиларга етказилади. Бу жараёнда таълим берувчи назарий билимларни амалиётда қўллаш йўллари билан таништиради. Назарий дарс асосан махсус жиҳозланган ўқув хоналарида утказилади. Бу хоналарда турли техник воситалар ишлатилиши мумкин. Маъруза:

- умумлаштирилган шаклдаги илмий билимларга асос солади;
- маърузалар: информацион, муаммоли ва аралаш хилларга бўлинади;

- маързудаги билимлар талабаларнинг мустақил ишлари ва амалий машғулотларда мустаҳкамланади.

Амалий, лаборатория, семинар машғулотлари – аниқ максадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладики, аниқ бир топширикни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган маҳсус билимлар асосида малака ва қўникмалар шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик ҳаракатга айтилади.

Амалий, лаборатория, семинар машғулотлари касб-хунар гаълимининг таркибий қисми булиб, ўкув устахоналарида, лабораторияларда, ўкув полигонларида иш ўрнида жойлашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Амалий, лаборатория, семинар машғулотлари:

- билимларни чукурлаштириб, кенгайтиради, аниқлаштиради, мустаҳкамлайди, касбий фаолиятни амалий қўникма ва малакаларга айлантиради.

Интеграллаштирилган ўкув машғулотлари - бу назарий ва амалий машғулот биргаликда мувофиқлаштирилган шаклда ўтказилишидир. Бундай машғулотлар иккала шаклга ажратилган вақтнинг умумий микдорига риоя этилган ҳолда ўтказилади. Назарий ва амалий машғулотнинг ҳар бирига қатъий вақт ўрнатилмайди. Бу таълим тури янги булиб, шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш имкониятини яратади.

Билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган семинарлар - маъруза машғулотига кўшимча булиб, талабаларни яхши ўзлаштиришларига туртки беради. Маъруза пайтида берилган билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун кичик гуруҳларга топшириклар бериш ва уларни бажартиришга қаратилган машғулот ҳисобланади. Семинарлар аниқ бир мавзуни ўрганишга қаратилган булиб, ўқитувчи машғулотда маслаҳатчи ёки модератор ролини бажаради. Ўқитувчи талабаларни мустақил ишларни бажаришга йўналтиради. Талабалар берилган топширикпарни реферат, тақдимот ёки ҳисбот кўринишида тайёрлаб ҳимоя килишида ва баҳоланади Семинар машғулотлар асосан амалий қўникмаларни шакллантириш учун мулжалланган.

Коллоквиум машғулотлари - маҳсус фанга оид илмий муаммолар бўйича изланишлар олиб бориш ва уларни ҳал қилишга йўналтирилган «коллоквиум» шаклидаги машғулотлар ҳам ўткалиши талабаларнинг ижодий ва тадқиқотчилик қобилияtlарини

шакллантириш имконини беради. Шунингдек, «коллоквиум» машгулотлари якуний назоратга тайёргарлик қилиш учун назорат мавзуларини мұхокама қилиш учун ҳам үтказилиши мүмкін.

Үқув амалиёти—бу касб-хунар колледжларида талабаларнинг машгулотларни үтказиши ва якуннан үқитувчи билан дарсни таҳлил қилиш орқали ютуқ ва камчиликларини аниқлаштыр. Асосий эътибор талабанинг дастлабки шахсий маҳоратларини ва компетенцияларини намоён қилишга имконият яратылган иборатдир. Ушбу турдаги шахсга йўналтирилган машгулотларни ташкил этишга асосан талабанинг мустақил ҳаракатлари ва фикрларини ривожлантиришга йўналтирилган таълим шаклларини танлаш талаб этилади.

Мустақил ишлар - маъруза билимларини чукурлаштириб, кенгайтиради ва билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш учун назарий база ҳозирлайди.

Курс ишлари (лойиҳалари). Фанга оид топшириқ ёки лойиҳаларни талабаларга бажартириш орқали уларда амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган машгулотлар.

Маслаҳатлар. Талабаларга қўшимча машгулотлар ёки маслаҳатлар ташкил қилиш орқали уларда билим ва кўникмаларни чукур ўзлаштиришга қаратилган машгулотлар.

Тўғараклар. Талабаларга дарсдан ташқари вактда касбий ижодий ва маҳсус топширикларни бажартириш орқали уларда мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган машгулот тури.

Машгулотлар куйидаги шаклларда амалга оширилади:

A) Якка тартибда ишлаш

Бу таълим шакли үқув жараёнини индивидуаллаштириш ва талабаларни фаоллаштиришга кўмаклашади. Якка тартибдаги ишни кенг кўламдаги үқув топширикларини мустақил бажаришга йўналтирилган индивидуал иш билан алмаштираслик лозим.

Ушбу шаклдаги үқув машгулотларини таълим жараёнинда кўллаш имкониятлари куйидагилардан иборат:

- натижаларни солиштириш (танловлар, мусобақалар);
- ўзлаштиришни аниқлаш;
- ахборотни мустақил излаш ва тўплаш;
- қайта шуғулланиш ва тақрорлаш;
- үқув ёзувлари, топширикларни индивидуал бажариш;

Б) Жуфтлиқда / ҳамкорликда ишлаш

Бу үкүв машғулоти - ўқитишининг диалогга кўмаклашувчи ижтимоий шаклидир. У мувофиқлаштириш қобилиятини ўрганишга ёрдам бериши ҳамда фикр алмашиш ва ўзаро ёрдам туфайли кизиқтиришини ва натижани яхшилаш мумкин. Бу шаклда ўқитишини қисқа муддатда ҳам кўллаш мумкин. Жуфтлиқда / ҳамкорликда ишлашда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларга кутилмаганда вақтга бўлган эҳтиёжнинг ошиши, талабанинг бажарилган ишга қўшган шахсий ҳиссанисига нисбатан етарлича баҳоланмаганлиги ёки талабаларнинг ишга / мазмунга боғлиқ булмаган мавзулар билан бандлиги киради. Буни бартараф этиш учун ўқитувчи талабалардан бажарилган иш натижалари тўғрисида хисбот сўраши, зарур ҳолларда ўзининг фикрини билдириши ва натижани изоҳлаши лозим.

В) Кичик гурухларда ишлаш. Кичик гурухларда ишлаш замонавий таълимнинг энг самарали шакли ҳисобланади.

- Бу ўқитиши шаклида бир неча киши (гурухнинг мақбул микдори – 3-7 киши) гурухнинг ягона мақсадини кўзда тутган ҳолда масала ва муаммоларни мустақил ечади, гуруҳда барча талабалар ўзаро муносабатда булади;
- Гурухда ишлашнинг шакллари.

Иш шакли	Гурух	-1	-2	-3	-4
-Гурухларда битта мавзу бўйича ишлаш	- мавзу	-A	-A	-A	-A
-Мехнатни таксимлашга асосланган гурухда ишлаш	- мавзу	-A	-B	-C	-Д
- Оралиқ шакл	- мавзу	-A	-A	-B	-B

Гурухдаги ишга тайёрланиш бўйича курсятмалар

- Максадларнинг аник ифодалари (слайдда, доскада ва ёзув қоғозида ёзма равишда)
- Иш тўғрисида аник йўрикномалар (имкони борича қадамлар кетма-кетлиги кўрининишида ёзма ва хар бир гурух учун алоҳида)
- Тушунмовчиликка йўл қўймайдиган коидалар (гурух таълим шакли, гурух катталиги, фойдаланиладиган бино, ишдаги танаффуслар тартиботи ва хоказо)
- Ишчи воситаларни синчковлик билан ташкил қилиш ва тайёрлаш Натижалар бўйича хисбот тузиш тўғрисида аник тасаввур

Гурухни тузиш бүйича курсатмалар

Гурухлар хил тамойиллар бүйича тузилиши мумкин:

- ихтиёрий;
- жойлашув тартиби асосида (бир-бiri билан ёнма-ён үтирганлар бир гурухни ташкил килиди);
- хисоблаш оркали (1-2-3-4, 1-2-3-4, бир хил сонларнинг бир хил гурух);
- ҳарфлар ёки ракамларни тортишини таклиф қилиш;
- белгилар тортишини таклиф қилиш;

Афзаликлари: вақтдан кам сарфланиши, гурух таркибининг ҳар хил жинслилиги, катнашувчи үғил ва кизлар танишади, антипатиядан (танлаб олинмаслиқдан) ҳеч ким камситилмайди.

- кизикиш бүйича;
- талабалар турли хил мавзулар бүйича тақсимланади;
- мавзу ҳакида тушунчалари, белгилари ва бошқалар бүйича талабалар тақсимланади;
- барча талабалар битта мавзу устида ишлайдилар;

Афзаликлари: яхши ишчи мухит натижанинг яхшиланишига қўмаклашади

Ишчи топширикни ишлаб чиқиши бүйича курсатмалар

Ишчи топшириклар турли хилда ишлаб чиқиши мумкин:

- ёпик ишчи топшириклар: ўқитувчи бажарилиши шарт бўлган топширикни муайян аниклаб беради. Доскада, ёзув қофозида, слайдда ёзма ифодаланиши шарт;
- очик ишчи топшириклар: топшириқ йўллари, натижалари, усулларини очик колдиради, бироқ бажарилиши шарт. Талабаларга тилга нисбатан тушунарли ва мазмун жиҳатдан бир хил ифодаланиши керак (масалан, «...ни ўлчаш учун аппаратни ишлаб чиқинг»);
- эркин ишчи топшириклар: Ҳеч қанақа ишчи топшириқ мавжуд эмас, гуруҳда ишлашни давом эттириш тўғрисидаги келишув эса шарт, масалан. Лойиха доирасида (масалан, «Гурух ... ни ўзлаштириш учун жавоб беради»).

Гуруҳда ишни бажариш бүйича курсатмалар

- зарур холларда ёрдам курсатиш;
- аниқликка нисбатан кетма-кетликка интилиш: алоҳида гурух аъзоларининг функцияси аникланган бўлса, кичик гуруҳда ўзаро харакатланиш жараёни учун кўйидагилар фойдали бўлиши мумкин (роллар – раҳбар; баённомани юритувчи гурух хотиби; вакт кузатувчиси; жараённи кузатувчи ва ҳоказо)
- алоҳида гурух аъзоларининг умумий натижага қўшаётган хиссасини доимий кузатиб бориш

Гурух ишини баҳолаш бүйича курсатмалар

- Натижаларни кенг қуламда назорат қилиш ва кейинчалик тахлил қилиш;
- Гуруҳда иш натижалари ёзма равишда бирютирилган ва кўпайтирилган бўлиши мумкин (натижаларни кўпайтириш). Тўғри, кўпинча уларни изоҳсиз тушуниш қийин. Агар бир нечта гурух ўз ишини шархласа (изоҳласа), унда бунга жуда кам вақт талаб килинади. Бу ерда натижаларни ўқиб чиқиши

- имкониятини бериш максадга мувофиқдир. Ҳамкорликдаги иш ёки кичик гурухдаги ишнинг боришида саволларни ёзиб олиш ва берилган саволларни киска жавоб беришлари учун мос равишдаги гурухга тарқатиш;
- Ишчи натижалар ёки маҳсулотларни тақдим килиш учун навбатдаги усул – бу «Имкониятлар бозори». Алоҳида гурухлар куйидагиларни тақдим киласи: деворий газеталар, моделлар, видеофильмлар, радиомонтаж, картиналар, саҳна намойишлари. Бу маҳсулотдан боғлиқ равишда навбат билан ёки бир вактнинг ўзида ўтиши мумкин. Гурух аъзоларидан бири маҳсулотнинг тақдимотини ўз масъулиятига олади. Колган барча турли хил маҳсулотларни кўриб чиқади ва саволлар беради.
 - Гурухдаги иш натижалари тўғрисида шунингдек, гурухларнинг аралаш таркибидан ҳам билиб олиш мумкин (янги гурухлар таркибида барча эски гурухнинг биттадан аъзоси ишлайди). Бу ерда кўпинчча тезкорлик билан алмасишга эришиш мумкин, бирок бунда иштироқчилар турли хилдаги ахборотни оладилар. Ишлаб чиқариш жараёнининг боришида барча иштироқчилар янги кичик гурухларга хисобот бера олишлари учун белгилаб боришилари керак.

Кичик гурухларда ишин ташкил этиш ва ўтказиш схемаси

Машғулотта кириш

- Маҳсадни кўйиш
- Ахборот ва режалаштириш
- Гурухларга ажратиш
- Вазифаларни (ролларни) тақсимлаш учун стимул (рағбат)
- Топширикларни тақсимлаш
- Вақтни аниқлаш (белгилаш)

Гурухларда ишлар бажарвлиши

1 - гурух	2-гурух	3-гурух
Иш жараёнини (харакат тартибини) аниқлаш, топширикни бажариш, натижаларни аниқлаш	Иш жараёнини (харакат тартибини) аниқлаш, топширикни бажариш, натижаларни аниқлаш,	Иш жараёнини (харакат тартибини) аниқлаш, топширикни бажариш, натижаларни аниқлаш,

Гуруҳ ишини баҳолаш

натижалар тўғрисида гурухларнинг тақдимоти
муҳокама килиш
умумий натижани аниқлаш

Баҳолашни ҳамма вақт ҳам белгилаш ёрдамида амалга ошириш зарур эмас, бироқ талабалардан ҳамма вақт аниқ тескари

ахборотни (жавоб) оғзаки ёки ёзма баҳолаш орқали олишлари лозим. Тескари ахборот талабаларга гурух бўлиб ишлаш мазмунини ҳам, ҳамкорлик турини ҳам яхшилашлари учун кўрсатмалар бериши керак.

Кичик гурухлар ишини баҳолаш методи

1. Ўқитувчи кузатувлар асосида, алоҳида гурух аъзоларининг индивидуал ютуқларини ҳам, гурух бажарган умумий ишни ҳам баҳолайди. Бу иккала баҳонинг ўртача қиймати натижани беради.

Бу усул ўқитувчининг кузатиш қобилиятига жуда юқори талаблар кўяди.

2. Гурухнинг алоҳида аъзолари бошқа барча гурух аъзоларининг индивидуал ютуқларини баҳолайди. Барча баҳоларнинг ўртача қиймати ҳар бир киши учун алоҳида индивидуал баҳони беради.

Бу усул талабаларда ўз-ўзини баҳолаш компетенцияларининг ривожланишига кўмаклашади ва ўқитувчининг баҳолашга мувозанатни кўрсатади.

3. Ҳар бир гурух аъзоси гурухнинг умумий натижаси учун баҳо олади. Бу усул адолатсизлик хавфини келтириб чиқаради, чунки унда индивидуал бажарилган иш ҳисобга олинмайди. Бироқ, бу усул шунингдек, ҳамкорликдаги иш учун масъулият ҳиссиётини ҳам кучайтириши мумкин.

4. Гурух ўзини ўзи баҳолайди ва уни ўқитувчи ўзининг баҳоси билан солишиди ҳамда якуний натижани чиқаришда 50 % га ҳисобга олади. Бу усул талабаларни баҳолаш билимдонлигига ўргатиш учун кўл келади.

5. Гуруҳда иш якунлангандан сўнг гурух иши мазмуни ёзма равишда текширилади ва бунинг учун ҳар бир талаба индивидуал баҳо олади.

6. Тест топшириклари учун алоҳида белгилардан олинган ва гурухнинг умумий натижаси баҳосидан олинган ўртача қиймат якунда ҳар бир гурух аъзоси учун алоҳида баҳони беради.

Икки усул ҳам аниқ шароитларни яратади, бироқ гуруҳдаги иш жараёнини эътиборга олмайди ва гуруҳдаги ҳамкорликка халақит қилиши мумкин.

Г) Гуруҳий таълим шакли. 25-30 талабадан иборат гуруҳда маъруза, амалий, лаборатория, семинар машгулотларни ҳамда ўқув амалиётлари ўтказилади.

Д) Жамоавий таълим шакли. Бу шаклда маъруза машғулотлари 2 ёки 3 талабалар гурухларидан иборат (талабалар сони 50-75 киши) жамоада олиб борилади.

Е) Оммавий таълим шакли. Бу шаклда маърузалар, очик дарслар, маъруза конференциялар 4 ва ундан ортиқ талабалар гурухидан иборат (талабалар сони 75 кишидан ортиқ) жамоада ахборотни оммавий узатиш методикасига асосланади.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Касб-хунар коллежларида маҳсус фанларни ўқитиш ва ўргатиши қандай турларда ташкил этиш мумкин? Интеграллаштирилган ўкув машғулотлари қандай тартибда ўтказилади?
2. Шахсга йўналтирилган қандай таълим шаклларини биласиз, ҳар бирини изоҳлаб беринг.
3. Машғулот шакллари қандай шаклларда амалга оширилади? Ҳар бирини изоҳланг.
4. Гуруҳдаги ишга тайёрланиш бўйича қандай кўрсатмалар ҳамда гуруҳни тузиш бўйича қандай кўрсатмалар тайёрланади?
5. Кичик гуруҳларда ишни ташкил этиш ва ўтказиш схемасини ҳамда кичик гуруҳлар ишини баҳолаш методини тушунтиринг.

3.2. Ўқитиш жараёнининг ташкил этиш шароитлари

Ўкув мақсади

Талабаларда ўқитиш жараёнининг ташкил этиши шароитлари бўйича тушунча ва масавиурларни шакллантириши.

Ўқитувчининг маҳсус фанлар ўқитиш жараёнининг маълум жихатларига тайёргарлик қўриши ва мослашиши мухим маълумотларни инобатга олиши орқали амалга ошади.

Талабалар ҳолатига баҳо бериш, таълим шароити билан танишиш, маҳсус соҳани яхши билиш-буларнинг ҳаммаси назарий ва амалий машғулотга тегишли илк шарт-шароит ҳақидаги маълумотлар саналади.

Назарий ва амалий машғулотлар шарт-шароитини 3 хил таҳлил орқали аниқлаш мумкин:

- талабаларни таҳлил қилиш (талабаларга қаратилган);
- шарт-шароит таҳлили (ўқитиш ҳолатига қаратилган);

- махсус соҳа таҳлили (ўқув материалига қаратилган).

Талабанинг ўқишига бўлган эҳтиёжи амалиёт ўқитувчиси томонидан қондирилиши лозим. Бу талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун керакли билим, кўникмаларни ривожлантиришга ва хулқини яхшилашга бўлган эҳтнёждир. Амалиёт ўқитувчисига қўйиладиган талаб ҳам машғулотлар давомида унинг ўзи энг яхши натижаларга эришишига қаратилиши лозим.

Унинг машғулотлари самарали, сифатли ва ҳар бир ўқув жараёнига иложи борича мослаштирилган бўлиши керак. Кўп ҳолларда амалиёт ўқитувчиси томонидан машғулотларнинг сифати талаба ўзлаштирган билимларга берилган баҳо билан ўлчанади.

Ўқитувчининг самарали амалий машғулот ўтказиши пухта тайёргарликни талаб этади.

Таҳлил орқали ўқитувчи талабалар гурухи тўгрисида муайян маълумотларга эга бўлади. Таҳлил камида биринчи дарс ёки машғулотдан олдин рўйхат шаклида ёзма тайёрланиши лозим. Агар ўқитувчи шундан сўнг гурух билан танишиб олса, у ҳолда кейинги машғулотларда талабалар таҳлилини ўтказмаса ҳам бўлади. Ўқитувчи бу маълумотлардан талабалар гурухи билан шахсан танишиш учун фойдаланади. Чунки талабалар дарс амалий машғулотлар пайтида илк билимлари ва аллақачон мавжуд бўлган тажрибалирини қўллайдилар, шу билан бирга ўз ишончларини ҳам ифода этадилар. Уларнинг ўқишига бўлган қобилиятлари, шахсий ҳолатлари, жинси ва ёшлари таълим ҳолатига муайян таъсир кўрсатади. Ҳар бир инсон ва ҳар бир талабалар гурухи турлича бўлгани каби доимо янги ҳолатлар юзага келади. Улар эса ўз навбатида ўқитувчи томонидан ўзлаштирилмоғи лозимдир.

Талабалар гуруҳидаги асосий ҳолат гуруҳдаги ҳар бир талабанинг хулқига таъсир қиласи. Агар талабалар таҳлили ўтказилмаган бўлса, у ҳолда, айниқса, муаммоли вазиятларда нотуғри баҳолашга олиши мумкин.

Галабалар таҳлили учун қўйидаги мұжим кўрсаткичлар эътиборга олинади:

1. Махсус соҳа ёки курс борасидаги маълумотлар;
2. Бир гуруҳдаги талабалар сони;
3. Талабаларнинг ўртача ёши (энг ёш-энг катта талаба);
4. Жинсга кўра тақсимлаш (ўғил-қиз болалар сони);
5. Талабаларнинг таълим даражаси;
6. Бунгача битирган махсус соҳаси ёки курслари;

7. Тил билимлари (масалан, бирор чет тили бўйича билимлари);
8. Индивидуал махсус шарт-шароитлар (масалан, ногиронлик);
9. Оиласвий шароити;
10. Қизиқишлари, бўш вақтда ўзини тутиши;
11. Келажакда ким бўлмоқчи эканлиги;
12. Баъзи талабаларнинг алоҳида эътиборга сазовор муваффақиятлари;
13. Гуруҳдаги ўрин (етакчилик, иерархиядаги ўрин, «эл қатори»).

А) Талабалар гурухи ҳакида умумий маълумотлар:

- Қандай махсус ёндашувлар кераклилиги?
- Талабаларнинг билимларни ўзлаштириш ва амалий топширикларни бажариш даражаси?
- Талабалар таълим мининг қайси боскичидаги ўқийдилар?

В) Шахсий фазилатлари:

- Ёш ва жинсни эътиборга олиш керакми?
- Ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишини эътиборга олмоқ керак?
- Қандай алоҳида шахсий хусусиятлариларга эътибор бериш керакми?

Махсус фанлар соҳаси бўйича ўзининг касбига тегишли билим, кўнікма ва малакаларни эгаллашлари билан бир қаторда шу соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам таянч билимларни ўзлаштиришлари талаб қилинади, қайсики, касбга оид топширикларни бажаришда ва маълум ечимларни топишда жуда муҳим таъсир кўрсатади. Бу таҳлил машгулотларни олиб бориш учун зарур бўлган шароитларни ташкил этиш ва яратиш борасидаги муҳим маълум-мотларни ўз ичига олади.


Маълумотлар назарий ва амалий машгулотлар режасига кўшиб кўйилади.

Хўқуқий шарт-шароитлар таълим жараёнига тааллукли бўлган ўкув режаси ва бошқа меъёрий хужжатлар билан боғлиқдир.

Уларга кўйидагилар киради:

- касбий йўналиш ёки мутахассислик ўкув режаси;
- ўкув режасига мос фан дастури;
- ўкув режасига мос таълим курси;
- мавзу, амалий кўнікмалар;
- билим ва кўнікмаларни баҳолаш мезонлари.

Бу орқали кутилган ва ўкув-меъёрий хужжатларида олдиндан белгилаб кўйилган мавзулар ўргатилиши таъминлаб берилиши керак.



Ташкилий шарт - шароитларга маҳсус фанлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш борасидаги қуйидаги зарурий талаблар киради:

- ўқитишиш жойини танлаш;
- дарс ва амалий машғулотлар вакти ва давом этиши;
- амалий намойишларга тайёргарлик қўриш;
- ташкилий хужжатлар ва иш жойини тайёрлаш.

Техник шарт-шароитларга фан бўйича жиллар ва мосламалар, ёрдамчи аудиовизуал воситалар, ўқитишиш ва ўрганиш воситалари (доска, флипчарт, проектор, видеомагнитафон)нинг мавжудлиги ва уларнинг яроқлилиги, шунингдек, электр токи, сув, ҳаво босими ва ҳоказоларнинг борлиги билан узвий боғлиқдир. Амалиёт ўқитувчиси зарурий шарт-шароитлар мавжудлигига ва техник мосламаларни исталган пайтда ишлатиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Агар амалиёт ўқитувчиси ўқув фаолиятида илк маротаба дарс ўтказишига тайёрланадиган бўлса, у ҳолда у ўзи дарс бермоқчи бўлган маҳсус соҳанинг умумий қамрови ва мазмуний таркибий қисмининг элементлари борасида тасаввурга эга бўлиши лозим. Ушбу тасаввурсиз амалиёт ўқитувчиси вақтинчалик умумий режа ҳам, даврий ва мазмуний батафсил режа тузу олмайди.

Биринчи босқич маҳсус соҳа мақсадларига назар ташлашдан бошланади. Мақсадлар асосида мазмунлар танланади. Умуман олганда, мазмунларни турли манбалардан олиш мумкин, масалан:

- маҳсус китоблар ёки ўқув адабиётларидан;


- техник адабиётлардан (илмий техникавий журналлар, маҳсус мақолалар патентлар ва хоказолардан;
- машина ва мосламалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалардан.

Бирор маҳсус соҳа бўйича умумий тасаввурга эга бўлишнинг яхши методларидан бири бу маҳсус соҳа таҳлилини ўкув адабиёти асосида график тасвиirlар шаклида ишлаб чиқишидир. Бу метод соҳа ёки мазмун тузилмаси деб ҳам аталади.

Баъзи ҳолларда китобнинг бўлимларига асосланиш ҳам мумкин. Бунда аввало аниқлик тамойилига риоя этилади.


Кўпинча шундай билим асослари юзага келадики, уларни бир-биридан аниқ ажратган ҳолда тасвиirlаш мумкин бўлади. Масалан: маҳсус фан дарслиги боб ва мавзууларга, ўкув қўлланмалар эса ўрганиш боскичлари ва модулларга бўлиниши мумкин.

Мазмуний тузилмасини ишлаб чиқишида маҳсус соҳа моҳиятан қисмларга, катта мавзу ва кичик мавзу соҳаларига, шунингдек, мантикий алоқадорлик соҳаларига бўлинади. Мухим мавзуулар таъкидланади, иккинчи даражалилари эса қўйирокдан жой олади.



Аксарият холларда махсус соҳалар назарий билимларни бериш борасида далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усулларнинг қатъий мантиқий кетма-кетлиги асосида ишлаб чиқилади. Масалан, махсус фанни кисмларга бўлиш мантиққа асосланади. Унга кўра мавзулар муайян кетма-кетликда жойлаштирилади.

Назарий дарслар ҳам мана шундай махсус мантиқий кетма-кетлик асосида олиб борилиши мумкин.



Ушбу таҳлил назарий дарс ва амалий машғулотлар мазмунларини танлаш, мўлжалланган мақсадларга эришиш ва керакли вақт доирасини белгилаш учун зарурдир. Мақсад эса мазмунни белгилайди.

Бирор бир махсус соҳа таҳлили билим соҳаси мисолида (схемага қаранг) курсатиб берилиши мумкин.

Бирор махсус соҳа тузилмасини ишлаб чиқиш худди шундай мавжуд таркибий қисм қисмларига қуидагига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Агар улар мавжуд бўлмаса, амалиёт ўқитувчининг ўзи бирор соҳа тузилмасини тайёрлаши лозим.

Кўпинча мавзу жиҳатларни тўплаш билан бошланадиган қуидаги босқичлар бу борада ёрдам беради:

1. Мавзу доирасидаги ўргатиладиган далиллар;
2. Далиллар билан боғлиқ тушунчалар;
3. Далилларни ўзаро боғлайдиган тамойиллар (функционал алоқадорлик, қоидалар);

4. Ургатиладиган усуллар (меңнат жараёнлари, амаллар).

Биз бу ерда билим, қобилят ва күнікмаларга қисқаша тұхталамиз.

Билим - бу үзлаштирилған ва хотирада сақланған маълумотлар бўлиб, уни тез ва аниқ бирор ҳолатга мос равищда ишлатиш мумкин. Билим қуйидаги 4 турдан тузилган:

Далил үқитиш объектини англаш ва тўгри белгилаш демакдир.

Тушунча үрганилган далилни тушунтириш, таърифлаш, таснифлашдир.

Тамойил қабул қилингандардан кийин қондадардир. У бир ёки бир қанча тушунчалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Жараён пайтида амалга оширилдиган босқичлар кетма-кетлиги усул дейилади.

Билим билан бирга қобилят, күнікмалар ва хулқ ҳам үрганилади.

Қобилят ва күнікмалар - бу талабалар муайян фаолиятни муваффакиятли олиб бориши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳаракатлар ва таъсирлар хисобланади.

Күнікмалар онгли равищда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмiga киравчи автоматик тарзда юз берадиган ҳаракатлардир.

Қобилят ва күнікмаларга когнитив ва психомоторик үрганиш соҳасида қуйидагича таъриф берилади. Бу инсоннинг ўз атроф-мухитига фаолият орқали муносабатда бўлишидир, бунда-кузатса бўладиган ва кузатса бўлмайдиган - ички муносабат, шахсий тажриба ва қадриятлар, зътиқод, ҳиссиёт ва майллар муҳим ўрин тутади.

Амалий таълим қисмiga тааллуқли маҳсус соҳани таҳлил қилиш меңнатни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, чунки бундай таълим қисмлари касбий-мантиқий эмас, балки ҳаракатларга йўналган тарзда кечади. Кўпинча ўз соҳасини аъло даражада эгаллаган мутахассислардан мисол учун бирор иш тартибини тушунтириб бериши суралса, улар кўпинча сергаклик билан тушунтиришни бошлайдилар, иккинчи даражали масалаларга тўхталиб, қисқа ва лўнда тушунтириб бера олмайдилар.

Муҳим бандлар кўпинча курсатилмай колиб кетади. Ўқитувчи билимни талабалар томонидан үрганилиши мумкин бўлган ҳолатда бериши лозим. Унга ишониб топширилган меңнат предмети

аникловчи ўқитиши категориялари бўлиб ҳисобланади. Улар меъёрий характерга эга ва таълимни режалаштириш, бажариш, баҳолаш ва корекциялаш учун қўлланилади.



Методик тамойиллар махсус фанлардан таълим дастурла-рига мувофиқ қўлланилади. Масалан, бирор бир ҳаракатга йўналтирилган топшириқ маълум методика асосида бажарилади.

Топшириқ: Ачитқилар хамирни кўтарилишига қандай мажбур қиласди?

Мақсад: Хамирда ачитқининг кўтариш кучини намойиш қилиш. Бу тажриба «Ачитқи» мавзусида кириш учун қизиқтириш сифатида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологиясининг таълим дастурида қўлланилиши мумкин. Нафакат ҳажми-нинг ошишини, балки ҳид пайдо булишини ва қатламининг ўзгиришини ҳам ўрганиш керак.

Вақт. Тайёрлаш ва назорат қилиш учун 20 минут атрофида вакт берилади.

Құлланиладиган идишлар ва материаллар: 250 мл. Стакан, ачитқи, 1 та ош қошиқ, 1 та чой қошиқ, 3 шиша қаламча, 250 мл. Ҳажмдаги 4 та стакан, 2 та 50 мл ли үлчаш цилинтри, ун, шакар, крахмал, илик сув.

Бажариш: 1. Ачитқили суспензияни (зараарлы эритмани) тайёрлаш: 10 г атрофидаги ачитқини 120 мл илиқ сувга аралаштириңг.

2. Учта кимёвий стаканни мос равишда уч қошиқ ун билан тұлдыриңг (25 г)

3. Тұртингчи кимёвий стаканни худди шу мікдордаги крахмал билан тұлдыриңг. Тажриба үтказиш режасында мувоғиқ, 2 ош қошиқ шакар (2 г) ва 30 мл ачитқи суспензиясینи құшинг. Охирида аралашма яхшилаб аралаштирилади.



Тажриба режаси

Кимёвий стакан	1	2	3	4
Ун	+	+	+	-
Крахмал	-	-	-	+
Шакар	+	+	-	+
Ачитқили суспензия	+	-	+	+
Сув	-	+	-	-

Баҳо: Хамирнинг «күтарилиши» ёки «юмшашы» ачитқи билан шартланған шакарнинг бижгишидан келиб чиқади. Бунда карбонат ангиридид гази ҳосил бўлиб, хамирнинг қовушқоғлиги туфайли учеб кета олмайди ва уни юмшатади. Буни хамир ҳажмининг ошиб кетишидан билиш мумкин. Шакар қўшмаганда бижгиш жараёни кичик ҳажмда кечади, чунки асосан бижғимайдиган крахмал шакаридан ташкил топган.

Тадқиқотчилик, изланувчанлик тамойилига асосланған машғулот (таълими).

Тадқиқотчилик таълими тажрибалар ёрдамида «табиий» белгилар ва объектларнинг эркин очилишига асосланадиган билимларни залллаш усули бўлиб ҳисобланади. Бунда асосий дикқатни нимага қаратишни талабанинг ўзи аниклайди.

Талабаларнинг ишини ташкил қилиши:
- Феноменларни кузатиш:

аниқловчи ўқитиши категориялари бўлиб ҳисобланади. Улар меъёрий характерга эга ва таълимни режалаштириш, бажариш, баҳолаш ва коррекциялаш учун қўлланилади.



Методик тамойиллар махсус фанлардан таълим дастурла-рига мувофиқ қўлланилади. Масалан, бирор бир ҳаракатга йўналтирилган топшириқ маълум методика асосида бажарилади.

Топшириқ: Ачитқилар хамирни кўтарилишига қандай мажбур қиласди?

Мақсад: Хамирда ачитқининг кўтариш кучини намойиш қилиш. Бу тажриба «Ачитқи» мавзусида кириш учун қизиқтириш сифатида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологиясининг таълим дастурида қўлланилиши мумкин. Нафақат ҳажмининг ошишини, балки ҳид пайдо бўлишини ва қатламининг ўзгаришини ҳам ўрганиш керак.

Вақт. Тайёрлаш ва назорат қилиш учун 20 минут атрофида вақт берилади.

Құлланиладиган идишлар ва материаллар: 250 мл. Стакан, ачитки, 1 та ош қошиқ, 1 та чой қошиқ, 3 шиша қаламча, 250 мл. Ҳажмдаги 4 та стакан, 2 та 50 мл ли үлчаш цилинтри, ун, шакар, крахмал,илиқ сув.

Бажариш: 1. Ачитқили суспензияни (заарлы эритмани) тайёрлаш: 10 г атрофидаги ачитқини 120 мл илиқ сувга аралаштириңг.

2. Учта кимёвий стаканни мос равишда уч қошиқ ун билан түлдириңг (25 г)

3. Түртінчи кимёвий стаканни худди шу миқдордаги крахмал билан түлдириңг. Тажриба үтказыл режасига мувофик, 2 ош қошиқ шакар (2 г) ва 30 мл ачитқи суспензиясینи құшинг. Охирида аралашма яхшилаб аралаштирилади.



Тажриба режаси

Кимёвий стакан	1	2	3	4
Ун	+	+	+	-
Крахмал	-	-	-	+
Шакар	+	+	-	+
Ачитқили суспензия	+	-	+	+
Сув	-	+	-	-

Бахо: Хамирнинг «күтарилиши» ёки «юмшашы» ачитқи билан шартланған шакарнинг бижғишидан келиб чиқади. Бунда карбонат ангидрид гази ҳосил булиб, хамирнинг қовушқоғлиги туфайли учеб кета олмайды ва уни юмшатади. Буни хамир ҳажмининг ошиб кетишидан билиц мүмкін. Шакар құшмаганда бижғиши жараёни кичик ҳажмда кечади, чунки асосан бижгимайдыган крахмал шакаридан ташкил топған.

Тадқиқотчилик, изланувчанлик тамойилига асосланған машгулот (таълими).

Тадқиқотчилик таълими тажрибалар ёрдамида «табиий» белгилар ва объектларнинг эркін очишлишига асосланадын билимларни залалаш усули бўлиб ҳисобланади. Бунда асосий диққатни нимага қараташни талабанинг ўзи аниқлайди.

Талабаларнинг ишини ташкил қилиши:

- Феноменларни кузатиш:

- кузатувчиларни мустақамлаш ва феноменларда юзага келадиган мұхим вазифаларни ажратиш
- саволларга жағоблар (сөмбазий ахборот воситаларида кидириш асосида, сұровлар йүли билән, ...) бериш
- феноменларни түшүнтириш
- натижаларни күрсатиши
- киңик илмий мұаммолар

Мустақил ташкил этилган таълим.

Талабаларни мустақил ишлашга ва ишга масъулиятлилікда боскічма-боскіч олиб боришигә ёндашувдан фойдаланувчи дидактикалық концепциялар (назариялар), хусусан методик компетенцияни ва шу билан биргә замонавий мәжнат дүнәсі учун асосий компетенцияларни ривожлантириш учун құл келади.

Мустақил ташкил этилган үкүв жараёнида талабалар қуидагиларни танлаши тұғрисида әрқин қарор қабул қилиши мүмкін:

- таълим жойини танлаши;
- үкүв топшириклари ва үкүв материалини танлаши;
- таълим воситалари ва таълим усулларини танлаши;
- вакт ҳажми ва тақрорлаш даражасини (у қаңочы танлаши ва қанча вакт үкійди);
- таълим мақсадларини (у нима учун үкійди);
- ижтимои әмбаптыкни (у ким билан үкійди).

Мустақил ташкил этилган үкүв жараёни тұлғық қаралатты үқитиши тамойилига асосланади. У мустақил режалаштириш, бажариш ва назорат қилиш даврларидан иборат. Касбий күнілімдерни шакллантиришга мустақил ташкил этилган, масалан, йұналтирувчи матн усули әрдамида жорий қилинади. Бунда муайян йұналтирувчи саволлар таклиф этилади, унинг асосида талабалар үз топшириктарини бажарадилар. Ишлаб чыкашып таълими устаси эса сұхбаттар давомида маслахатчи сифатыда күмаклашади.

Мисол: Тракторга техник хизмат күрсатиши жараёнида атрофиялық химоя қилишга қаратылған топшириктарни бажариш.

1. Режалаштириш:

- үкүв мақсадларини аниклаш;
- мақсадларга булиш;
- алоқида мақсадларнинг вактичалик тартиби.

Таълим мақсадлари:

- трактордан фойдаланишда ва техник хизмат күрсатиши буйича бажарадылған мунтазам ишларни асослаш;

- мавжуд курсатмаларни хисобга олган ҳолда трактор қарови ва техник хизмат курсатишнинг режасини ишлаб чиқиши;
- мойлар, мойлаш воситалари ва ишлаб чиқариш бошқа воситаларидан фойдаланишда юзага келадиган ва атроф-мухит учун хавфни тушунтириши;
- ишлаб чиқаришнинг экологик тоза воситаларини қўллаш имкониятини текшириш;
- ишчи үринни ишлаб чиқариш техник нуқтаи назаридан ва атроф-мухит вазиятидан баҳолаш;
- режага мувоғиқ трактор қарови ва техник хизмат кўрсатиш бўйича тадбирларни мустақил ўтказиши;
- техника хавфсизлиги бўйича қоидаларга ва атроф-мухит муҳофазаси бўйича меъёрий далолатномаларга риоя қилиш;
- мойлар, суркаш воситалари ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари бўйича саклаш ёки фойдаланишга тиклаш;
- мойлар, суркама воситалари ва ишлаб чиқариш воситалари бўйича нархлар тўғрисида маълумотлар олиш.



Билимларни мустақамлаш учун саволлар

1. Ўқитиши тамойилларига таъриф беринг ҳамда схемасини тушунтиринг.
2. Тадқиқотчилик таълимида талабаларнинг иши қандай ташкил қилинади?
3. Тадқиқотчилик, изланувчанлик тамойилига асосланган машгулотни изоҳланг.
4. Мустақил ташкил этилган ўқув жараённада талабалар нималарни танлаши тўғрисида эркин қарор қабул қилиши мумкин?
5. Асословчи тамойилларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

3.4. Махсус фанларнинг ўқув мазмунини ишлаб чиқиши

Ўқув мақсади

Талабаларда махсус фанларнинг мазмунини ишлаб чиқиши бўйича назарий билимларни ва дастлабки амалий куникмаларни шакллантириши.

«Ўқув предметининг мазмуни» - узида махсус илмий билимларни, керакли изланишлар натижаларини, шунингдек

амалий тажриба иатижаларини ўзида қамраб олади. Күп қамровли, күп кирралы маълумотлар ҳажмини ўзлаштириш ва таҳлил қилиш учун талабаларда ўкув материали мазмуни ва моҳияти бўйича таянч билим зарур бўлади. Бугунги кунда замонавий педагогик қарашлар ўкув материаларининг нафақат маҳсус тизимланган таркибда бўлишини, балки талабанинг дунёқарасидан келиб чиқиб қасблар олами ва ўзаро боғлиқликни илгари суради.

**маҳсус илмий ва ўкув-психологик
хусусиятларни инобатта олиб мазмунини қуидагича аник таҳлил қилиш
керак**

асосий мазмун

- a) Илмий асослар
- b) Таркиблаштириш
- c) Дилактик жихатдан иҷчамлаштириш

**қулайлик,
тушунарлилик**

- a) Ўкув предметига кириш учун асос
- b) Кутиласидаган муаммолар
- c) Мотивация (қизиқишлар ёки сабаблар)

таълим мақсади

Ўкув материали мазмунининг ўзаро боғлиқлиги ва кетма кетлиги ўрнатилиши:

- a) Ўкув материалининг мазмуни бўйича
- b) Касбий фаолиятлар бўйича

Кутиласидаган иатижа

Шунингдек, замонавий таълим ўкув материали тизимининг яхлитлиги, бир неча тизим турлари ва уларнинг макроструктурасини ҳосил қиласди. Бу ўз ўрнида тизимлаштириш тұғрисида таассурот қолдиради, касбга нисбатан мойиллик туғдиради, шунингдек, талабани мантиқий фикрлашга ундейди. Касблар олами ва меҳнат фаолиятидаги глобал ўзгаришлар тармоқлар ва касбларо юқори малакали маҳсус тайёргарликка эга ва муаммоларни ижобий ҳал қиласидаган кичик мутахассисларни тайёрлашни талаб этади. Ўкув предмети мазмуни касб-хунар таълими мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади.

Замонавий (янги турдаги) касб-хунар таълими муассасасининг вазифалари:

- касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- инсоний ва ижтимоий характердаги умумий кобилиятларни касбий компетенциялар билан боғловчи касбий малака ва кобилиятларни шакллантириш;
- касбий мослашувчаликни ривожлантириш;
- бутун хаёти давомида ўкишга ўргатиш ва уларда интилиш хиссини ўйготиш;
- шахсий жавобгарлик хисси билан ўз хаёти ва жамиятдаги ўз ўрнини топиши, касбий ва хаётий муаммоларни мустакил ҳал килишга ўргатиш.

Ўкув предмети мазмунини узатиш учун тавсиялар:

- комплекс касбий харакатларни ифодалаш учун мазмунни чукуррок ўзлаштириш мақсадида фаолиятларни ихчамлаштириш;
- ўкув материали мазмунини дидактик кискартириш;
- фанлараро алоқадорлик ўрнатилиши;
- таълим олувчиларда анъанавий ва замонавий оммавий ахборот технология воситалари ва манбаларидан мустакил фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга ёътибор каратиш;
- ўкув жараёнини ўкувчилар фаол харакатига йўналтириш, ҳамкорликда ишлаш машгулотларига ёътибор каратиш;
- муаммоли ўқитиш технологиясини қўллаш.

Ўкув материали мазмунини ишлаб чиқишида комплекс касбий харакатлар қуидагича ифодаланади:

- маълум касбий фаолиятни алоҳида касбий харакатларга ажратиш;
- касбий фаолиятлар амалга ошириладиган харакатлар майдонини аниқлаш;
- топширикни аниқ ўкув мақсадига йўналтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш, ўтказиш ва баҳолаш босқичларида амалга оширилиши керак.
- → Касбий компетенцияларни ривожлантириши.

Касб-хунар таълимида касбий компетенцияни ривожлантиришга факат интеграллаштирилган шаклдаги фаолиятга йўналтирилган таълим ёрдамида амалга оширилиши керак.

«Дидактик (кискартириш) ихчамлаштириш» нима маънони билдиради? Шу ҳақда фикр юритамиз.

Үқув материали мазмунини талабаларнинг ўзлаштириш имкониятига мос ҳамда тушунарли қилиб ихчамлаштириш лозим. Дидактик жиҳатдан қисқартириш ва ихчамлаштириш – баъзи ҳолларда мазмуннинг асосий элементларини талабаларга тушунарли қилиб етказишда мураккабликка олиб келади. Қисқартириш ўқув материали ҳажмини маълум микдорда чегаралаб, унинг асосий мазмун-моҳиятини талабага етказиш бу педагогнинг маҳоратига боғлиқ бўлади. Ушбу метод маълум фан доираси мураккаб булган вазиятларда кулланилади. Аввало, талабага тушунарли булиши учун алоҳида бандлари (мавзулари) ихчамлаштирилади, ўқитувчи бу борада қайси асосий мазмунга аҳамият бериб, қайси мавзуни қисқартиришни ҳал қилади. Шунингдек, талаба қисқартирилган ва ихчамлаштирилган мавзунинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлиб, у учун тушунарли булиши керак.

Агар ўқув материали сифати жиҳатидан қисқартирилса унда ўқитиш жараёни сифатига ҳам салбий таъсир қиласди. Бу турдаги ўзгартиришларнинг иккинчи мақсади ўқув материалини тайёрлаш турлари ва усуllibарининг куринишини ўзгартириб туришдан иборат.

Мазмунни танлаш ва ихчамлаштиришда ўқув машгулотини режалаштириш ва тайёрлаш бўйича асосий вазифа бўлиб, ўқув мазмунини танлаш, тартибига солиш ва танлаш, ҳамда уни ўқитувчи томонидан дидактик асослаш ҳисобланади. Бунда маҳсус дидактиканинг касбий, илмий, педагогик ва таълимий жиҳатлари ўзаро мувофиқлаштирилади. Маҳсус фанлардан таълим дастурларининг таркибларини аниқлаш учун ҳал қилувчи омиллар бўлиб етакчи мутахассисларнинг бўлажак фаолиятларига қўйидаги талаблар ҳисобланади. Мавзулар мазмунни қўйидаги тамойиллар асосида танлаб олинади:

- илмийлик;
- қулайлик тамойили;
- назария ва амалиётни ўзаро боғлиқлиги тамойили;
- ўқув мақсадларига йўналтириш тамойили;
- режалаштириш тамойили;
- мустақил ишлашга йўналтирилганлик тамойили;
- кўргазмалик тамойили;
- бир ўқув майдони доирасидан чиқмасликни назорат қилиш тамойили.



Мавзу мазмунини түзиш ва таркиблаштиришга мисоллар.

I. Мавзу: Үсімліктарни химоя қилиншда фойдаланиладиган жиһозлар.

Касби: Бөгөн

Үқув предмети: Корхонани жиһозлаш.

Үқитиладиган фан бұлыми: Очық ерда сабзавотларни етиштириш учун құлланиладиган машиналар ва асбоблар

Үқитиш давомийлиги: 6 үқув соати

Үқув материалы мазмунининг түзилиши:

1. Үсімліктарни химоя қилиш бүйича умумий маълумотлар.
2. Асосий жиһозлар.

- Ускуналар.
- Босым яратувчи элементлар.
- Ұзатувчи күвурлар тизимлари.
- Аппликаторлар.
- Пуркаш учун машиналар ва асбоблар.
- Майды томчылы пуркаш учун машиналар ва асбоблар.

3. Жиһозларга техник хизмат күрсатиш ва уларни ишчи ҳолатда саклаш.

- Техника хавфсизлик қоидалари бүйича ва атроф-мухит муҳофазаси бүйича күрсатмалар.
- Техник хизмат күрсатиш ва ишчи ҳолатда сақлаш бүйича тадбирлар.

4. Меъёрлашни ҳисоблаш.

5. Самарадорликни назорат қилиш.

II. Мавзу: Бұғдой етиштириш технологияси

Касби: Фермер

Үқув предмети: Үсімлік

Үқитиладиган бұлым: Бұғдой

Үқитиш давомийлиги: Фан бүйича тизимли ёндашув асосида тузилған 12 үқув соати

Тузилмаси:

1. Бұғдой етиштириш.

Ишлаб чиқарыш ҳажсми:

- Бұғдой етиштиришнинг жағон миқёсіда ривожланиши;
- Марказий Осиё давлатларыда бұғдой етиштириш;

- ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда бозор талабини тадқик қилиш.

1.2. Фойдаланиши соҳаси:

- маҳсулот тайёрлаш учун буғдой;
- озиқабоп буғдой.

1.3. Буғдойнинг турлари навлари ва уларнинг белгилари:

- хонакилаштириш тарихи;
- нон ёпиш учун буғдойнинг муҳим турлари;
- буғдой навларини танлаш.

1.4. Ишлаб чиқариши технологияси:

1.4.1. Ер ва иклимга талаблар;

1.4.2. Алмашлаб экиш;

1.4.3. Ерга ишлов бериш ва экин қаторини тайёрлаш;

1.4.4. Навни ва экиш материалини танлаш;

1.4.5. Экиш;

1.4.6. Ўйтлаш;

1.4.7. Ўсишни кузатиш;

1.4.8. Экинларга қаров:

- ҳашаротларга қарши кураш;

- касалликларга қарши кураш.

1.5. Буғдойга қариндош донли экинларни етиштириши:

1.5.1. Қаттиқ буғдойни етиштириш;

1.5.2. Икки донли экинларни етиштириш;

1.5.3. Тритикаленни етиштириш.

1.6. Ишлаб чиқариши техник курсаткичлар ва ишлаб чиқариши натижалари.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўқув предметининг мазмунини ўз ичига нималарни қамраб олади?
2. Максус илмий ва ўқув-психологик хусусиятларни инобатга олиб мазмуннинг аниқ таҳлилини тушунтиринг.
3. Замонавий қасб-хунар таълими муассасасининг вазифалари нималардан иборат?
4. Ўқув предмети мазмунини узатиш учун қандай тавсиялар ишлаб чиқилган?
5. «Дидактик (қисқартириш) ихчамлаштириш» нима маънони билдиради? Шу ҳақда фикрингизни изоҳланг.

3.5. Махсус фанларнинг ўкув мақсадларини белгилаш

Ўкув мақсади

Талабаларда маҳсус фанларнинг ўкув мақсадларини белгилаш бўйича назарий билимларни ва дастлабки амалий қўниқмаларни шакллантириши.

 Маҳсус фан бўйича фаолиятга йўналтирилган ўқитиш ва ўргатишни ташкил этиш учун албатта, ўкув мақсадларини фикрлашнинг турли хил даражаларда ифодалаши лозим. Бу инсонни касбий вазиятларда маҳорат билан масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракатланишга ва ўзининг ҳаракатланиш имкониятларини такомиллаштириши доимо давом эттиришга қодир ва тайёргарлигини билдиради. Касбий фаолият бир-бири билан узаро боғланган касбий шахсий ва ижтимоий компетенцияларни ўз ичига олади.

Ўкув мақсадлари куйидаги гурухларга булинади:

Йўналтирувчи ўкув мақсадлари: талабаларни касбга бутунлай ўргатишга йўналтирилган, бўлиб, у касбий характеристикани, мутахассислик соҳаларини ҳамда ишлаб чиқариш таълим мининг асосий вазифалари ёки босқичларини тавсифлайди. Бу мақсад талабаларда (абстракция – нарсани унинг муайян хусусиятлари ва аломатларини айриб олиш) когнитив, аффектив ва психомоторли компетенцияни шакллантириш тұғрисида жуда кам маълумот беради.

Умумий ўкув мақсадлари: ўкув соҳаларига, ўкув бўлимларига (модулларга), шунингдек, қисман ўкув машгулотларининг мавзуларига йўналтирилган. Улар аникликнинг ўртача даражасини кўрсатади ва альтернатив спектрини очиқ қолдиради.

Аниқ ўкув мақсадлари – ўкув машгулотларининг мавзуларига йўналтирилган.

Ўқиши ва ўрганиш даражаларини бўйича ўкув мақсадлари:

Талабалардан исталган вактда ўкув материалини хотирасида қайта ушлай олишини талаб қиласи.

Талабалар томонидан ўрганилган, қайта ишланган материални янгидан тартибга солиниши керак.

Трансферага йўналтирилган ўкув мақсадлари деганда, маълум мавзунинг асосий қонуниятлари ва тамойилларини амалда кўллаш ёки янги мавзуни ўрганишда фойдаланиш, шунингдек

Үрганилган билимларни тарқатиш (бошқаларга узатиш) олиш маҳорати тушунилади.

Муаммоли фикрлашга йўналтирилган ўкув мақсадлари – бу энг юқори ўкув дараҷаси бўлиб ўзида талабаларнинг янги ютуқларини ўзлаштиришни намойиш этади.

Ўкув мақсадларини ифодалаш шахс хусусиятларини юзага чиқиши ва кутиладиган таълим натижаси ҳақида тасаввур бўлиши керак.

Ўкув мақсадларини белгилашда куйидаги таксономия (Блум бўйича) феълларидан фойдаланиш тавсия этилади.

№	Ўкув мақсадлари	Феъллар	
1	Билиш	Қайтариб айтиш Қайд килиш Хабар бериш Номламок, атамок Ёзмок	Ифодалаш Фарқлаш Таниб олиш Айтib бериш Тақорлаш
2	Тушуниш	Далиллар келтирмок Алмаштирумок Аникламок, белгиламок Тушунтирумок	Утказиш, айлантириш Ўзгартириб бериш Сурат билан кўрсатиш Изоҳ бериш, очиб ташлаш
3	Куллаш	Тадбик этиш Хисоблаб чикариш Намойиш этиш Фойдаланиш, ўргатиш	Аниклаш Бажариш Хисоблаш Амалга ошириш, счиш
4	Анализ	Келтириб чикариш Ажратиб курсатиш Дифференциялаш Таснифлаш Таклиф этиш	Олдиндан айтиш Кисмларга ажратиш Тақсимлаш Текшириш Гурухлаш
5	Синтез	Кашф этиш Умумийлаштириш Режалаштириш Ишлаб чикиш	Тизимга солиш Қўшмок, уламок Тузиш Лойихалаш
6	Баҳолаш	Диагностикалаш Исботлаш Асослаш Ўлчаш Маъқуллаш	Баҳолаш, текшириш Назорат килиш, таккослаш, солиштириш, киёслаш

Ўқув мақсадларни ифодалашга қуидаги Бройер (BRAUER), Шмидт (SCHMIDT) таксономияларидан ҳам фойдаланиш мүмкін.

Ўқув мақсадларни даражаларининг тавсифи	Тушунчалар
Билим соҳаси билан дастлабки танишув.	Танишиш
Фаннинг асосий мазмуни ва фаолият усулларини билиш.	Билим
Билимларни таққослаш, методлар ва усулларни солиштириши.	Солиштириш, таққослаш
Фаолият усулларини тұлғыңа беру.	Эгаллаш
Эгалланган билимлар ва фаолият усулларини амалда күллай оладилар.	Күллаш
Мазмунни, олинган натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва зарур қолларда үзгартыриш.	Баҳолаш
Эгалланган билим, күнікмалар асосида фаолиятни мұстакил режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш.	Амалга ошириш



Куидаги мавзуулар бүйіча ўқув мақсадларини белгилашга оид нақылдар көлтирилген.

1. Мавзу: Фотосинтез

Касби: Боеубон

Ўқув предметі: Ұсимликлар ва уларни күллаш. Ұсимликларнинг ривожланишида ҳаёт фаолияти жараёнлари.

Ўқув машғұлтоттіннің давомийлігі 80 дан 140 минуттагача

Умумий мақсадлар:

Талабалар фотосинтезнинг ақамиятини, фотосинтез жараёнини тавсифлаб бера оладилар.

Аник ўқув мақсадлар:

- талабалар «фотосинтез» тушунчасини тушунтириб бера олади;
- талабалар фотосинтез қонунини айтыв берадилар ва таъсир этүвчи омилларнинг үзаро боғлиқларын тушунтириб берадилар;
- талабалар ёруғлардың жағдайларын түсінілдіріп, олардың реақциялар орасидаги фаркни тавсифлай оладилар;
- талабалар болгарчылықтагы фотосинтезге таъсир қылувчы күрсаткышларының түгрисидеги зарурий билимларни амалда күллай оладилар.

2. Мавзу: Тритикале етиштириш

Касби: Фермер

Үқув предмети: Ўсимликшунослик

Ўқитиладиган бўлим: Буғдой

Ўқув машғулотининг давомийлиги: 80 минут

Умумий мақсадлар:

Талабалар тритикале етиширишнинг аҳамияти ва хусусиятлари бўйича билимларни эгаллайдилар.

Аниқ ўқув мақсадлари:

- талабалар тритикале буғдой ва арпанинг чатишмаси эканлиги ҳақида маълумотга эга бўладилар;
- талабаларга тритикале бошқа донли экинларга нисбатан энг юқори хом тўқума таркбиға эгалиги ва шу билан бирга муҳим озиқ моддаси бўлиб ҳисобланишини билиб олинади;
- талабалар тритикале экин материалининг кўпайиши ҳақида билимларга эга бўладилар;
- талабалар ерга ишлов беришни тушунтира оладилар ва тритикалени экиш муддатларини аниқлай оладилар.

З.Мавзу: Микробиологик лабораториянинг тузилмаси, уни жиҳозлаш.

Касби: Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш бўйича технолог.

Ўқитиладиган бўлим: Ҳужайрали компонентлар ва микроорганизмларни тадқиқ қилиш

Ўқув машғулотининг давомийлиги: 90 минут

Умумий мақсадлар:

Талабалар экологик қулай ва долзарб лаборатория усулларига риоя қилган ҳолда микробиологик лабораторияда ишлашни ўрганадилар.

Аниқ ўқув мақсадлари:

- талабалар микробиологик лабораториянинг тузилмасини билиб оладилар;
- талабалар лаборатория билан танишадилар;
- талабалар лабораторияда ишлашда техника хавфсизлиги қоидаларини билган ҳолда уларга риоя қилган ҳолда ишлайдилар;
- талабалар лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб, пластиналарини тайёрлашни ўрганадилар.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Педагогик таксономия бўйича ўқув мақсадлари кандай тартибда белгиланади?

2. Йұналтирувчи мақсадлар қандай белгиланади? Аниқ үкув мақсадлари мөхиятiga күра неча соҳага бўлинади, қайслар?
3. Үқиш ва ўрганиш даражалари бўйича үкув мақсадларини тушунтиринг.
4. Үкув мақсадларини белгилашда қайси таксономия феълларидан фойдаланиш тавсия этилади, ҳар бир феълни изоҳланг.
5. Үкув мақсадларини ифодалашда Бройер (BRAUER) ҳамда Шмидт (SCHMIDT) таксономияларига изоҳ беринг.

3.6. Махсус фанларни үқитишида замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш

Үкув мақсади


Талабаларда махсус фанларни үқитишида замонавий дидактик воситаларни танлаш ва улардан фойдаланиш бўйича назарий билимларни кенгайтишши

О Иктиносидинг барча соҳаларда жадал ривожланиши билан шартланадиган билим умрбоқий эмас, шунинг учун ахборотни ўзлаштириш янги аҳамият касб этади. Бунда таълимдаги ошиб бораётган эҳтиёжни үқиши ва үқитишининг ҳамда касбий тайёргарлик ва малака оширишнинг анъанавий усуллари ҳам қониктира олмайди. Ахборотли жамият талаблари бўйича үқишини хоҳловчи киши, үқитишининг янги техник воситалари билан муомала қилишдаги ўзининг компетенциясини доимо ривожлантириб бориши (оммавий ахборот воситалари билан ҳам) ва касбий ҳаётидаги ахборот оқимини узок вақтга янада долзарблаштириб бориши керак.

Хозирги пайтда таълим-тарбия жараённанда үқитувчининг таҳсил олувчилар билан жонли мулокот ва муносабати мухим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, у ягона ахборот манбаи бўла олмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия ишини осонлаштирадиган ва самарадорлигини ошириш омилларидан кенг фойдаланилади. Ана шундай омиллардан бири үқитишининг замонавий дидактик воситалариридир.

Үкув-дидактик материаллар ва үкув воситалари деганда, үқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар тушунилади.

Үқув дидактик воситаларни күйидаги турларга ажратамиз:




1. Предмет воситалариға тасвир ва матнларни ёзіб олиш ва сақлаш имконини беради. Уларға доска, пинборт ва магнит доскалар, флипчарт, кодоскоп киради.

2. Мехнат соһасига тегишли асл нарасалар, яғни маҳсулотлар, жіхозлар ва асабблар дарс ёки амалий машығулот пайтида дидактик функцияға эга бўлса, үқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

3. Овоз ва товушли (аудио), шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудио-визуал воситалар, компьютерлар, виртуал стендлар, технологик жараёнлар ва функциялар тұғриси-даги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Үқув максадлари жиҳатидан визуаллаштириш воситаларининг функцияси жаңы турлари



4. Дастурли таълим воситаларига турли компьютер ва ўргатувчи дастурлар киради.

 Стандарт ва фойдаланувчи дастурий таъминоти билан ва интернет тармогига уланган шахсий компьютердаги ўкув дастурий таъминотининг ўзига хос фарқли белгилари.

Тури	Ўзига хос белгилар	Мисол
Ўкув дастурлари	<ul style="list-style-type: none"> - ўқитувчининг ўрнини босади - дастур талабаларни бошкаради - дастур билим ва кўнгилмаларни мустахкамлашга кумаклашади - дастур талабалар томонидан киритилган саволларга жавоб тариқасида ахборот беради 	«tutorielle Programme ¹ » ва «Drill and Practice ² » ўргатувчи дастурлари
Моделлаштирувчи дастурлар	<ul style="list-style-type: none"> - дастур ҳақиқийликнинг абстракт кисми бўлиб хисобланади - дастур, авваламбор, тизимли ўзаро боғланишини узатади 	Уҳшатувчи / моделлаштирувчи дастурлар, расмий ўйинлар
Муаммоли топширикларни ечиш учун дастурлар	Маълум топширикларни ечиш учун талабалар аввалдан эгалланган билимларини кўллашлари керак	Тайёр дастурлар
Ахборот тизимлари	Дастур ахборот ташувчилар бирлашмаси кўрининишида бўлиб, ундан вазият бўйича берилганларни танлаб олиш мумкин (яъни, вазият бўйича мурожаат қилиш)	Бошқарув тизимли берилганлар базаси

Ўкув жараёнида қўлланиладиган компьютерлаштирилган ўкув дастурлари учун ахборот ташувчилари бўлиб қаттиқ дисклар ёки CD/DVD (стандарт дастурий таъминот) ёки CD/DVD/Internet (амалий фойдаланувчи дастурлар) форматидаги компакт дисклари хизмат қиласди. Ахборотни рақамли ташувчилари ва интернет ўқитишининг техник воситалари билан муносабатда булишда талабалардаги юқори дараҷадаги билимдонликни талаб қиласди. Талабалар жуда кўп ахборотга мулжаллай олиши, танлаши, солиштириши ва кўллай билиши керак. Ўқитувчи бу вазиятда

асосий шарт-шароитларнинг ташкил этувчиси ва етакчиси булиб ҳисобланади. Махсус ахборотни мустақил эгаллашлари учун тала-баларда билимдонликни ривожлантириш мақсадида ҳаракатланиш қўлланмаси ёрдамида ҳаракатланиш алгоритмини тузиш тавсия қилинади.

Ўқитишининг дидактик воситаларидан таълим-тарбия жараё-нининг ташкил этувчи компонентлари билан узвий боғлиқлик ва муносабатларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарур. Акс ҳолда машғулот самарасини умуман йўққа чиқариш ҳам мумкин.

Машғулотда ўқитишининг дидактик воситаларидан фойдаланиш ёрдамчи ҳарактерга эга булиб, уларни танлаш, ишлатиш вақти ва жойи дарснинг умумий режасида мақсадларга мувофик равишда белгиланади.

Ўқув хоналарини ўқитишининг дидактик воситалари билан жиҳозлашда кўйидаги техникавий-педагогик талаблар қўйилади:

1. Ўқув хоналарини ўқитишининг дидактик воситалари билан жиҳозлашда ўқув жараёнида улардан мажмуавий тарзда фойдаланиши ҳисобга олиш зарур;
2. Ўқув хонасининг исталган жойидан яхши кўриш ва эшитиш имкониятининг мавжудлиги;
3. Ўқув хонасида, шовқин, ёритилганлик, намлик ва шу кабилар меъёрининг таъминлаши;
4. Оддий, арzon, хавфсиз, узок муддат бузилмай ишлаши.

Таълим-тарбия ишида дидактик воситалардан фойдаланиш аввало дидактик принципларга амал қилишни кўзда тутади. Масалан, курсатмалилик принципини реал объект билан мавхум тасаввурнинг бирлигини ифодалайди.

Реал объект ёки унинг тасвирини кўриш (идрок этиш) инсон учун уни билишнинг дастлабки ва энг оддий акти ҳисобланади, аниқ тасаввурлар ва мавхум тушунчалар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтайди.

Таълим-тарбия ишида курсатмалилик тамойилига амал қилиш зарурияти инсоннинг фикрлаш ҳусусиятидан келиб чиқади. Инсоннинг фикрлаш ҳусусияти маълумдан мавхум томон ривожланади. Тушунча ва мавхум қонун-қоидалар аниқ кузатишларга асосланса, уларнинг можият мазмуни анча осон ва тез шаклланади. Инсон тафаккурининг ривожланиши унинг ёшига, ҳаётий тажрибаси кабиларга боғлиқ булиб, таълим-тарбия жараёнида ҳисобга олиниши, аниқ далиллар ва образлардан ажралиб қолмаслигини талаб этади.

Тасвирий күргазмалардан қуидағи ҳолларда фойдаланылади:

- урганиладиган объект жуда катта ёки кичик бўлганда;
- урганиладиган объектни бевосита кўриш мумкин эмас;
- тушунча ва хуносаларни график тарзда ифодалаш мумкин бўлганда;
- мураккаб объектларни соддалаштириш ёки ишлаш тартибини кўрсатиш зарур бўлганда;
- объектнинг энг характерли замон ва макондаги ҳолатини қайд этиш ва кўрсатишида ва шу кабиларда.

Кўргазмали қўлланмаларга қуидағи талаблар қўйилади:

- барча талабаларга яхши кўринадиган даражада катта бўлиши;
- ўкув хонасининг исталган жойидан бемалол ўқилиши;
- муҳим деталлар ва ёзувларнинг бошқа диққатни ўзига тортувчи ранг билан алоҳида бўялиши;
- тасвиirlар имкон қадар объективнинг асл рангига мос бўлиши;
- тасвиirlарнинг эстетик дид билан расмийлаштирилиши;
- матнинг ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги;
- тасвиirlangan объективларнинг табиий вазиятда кўрсатилиши;
- масштабга риоя килиши;
- арzon, кулай, узок вакт ўз ҳолатида сақланиши ва шу кабилар.

Шу ўринда кўргазмали қўлланмадан фойдаланиш мақсад бўлмай, балки натижага эришиш воситаси эканлигини унутмаслик зарур.

Кўрсатмали матнлардан фойдаланишда ўкув материалининг мазмуни ва вақтини ҳисобга олиш зарур. Машгулотда кўргазмали материаллардан ҳаддан ташқари кўп ҳам фойдаланиш яхши натижа бермайди. Намойиш қилинаётган материалларни идрок этиш жараёнида таҳсил олувчилар сезги органларининг (куриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм билиш) кўпроқ жалб этиш зарур. Ўқитувчининг сўзи билан кўрсатмалиликнинг уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Кўрсатмали матндан фойдаланишганда бериладиган изоҳ. Таҳсил олувчилар диққат-эътиборини асосий материалларга қаратилишини кўзда тутади.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муйян мақсад, маҳсус соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутади. Энг муҳими шундаки, амалиёт ўқитувчиси ўкув ва кўргазмали воситаларни ишлати олишни ва улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни ҳал

қила оладиган бўлиши лозим. Масалан: бирон-бир технологик машина ишида содир бўладиган нуқсонларни бартараф эта билиши, асосий созланишларни бажариши ва машинани ишчи ҳолатига келтира олиши керак, яъни ўз касбий соҳасининг моҳир устаси бўлиши керак. Амалиёт ўқитувчиси ўз касбий соҳаси учун қандай материаллар, қандай янгиликлар борлигига, шунингдек, қайси маҳсус соҳаларда унинг ўзи янгиликлар қила олиши мумкинлиги юзасидан умумий тушунчага эга булиши лозим. Кўпинча ўқитувчилар доска тасвирлари, флипчарт тасвирлари ва проектор слайдлари каби визуал воситаларни ўзлари ишлаб чиқадилар.

Электрон таълим ресурсларига эса электрон дарслик (кулланма, мультимедиали воситалар, электрон луғат, электрон тест ва ҳоказолар киради).

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш. Назарий ва амалий машгулотлар учун манба материали сифатида ишлатиладиган воситалар кўйидагича фаркланади:

Кўпинча ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш, ўрганиш учун ишлатилади;

Ўқув материаллари амалиёт ўқитувчилари томонидан дарсни кўргазмали ўтказиш ва билим бериш учун кулланилади;

Дидактик материаллар талабалар томонидан ўрганиш учун кулланилади ва ўқитувчи томонидан тайёрланади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш деганда, ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ва назарий ёки амалий машгулотлар мақсадига мослаштирилиши тушунилади.

Агар тайёр воситалар йўқ бўлса, у холда уларни ўқитувчининг ўзи тайёрлашига тўғри келади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлашда ўқитувчи чегараланган вакт ва техник имкониятларини инобатга олган холда эътиборини кўйидагиларга каратиши лозим:

- иш ва рақалари, тарқатмалар (босилган матнлар нусхалари), слайдлар,
- доска тасвирлари учун эскизлар,
- ёзма топшириклар, ёзма ва оғзаки тестлар учун сурʼов қоғозлари,
- баҳолаш ва рақаси, назорат қоғози,
- иш режалари, ташкилий ҳужжатлар.

Назарий дарслар ўтказиш пайтида амалий кўрсатмалар берилган кўйидаги воситалар ишлатилиди: Ўкув китоблари, тарқатма материаллар, доска тасвирлари, слайдлар ва моделлар.

Амалий машғулотлар ёки амалий иш жараёнлари пайтида амалий кўрсатмалар билан тўлдирилган кўйидаги воситалардан фойдаланилиди: техник, эксплуатацион кўрсатмалар, услубий кўрсатмалар, моделлар, жиҳозлар, асбоблар ва маҳсулотлар.

Ўкув-дидактик материалларни тайёрлаш учун ўқитувчининг вазифаси биринчи галда маҳсус соҳага тегишли ўкув адабиётлари ва материаллар мавжудлигини.

Агар ўкув ва дидактик материаллар мавжуд бўлса, у ҳолда уларнинг фан ўкув мақсадлари ва мазмунларига мос келиш-келмаслигини текшириши керак.

Ўкув мақсадларига мослаштириш пайтида қўйидаги масалаларга зътибор қаратиш лозим:

1. Манбаларда муйян мутахассислик соҳаси учун далиллар, турушунчалар, тамойиллар ва усуслар каби мазмунлар берилганинига;

2. Манбалар «узлаштирилиши шарт бўлган билимлар» ва «узлаштирилиши мумкин бўлган билимлар» даражасидаги мазмунлар мавжудлигига;

3. Материаллар билим беришга қаратилганми ёки куникмалар ҳосил қилишга мўлжалланганми?

Ушбу мулоҳазалардан кейин ўқитувчи материалларнинг назарий ёки амалий машғулотлар учун мослигини белгилайди.

Материаллар ўкув мақсадларни амалга ошириш имкониятини яратиши лозимлиги мухим аҳамият касб этади.

Ўқитиши ва ўрганиш материаллардан дидактик фойдаланишга мос ҳолда материалларнинг мазмуни ва тузилишига кўра ўқитувчи ва таълим олувчи материалларига булинади.

Ўқитувчининг кўлидаги материаллар таркибида қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- ўкув мақсадлар ва мазмунлар ҳакидаги маълумотлар;
- ташкилий масалаларга оид маълумотлар;
- амалий машғулотлар ва машқлар ўтказилишида қандай дидактик-услубий тартиб кўлланилиши ҳакида маълумотлар;
- машқлар таърифи;
- талабаларнинг назарий ва амалий натижаларини текшириш ва баҳолаш бўйича маълумотлар;

- тест ва синовларнинг савол ва жавоблари.

Ўқитувчи учун материаллар нафақат соҳага тегишли маълумотларни, балки ташкилий ишлар, усул ва натижаларни баҳолаш борасидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Талабалар учун материаллар эса қоида бўйича фақатгина соҳага тегишли жиҳатларни ўз ичига олади.

Дидактик материаллар фақатгина талабага мўлжалланган бўлса, ўқитиши материалларидан фарқ килиши мумкин.

Масалан: топшириқ варакалари, саволномалар, йуналтирувчи саволлари ва муайян тарқатма материаллар.

Талабаларга тарқатиладиган материаллар таркибида кўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- содда тилда ёзилган ўкув мазмунлари;
- матнларда бўш қолдирилган жойлар (талабалар томонидан тўлдирилиши учун);
- талабанинг эркин фикрлашига имконият берувчи саволлар;
- лабораторияда ишлаш учун мўлжалланган, иш босқичлари курсатилган тушунарли чизмалар (эскизлар) ва жадваллар;
- материал, жиҳоз, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситалар ҳақида маълумотлар.

Матн тайёрлаш бўйича энг янги усувлардан бири бу матнларни ранглар билан ажратиш саналади:

- оқ қоғозлар: мазмуний жиҳатлар борасида матнлар (ўқитувчи ва талабалар учун);
- яшил қоғозлар: талабаларга топшириқлар;
- қизил қоғозлар: ўқитувчининг услубий ҳужжатлари ва топширикларнинг жавоб варакалари.

Рангларни кодлаш ҳужжатлардан фойдаланишини енгиллаштиради ва худди шу усуслан мазкур семинар ҳужжатларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

Ўқитиши жараёнидаги энг муҳим воситалар доскалар, флипчартлар ва кодоскоп (проектор) ҳисобланади. Ўқитувчи бу воситалар орқали кўргазмали тус бериладиган намуналар яратиши керак. Бур билан ёзиладиган доска аввал қозода ишланган ва матнлар билан тўлдирилган суратлар, флипчартлар учун эса қоида бўйича тақдимот намуналари бўлиши мумкин. Проектор слайдлари тўғридан-тўғри тайёрланиши мумкин.

Доска суратлари учун намуналар асосан ўкув китобларидан олиниши ёки шахсий қарашларидан келиб чиқсан ҳолда тайёр-

ланиши мумкин. Бунда күп вакт сарф этмасдан оддий шакллар оркали тузилган графиклар, схемалар, диаграмма ва шу кабиларни доссага чизиш мумкин. Матнлар учун намуналар тайёрлаш шарт эмас. Шунга ўхша什 тарзда флипчарт суратларини тайёрлаш мумкин. Бу усул назарий дарс ёки амалий машғулотга тайёрланишини енгиллаштиради.

Флипчарт блокларини бирга олиб юриш мумкинлиги туфайли тасвирлар коғозларга тұғридан-тұғри туширилиши мумкин.

Проектор слайдлари құлда, фотонусхалар ёки компьютер ёрдамида маҳсус шаффоғ плёнкада тайёрланади.

Слайдларни тайёрлаш учун:

- оддий асетат ёки қоғози-шаффоғ сунъий қоғоз;
- нұсха олиш мумкин бұлған маҳсус қатламли слайдлар;
- фламастер, перманент ва сувда әрүвчан слайдларни тозалаш учун спирт;
- сурат чизиш мосламалари (шаблон, чизгіч ва бошқалар)лар ишлатилади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Касб-хунар таълимида замонавий дарсларда қандай дидактикалық талаблар қўйилади? Ўқитишининг дидактикалық воситаларини қандай гурухга бўлиш мумкин, изоҳланг?
2. Ўқув дидактикалық воситаларни қандай турларини биласиз? Ўқув мақсадлари жиҳатидан визуаллаштириш воситаларининг функцияси ва турларини айтинг.
3. Ўқув хоналарини ўқитишининг дидактикалық воситалари билан жиҳозлашда қандай техникавий-педагогик талаблар қўйилади?
4. Кўргазмали кўлланмаларга қандай талаблар қўйилади? Ўқув ва дидактикалық материалларни тайёрлашда ўқитувчи эътиборини нималарга қаратиши лозим?
5. Ўқув ва дидактикалық материаллар мавжуд бўлса, ўқув мақсадларига мослаштириш пайтида қандай масалаларга эътибор қаратиши лозим? Талабаларга тарқатиладиган материаллар таркибида қандай маълумотлар бўлиши лозим?

Таянч иборалар

Ўқитиши шакллари, лойиха иши, мустакил ишлар, амалий иш, коллоквиум, ўкув амалиёти, маъруза, информацион, лаборатория, кўнишка, малака, курс ишлари, маслаҳатлар, индивидуаллаш, таълим, тарбия, эмоционал, ўқитиши жараёни, баҳолаш, экскурсия, дарс, муаммоли вазият, ўкув режа, ўқитиши тамойили, дидактик тамойил, методик тамойил, касбий компетенция, абстракция, ўкув мақсадлари, трансфера, ахборот манбаи, дидактик воситалар, объект, вертуал стенд, символлар, диаграмма, график.



III- Боб бўйича ўкув дабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. Педагогика: педагогические теории, систему технологии. Под. ред. Смирнова, М.:Издательский центр «Академия»,1999-544 с.
2. Олимов Қ.Т.,Халимов Э.З.,Нигматиллаева З. Касбий фанлардан ўкув мақсадлари ва мазмунларини белгилаш // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси.-2003.-№2.Б. 35-36.
3. ВАКВИТЦ. «Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича маҳсус дидактика». «Марказий Осиё давлатларида ўқитувчиларни ўқитишининг регионал тармоғи». Дрезден-Тошкент- 2010.
4. Педагогика: педагогические теории, систему технологии. Под. ред. Смирнова, М.:Издательский центр «Академия»,1999-544 с.
5. Олимов Қ.Т., Авлиёкулов Н.Х., Рустамов Р.М. Касбий фанларни ўқитишининг модул тизими // Касб таълими. – 2003.-№2. – Б.18.
6. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
7. Олимов Қ.Т. Маҳсус фанлардан амалий машғулотларни утказиш-нинг илгор усуллари // Таълим муаммолари.- 2003.- №2. Б.124-126

IV БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МУСТАҚИЛ ҲАРАКАТГА ВА ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

4.1. Мустақил ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш методи

Ўқув мақсади

Талабаларда мустақил ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш методи бўйича назарий билимларни шакллантириши.

□ Жамиятнинг барча жабхаларидағи ўзгаришлар касб-хунар коллекжи талабаларини тайёрлаш жараёнига таъсир килади ва янги янги талабларни кўяди. Ҳозирги пайтда ҳам назарий билим ва амалий кўникмага эга, ўзгаришларга мосланувчан, эркин фикрлайдиган, касбий ҳамда ҳаётий муаммоларини мустақил ҳал қила оладиган кичик мутахассисларга, кадрларга эҳтиёж катта. Шу билан бирга, касб-хунар коллекжи талабаларидан ҳар томонлама билимдонлик, мустақил фикрлай оладиган шахс даражасини талаб этади. Бундай талабларнинг бажарилиши албатта уларни бутун ҳаёти давомида билим олишга ўргатиш орқали таъминланади. Бунинг учун касб-хунар коллекжи талабаларида касбий компетенциялар билан бир қаторда ижтимоий ва шахсий компетенциялари ҳам шакллантирилиши керак. Шу сабабли талабаларда ахборотни мустақил излаш, топиш ва таҳлил қилиш қобилияtlарини ривожлантириш мухим аҳамият касб этади. Бунда талабаларнинг керакли маълумотларни мустақил излаш, топиш ва таҳлил қилиш ҳамда амалда кўллай олиш қобилияtlарини ривожлантириш орқали уларни мунтазам ўрганиш ва билим олишга ўргатилади. Бундай қобилияtlар ва компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ўқитиш жараёнига бошқача ёндашувни, яни янги педагогик ва ахборот технологияларни кўллашни талаб этади. Биз янги технологиялардан бири бўлган «Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш ва ўқиши» ҳақида фикр юритамиз.

«Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш ва ўқиши» тушунчаси ҳақидаги барча бахс-мунозараларда қўйидаги ягона гоя илгари сурilади. Бу касб-хунар учун мухим бўлган меҳнат фаолиятларга

йўналтирилган ўкув жараёнини ҳаракатли ўқитиш асосида ташкил этиш ва ўтказиш орқали талабаларда касбий компетенцияни шакллантириш ва ўстириш ғоясидир.

Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш:

- ишлаб чиқариш вазиятларида талабанинг мустақил режалаштириш, ўтказиш ва баҳолаш ҳаракатларига асосланган касбий фаолиятни ўрганишга йўналтирилган;
- талабаларнинг дастлабки тажрибасига мос келувчи, фаолиятли ва муаммоли таълимларга асосланган;
- барча ўкув жараёнлари элементларининг психологик қонуниятларга асосланган равища тузилиши (когнитив-психологик назариялар, ҳаракатларни ростлаш назариялари, иккى турдаги назарияларнинг прагматик боғланиши асосланиш масалан, абстракт яъни ҳаёлий, мавхум, ўзида бегона ҳаракатни ҳаёлий тасаввур қилиш);
- талабаларни ўзлаштириш имкониятлари даражасида мустақил ҳаракат орқали ўқитиш; бунда таълим олувлар ўзида бегона ҳаракатларни ҳаёлий тасаввур қилиш орқали эмас, балки фаол ҳаракат орқали ўрганадилар (вокеани ўрганиш орқали, лойиҳа тажриба орқали ўқиш);
- муайян касбий ҳаракатларга ўргатиш, натижаларини назарий билимлар орқали эмас, балки синов тарзида аниқланади (масалан, электрик схеманинг ишлаш қобилиятини синааб куриш);
- талабаларда эгаллаган билимларидан қобилиятини ўстириш мақсадида ўкув жараёнларини режалаштириш ва ташкил этиш; (шахснинг ўсиши, умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши);
- янги билимни шакллантириш ва узатишга йўналтирилган (хатони қидириш уларни бартараф этиш);
- мустақил ишбилармонлик белгиларини эгаллаш каби ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш (масалан, корхона нуқтаи назаридан ёки мутахассис каби фикрлаш ва ҳаракат қилиш);
- касбий ва шахсий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятлар.

Касб-хунар коллекларида маҳсус фанларни ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш жараённида талабалар ҳамда ўқитувчи роли ўзгаради ва янги ўкув маданияти юзага келади. Бу янги таълим парадигмаси бутун умр давомида таълим олиш ғоясига асосланади ва ўқиш фаоллиги, ўз-ўзини бошқариш, мустақил ўрганиш, ўқиш ҳамда ўрганишга қайта йўналтириш асосларини ўзида акс эттиради.

Мустақил ташкил этилган таълим ўзида янги ўкув маданиятининг асосий моделини намоён қиласи.

Бу метод анъанавий методлардан фарқли равишда талабаларга ўз-ўзини намоён қилишнинг жуда юқори даражасини белгилайди.

Янги ўкув шаклини факат билимларни узатиш назариясидан ва ўз-ўзини бошқариш таълимига ўтишни билдиради.




Ҳаракатга йўналтирилган ўқиши ҳамда ўрганишни ташкил этиш асосан мустақил таълим жараёни ва ўкув ҳаракатларига таянади, унинг белгилари қўйидагилар бўлиб хисобланади:

- фаолиятга йўналтирилган;
- ўз-ўзини бошқарадиган;
- фаол ҳаракат;
- компетенцияни ривожлантирувчи;
- ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда.

Уларни жорий қилиш янги ўкув маданиятини ва ролини тушунишдаги ўзгаришларни кўзда тутади.

Талаба ҳаракатининг фарқли белгилари. Ҳаракат мақсадга йўналтирилган ва онгли равишда, яъни ҳаракат натижалари фикран аниқланган.



Инсон фаолияти иерархик (шажаравий) кетма-кетлиқда жойлашған ҳаракат элементларидан ташкил топған. Умумий ва хусусий мақсадларни амалға оширишда ҳаракаттинг «психологик түзилмаси» шаклланади ҳамда у «муайян ҳаракаттарни» башқаради.

Ҳаракатлар абстракт фикрлаш орқали амалға оширилиши ва уларнинг натижалари текширилиши мүмкін (масалан, ҳаёлий тажриба). Үқитувчилар учун режалаштириш бўйича намунавий дастурлардан уларнинг тартибли ҳаракатга асосланган түзилмада амалий қўлланилиши ҳақида билиб оладилар.

Ҳаракатга йўналтирилган ўқитишни амалға ошириш бўйича қадамлар

1 – қадам: Мазмун ва ҳажмдан иборат иш мақсадларини аниқлаш; чегаравий рухсат этилган иш вақтини аниқлаш.

2 – қадам: Ишнинг дастлабки түзилмаси, билимлардаги нуқсонларни қоплаш ва ахборотга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш.

3-қадам: Интернет тармоғидан фойдаланишда изланишга тайёрлаш, изланиш стратегияси: ахборот – қидириш машиналари, каталоглар.

4-қадам: Ахборотни қидириш, баҳолаш, мақбул бўлган ахборотни аниқлаш, ахборотни қисқартириш.

5-қадам: Ахборотни қайта ишлаш, қаттиқ дискка, ахборот ташувчисига хужжатлаштириш ёки босмадан чиқариш.

6-қадам: Иш натижаларини назорат қилиш, умумлаштириш ва баҳолаш.

Ҳаракатланиш қўлланмаси ёрдамида ўқиш фойдаланувчига бир қатор афзалликларни таклиф қиласди:

- якка тартибда ўқиш имконияти;
- ҳар томонлама ўқиш имконияти;
- шахсий масъулият остида мустақил ростланадиган ўқиш имконияти;
- олдинги ютуқларга мувофиқ дифференциялаш (фарқлаш) имконияти;
- шахсий эътибор ҳиссиётини ошириш ва ўқишга қизиқтиришни кучайтириш имконияти;
- ҳамкорликда ҳаракатланишга тайёрлик имконияти ва жамоада ишлай олиш қобилияти;
- муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш.

Аммо жорий қилишнинг бир қатор муаммолари ҳам мавжуд:

- талабалар ахборотни мустақил қидириб топиш заруриятини тан олишлари керак;
- якка тартибда мустақил ҳаракатланиш қобилияти ва мос равиша үқитувчи билан дифференциялашган ҳолда ривожланиши керак;
- рақамли ахборот ташувчилари ва интернет тармоғи билан ишлаш (шу жумладан маҳсус фан бўйича машғулотларда ҳам) ресурсларини, шунингдек, мураккаб бўлмаган мактабни ташкил этишини талаб қиласди;
- компьютерлар ва дастурий таъминотнинг нисбатан тез амортизацияси узлуксиз молия воситаларини етказиб туришни талаб қиласди;
- үқитувчи талабаларга нисбатан кенг масштабда илгарилаб кетишига эҳтиёжни сезади, маҳсус педагогик ва психолого-педагогик билимдонлиқ техник маълумот билан тўлдирилади;
- ҳаракатланишга қўлланмани тайёрлаш ва ишлаб чиқиш үқитувчидан вакт сарфлашни талаб қиласди.

Маҳсус фан бўйича машғулотларда билимларни мустақил эгаллаш учун ҳаракатга йўналтирилган қўлланмани ишлаб чиқиш маълум даражада аҳамиятга эга бўлиб шу билан бирга кузатадиган таърифларни ўз ичига олади.

Ҳаракатга йўналтирилган үқитишиш бўйича йўриқноманинг умумий тузилмаси

1. Касбий фаолиятлар учун ҳаракатга йўналтирилган қўлланма.
 2. <Ҳаракатларга йўналтирилган қўлланманинг номи / сарлавҳа> фойдаланиладиган ахборот ташувчиси билан аниқланади; Титул варагининг кенгайтирилган мазмуни.
 3. <Ахборот манбаи> дан ахборотни мустақил олиш.
 4. <Ахборот ташувчиси ёки интернет саҳифасининг аниқ белгиси> дан фойдаланиб ўйланган топшириқни мустақил ечиш.
 5. Ахборот юборувчилар доираси касб-хунар коллежи касби, бўлажак мутахассислиги.
 6. Таълим соҳаси: намунавий ўқув дастури асосида ифодалаш.
 7. Фойдаланиш учун таянчлар: билимларнинг маълум даражаси шароитида.
- 1 – қисмнинг мазмуни.**
- талабаларга мурожаат қилиш;

- фан соҳаси / мутахассислик бўйича режалаштирилган билим ва қунималарни эгаллашни тушунарли ҳолда яхлитлаштириш;
- талабаларда хусусан, танланган ахборот манбалари ёрдамида маҳсус ахборотларни мустақил ўзлаштиришга қизиқиш уйготиш, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланишда билимдонлик ва фойдаланишни тавсифлаш;
- ахборот манбалари ёрдамида ўқиши бошқариш, йўналтирадиган саволлар орқали умумий ҳолда жараённи тузиб чиқиши мумкин; алгоритм яратиш мақсадида қадамларнинг оддий кетма-кетлиги; ҳаракатларни аниқ тасвирлаш; талабалар учун кўргазмали тасвирларни ёки экранда курсатиладиган тасвирларни назорат қилиш;
- олдинги ютуқлар бўйича дифференциялашни кўзда тутиш (масалан, 1-қисмни ихтиёрий таклиф қилиш).

2- қисмнинг мазмуни.

- о Ўйланган муаммоли вазиятда рақамли ахборот ташувчилари ёки интернет саҳифаларини кўллаш;
- о муаммоларни тушунарли қилиб тавсифлаш;
- о топшириқни қидиришга ифодалаш;
- о натижаларни хисобга олиш учун ахборот ташувчиларини аниқлаш;
- о назорат шартларини аниқлаш;
- о ўқитишининг рақамли техник воситаларини қўллашнинг келгусидаги имкониятлари нуқтаи назаридан якуний қизиктириш.

Билим олишнинг бутун жараёни давомида ўқитувчи мураббий сифатида иштирок этади: у – ташкилотчи, ўкув маслаҳатчиси, ахборот йигувчи ва кузатувчи. У вактингачалик чегараларни аниқлайди, иккilanган вактида талабаларни қўллаб-куватлайди ва иш натижаларини назорат қиласди. Унинг маҳсус фан бўйича жорий дарсдаги ҳаракатланишга йўналтирилган қўлланма мазмуни маълум даражада талабаларни қизиктиради ва ишдаги ютуқни аниқлаб беради.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ҳаракатга йўналтирилган ўқитишиш ва ўқиш тушунчасини изоҳланг.
2. Маҳсус фанларни ҳаракатга йўналтирилган ўқитишиш жараёнида талабалар ва ўқитувчининг роли нимадан иборат бўлади?

3. Ҳаракатга йұналтирилған үқитиши талабаларнинг қандай компетенцияларини ривожлантириш гәратиілганды төлемін хисобланады?
4. Ҳаракатга йұналтирилған үқиши ҳамда үрганишни ташкил этиши қандай үқув ҳаракатларға таянади, унинг белгиларини айтинг.
5. Талаба ҳаракатининг фарқли белгиларини түшунтириң.
6. Ҳара-катта йұналтирилған үқитиши амалға ошириш бүйіча қадамларни изохланг.
7. Ҳаракатта йұналтирилған йүрикноманың умумий тузилмасыға изох бернің.

4.2. Мустақил үз – үзини бошқариш таълими методи

Үқуев мақсады

Талабаларда мустақил үз – үзини бошқариш таълими методи бүйіча назарий билимларни шакллантириши.

 Бизнинг фикрлаш йүлдемиз бир неча үн йиллар давомыда худди тош отиши траекториясига үхшаб соддалаштирилған педагогикаға бүйсунди, отишининг бошланғич тезлиги бир хил бўлиб, отилган тошнинг қаерга ва қанчалик узоққа тушишини ҳал қиласди.

Ҳаракатта қаратиілгандар дарс жараёнини ташкил қилиш назарий жиҳатдан ёндашувни талаб этади. Бу ҳолатни унинг дидактикасиның асосини белгиловчи тамойиллардан бири сифатида куйидагича таъриф беришганини кўриш мумкин:

«Үқиши, тарбия ва таълим – бу доимий фаолият курсатиши функцияси бўлиб ҳисобланади».

Биз ҳаракатта қаратиілганды үқитишининг үқув – назарий тамоили модели бүйіча таълим жараёнини ташкил этишда хорижий ва маҳаллий олимларнинг гояларини үргандик.

Агар ушбу гояларга суюнган ҳолда таълим беришга оид излашишлар олиб бормокчи бўлсак биринчи навбатда объектни/фан предметини аниқлаб олишимиз керак.

Бу эса тизимли ёндашувни талаб қиласди. Үқитиши жараёнига келадиган бўлсак, үқитувчи субъект сифатида объект билан яъни талаба билан фаолияти «үқитиши» шаклида эканлигини кўриш мумкин. Ҳаракат назарияси нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, талабаларнинг фанни ўзлаштириши, яъни «субъект-объект» тарзида алоқа ўрнатилади. Иккинчи фаолият эса «үқитиши-үқиши» шаклида намоён бўлади.


Асосий дидактик ҳаракатлар орқали ўқитувчи фаолияти ҳамда ўқитувчининг вазифаси аниқланади. Ўқитувчининг вазифаси дарсларни ташкил қилишни ўқитишдаги шарт – шароитлар яратиш, билан бир қаторда иккинчи даражали «субъект-объект» алоқасини ўрнатишдан иборат бўлиши керак.

Ҳаракат назарияси асосида ўқитиш жараёнининг ҳаракатланувчи моделини яратиш мумкин. Бу модельни кенг кўламда кўз олдимизга келтириш кўп вақтни талаб қиласди, шунинг учун бу модельни биз қуидагича кисқартирилган ҳолда ифодаладик.

Ўқитувчининг фаолияти олдинги тушунтирилган ўкув материалларини яна тушунтириш, иккинчидан эса асосий боғлиқлик модельнинг объектив мазмунида ётади. Шахснинг ривожланишига асосий таъсирни муҳит кўрсатади, «фаолият» тушунчасини инсоннинг атроф муҳитда ўз шахсий эҳтиёжларини тан олган ҳолда қондириши деб тушуниш мумкин.

Фаолият ҳаракатлар орқали амалга ошади. Шу сабабли, талаба ҳаракатини бутун ҳаракат модели сифатида кўз олдимизга келтиришимиз керак. Агар ўқитувчи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ўкув ҳаракатлари хисобланиб, яратилган шароитлардан келиб чиқиб тушунтириши деб хисобласа бўлади. Шу билан бирга ўкув ҳаракатлари ўз йўналишини йўқотиши мумкин, шунинг учун ҳам бу ҳаракатларни доим тўғрилаб ва назорат қилиб туриш керак. Шунга қарамай дарс берган ўқитувчилар ҳар бир дарсдаги ҳолат бошқа дарсларда кайтарилмаслигини тасдиқлайди. Бу яхши албатта! Лекин ўқитувчи ўзига хос чалғитувчи шароитларни яратмасин талабанинг «тўлдирувчи ҳаракатлар» қилишидан қоча олмайди. Ўқитувчи шу ҳолат билан келишган ҳолда ишлаши ва яшashi лозим.

Бу ерда биз инсонни ўқиши учун келтирилган функциялар тўғри келадими деб ўйлаб кўришимиз керак. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, анъанавий ўқитиш модели ўз фаолиятини тұхтатди. Анъанавий ўқитишдаги ўқитувчининг режалаштирилган ўкув материалини ўзгартириш талаб этилади.



1 - расм: Асосий дидактик ҳаракатлар



Үкитиш жараённининг соддалаштирилген ҳаракатланувчи модели.

Шунинг учун биз прагматик фикр ва гояларни назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қиласиз. Бизнинг фикримизча, бу каби назарий асослашга катта эътибор бериш керак, сабаби педагогик жараён бу узоқ давом этувчи катта даражадаги жараён ҳисобланиб, кўпчилик ҳолатларда узоқ давом этиш билан ўз таъсирини курсатади ва аиглашга йўл кўймайди, яъни кўргазмалилик ҳолатида кўз олдимизга келмайди. Шу тариқада педагогик жараённинг ҳаракат назариясига катта аҳамият берилади, чунки бу мустакил ҳаракатларни асосланган деб тушунишга имконият беради.

Биз ўқитиш жараёнида мустакил ҳаракатларда ўз-ўзини ташкил қилиш тизимига тўхталашибиз.

Ўз-ўзини бошқариш – бу материянинг физикавий хусу-сияти бўлиб ўз навбатида электронларнинг физикавий хусусияти ҳисобланади.

Мажмуавий тизим бутун ҳолда нарса барчага таъсир қиласиди! Ҳамиша эволюция шакли учун жўнатилган нуктадан қайтиб, ўзида қайтма алоқа сифатида аста секин намоён бўлади.

Олимлар бош миянинг ҷизиқлари устидаги ўтказган тажрибалари шуни кўрсатдики, фикрлаш бу ҳиссиёт қабул қилишининг мажмуавий хаотик боғланишидан бошланиб, айланиб қайтма алоқа билан боғланган ҳолда лимбик тизимларнинг бош мия қовуғидан ўтади. Бош мия қовуғи маълумотни ҳиссиёт қабул қилиш орқали танлайди ёки тасаввур қиласиди. Бу қабул қилинган ахборот эса қайтма алоқа ёрдамида жўнатилади. Натижада бундай кўп сонли такрорланиш орқали ахборотлар фикр ёки тасаввур сифатида шаклланади. Бу фикрлар билан қайтма алоқа жараёнида бошқа ҳиссиёт ёки қабул қилиш турлари топилади. Бундай айланишлар натижасида ҳосил бўлган бошқа ҳиссиёт ёки қабул қилишлар, фикрни шакл сифатида инкор қиласиди.

Шунингдек, биология фанида буни кўйидагича аниқлайди:

«Ташкил қилишининг тузилишини етарли даражада таҳлил қилиш учун бизга даврий кетма – кетлик маъноси етишмайди, бу эса яна бир аниқ белги ҳисобланади; иерархик кетма – кетликнинг ўзига хос жиҳатларининг барча ҳолатларда бўлишига қарамай буни дифференциялаш орқали тушуниш мумкин.


Иерархик кетма – кетлиқда тизимларнинг очилиши ва атроф мухит билан алмашинуву шаклни саклаб қолища етарли эмас. Шакллар, қиёфалар қайтма алоқа шарофати билан сакланади ва

эътироф этилади. Кейинги савол эса бизни муаммолизнинг ечимига олиб келади. Шахснинг ривожланишини саклаш ва таъминлаш учун фундаментал жараёнларнинг қайси бири қайтма алоқа орқали хисобланади?

Ўз-ўзини бошқаришни материянинг хусусияти деб хисоблаган Кремерга қайтамиз. Бизнинг фикримизча, «инсон материяси» ташкил қилган фаолият, бу қайтма алоқа жараёнидир!

Инсоннинг ўз-ўзини бошқаришда унинг эҳтиёжи «турт-ки» бўлади. Шунингдек, қайтма алоқани ишга туширувчи омил хисобланади. Агар инсоннинг ички ва ташки эҳтиёжлари шароитлар орқали фаоллашадиган бўлса, унда улар фаолият учун қизиқиш хисобланади. Инсонда янги эҳтиёжларни вужудга келиши билан харакат натижалари пайдо бўлади.

Ўз мавқенини билиш назариясига биноан қизиқиш инсонда ички (түғма) хохиш, ўз дунёсини тадқиқот қилиш, тушуниш ва ўзига олиш кабилар борлигини айтади. «Дунё билан фаол мулоқот қилиш мотивацияси инсон ривожланишининг бошланғич даврида берилади ва ташки турткига мухтож». Юқорида айтилганларни кўйидаги расм орқали кўриш мумкин:



Фаолият - қайтма алоқа жараёни

Агар аниқроқ куриб чиқадиган бўлсан, бу модел тўлик эмас. Фаолият мақсад ва аҳамияти бор ҳаракат орқали намоён булади. Ҳаракатнинг бажарилиши ва тўғриланиши шароит ва эҳтиёжларни ўзгартиради ёки таъсир курсатади.

Расмда қайтма алоқанинг танланган бир неча тури кўрсатилган.



Фаолият ва ҳаракат - қайтма алоқа жағасын сипатида

1. Қайтма алоқа тизими динамикаси диссипатив бұлади.

Расмда курсатылған қайтма алоқа күп энергияны талаб қиласы.

Бундай турдаги тебранишли тизимде күтілмаган үзгаришларға олиб келиши ёки шахснинг шаклланишига қаратылған ҳолда тартиб ҳосил булишиға олиб келади. Бундай тахминлар чегараланған.

2. Қайтма алоқаны орқага қайтариб бұлмаслик (ҳаракат үнвалишини үзгартырыш эмас).

Бу хусусият үз үзидан тривиал хисобланади, чунки фаолият вақт функциясы, вақтни эса орқага қайтариб булмайды.

3. Гиперцикл теориясы жараённинг таърифлаш воситасы.

Молекулаларнинг үз – үзини ташкил килишни таърифловчи назария ва гиперцикller назариясидир. Бунинг учун ушбу назариядан иккита шароит номланиши «фаолият – ҳаракат» қайтма алоқа жараённда аник намоен бұлади. Бир томондан мавжуд бўлган фаолият жараёнидаги ахборот сакланади ва натижада олинган бўлса үзгаришсиз узатилиш кучига эга, иккинчи томондан эса энергетик минимумга кирмай туриб мулоқотга киришиш кучига эга.

4. Тартибли ва тартибсиз ҳаракатларнинг ўзаро функцио-нал боғлиқлиги.

Бу ўзаро боғлиқликни бироз кенгрок тушунишимиз керак.

Олдин айтиб ўтганимиздек, аник таърифни билмай туриб умумий тарздаги тартибсиз ҳаракат тушунчасини кўллай олмаймиз. Ўзаро боғлиқликни тушунтириш учун бизга «тартиб» тушунчасини ёзма равишда белгилаб қўйишимиз керак. Тартиб деб кўпинча мөъёрга туширилган ва регламентланган ҳолатга айтилади. Қаерда тартиб ҳукм сурса, ўша ердан излаган нарсани топиш осон бўлади, тартибининг таъсири аник бўлади, деган иборалар бор. Тартибда бирон нарса олдиндан аниқланган ёки аниқликга мойиллик хусусияти бор. Тартибли ҳаракат детерминистик ҳисобланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, детерминистик жараёнлар қайтма алоқали, даврий булишига қарамай детерминистик бўлмаслиги ҳам мумкин.

Детерминистик жараёнга математик таниқли мисол бу - квадрат икки баробар узунликга ва ярим баландликгача чўзилади, кейин ўртасидан кесиб ва икки бўлакни яна квадрат қилиб йиғишидир. Агар, бу ишни 10 марта қайтариб, квадратнинг битта нуқтаси кузатилса чузилиш ҳосил булганини ажralиб чиқишини кўрамиз.

«Ажратилган нуқталар – бу эволюция тизимининг босқичлари, уларда тарих акс эттирилган».

«Кўп даражали» даврийликка эга тизим учун силжиш нуқтаси тўғрисида жуда чекланган микдорда тахминлар қилиш мумкин.

Буни расмдаги чизма шаклида тасаввур киладиган бўлсак, жараён силжиш нуқтасига аниқлаб булмас даражада белгиланади. Бундай нуқталарда инсон ривожланишини чекланган тарзда ҳуроса қилиш мумкин. Кейинчалик инсон ривожланиш йўли тартибсизлик ёки уни тартибга қайта солишга имкон бўлиш бўлмаслигини олдиндан тахмин қилиб бўлмайди.

Хуроса тарикасида куйидаги қоидани келтириш мумкин:


A: Мажбурий тартиб – бу тартибсизлик.

B: Катта тартибсизлик – бу тартиб.

Бу икки нарса доим бирга.

«Динамик тизимда бир – бирига қарама – қарши икки тамойил бор ва улар динамик кетма-кетликка олиб келади: яъни яратиш ва бузиш ўртасида тартиб юзага келади».

Ривожланишнинг асосий жараёни фаолият орқали амалга ошиди ва қайтма алоқа билан тавсифланади, шунинг учун ривожланиш ҳамда қайтма алоқа муаммоларининг янги кирраларини кўриб чиқишимиз керак.



Қайтма алоқа ёрдамида мустақил ҳаракатларнинг шаклланиши

Талабалар ҳаракатидаги мустақилликни шакллантириш мурakkab жараён бўлиб, уларда бу қобилият бир неча даражали қайтма алоқалар натижасида аста секин шаклланади. Бу ҳолатни тушунтириш учун қўйидаги назарияга мурожаат қиласиз:

Мустақил ҳаракатларнинг ривожланиш даражасининг долзарблигини барча ҳаракатларнинг мустақил бажарилиши деб тавсифлаш мумкин. Агар ўқитувчи талабанинг ривожланиш даражасида иш олиб борса, бу ривожланишда турғунлик бўлади, яъни шахснинг ривожланиши операция ёки ҳаракатнинг шаклланишига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун педагогик ишларни ривожланишнинг кейинги нуктасига эътибор қилган ҳолда бажариш керак. Бу нуктада камидаги битта ҳаракат бўлиб, талабалар уни мустақил бажара олмайди. Ўқитувчининг асосий педагогик

вазифаси талабаларга ҳаракатларини ташкил этиш ва бошқариш хисобланади. *Дидактик талаблар* ўкув ҳаракатларини ишга тушириш механизмидир. Ўқитувчининг мақсадга мувофиқ талабларни қабул қилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Талаб даражалари оширилган вазифалар, янги ҳаракатларнинг ривожланишдаги долзарб даражалари ва уларни ишлаб чикиш ривожланишига олиб келади. Ўқитувчидаги ҳаракатларни йўналтириш, тўғрилаш ва назорат қилиш вазифалари бор. Ўкув ҳаракатларини бажаришнинг ўсиши билан ҳаракат даражалари ўсади, яъни бизнинг мисолимизда ўсиши билан ўқитувчи вазифасининг маъноси ҳам ўзгариб боради. Ривожланиш жараённинг дастлабки босқичида вазифалар аниқ ифодаланган бўлади, кейинчалик ўзининг аҳамиятини йукотмагунча орқада қолдирилади. Бу барча режалаشتирсанг ҳаракатларнинг талаба томонидан мустакил бажарилиш кўрсаткичи хисобланади. Шу билан бирга талабалар ҳам ўз ҳаракатларининг юкори даражасига етганлигини билдиради. У ўз ривожланишининг юкори даражали талабларига нисбатан ривожланишининг долзарб даражасида жойлашган. Бу даражадаги навбатдаги ҳаракатлар ривожланишга туртки бўлади. Шу билан бирга талабаларнинг янги юкори даражали ривожланиш даражасидаги ўзгармас ўлчамига тегишли педагогик жарайён бошланади. Бу эса ўқитувчининг педагогик мақсадларини жамлаб, ҳаракатлар ривожланишининг кейинги зонасида аниқлаштиришни тақозо этади. Афсуски, ўқитувчи бунга эриши-ши учун ўкув режаларини такомиллаштириш талаб этилади. Ўкув режалари касбий-назарий ёки ўкув – назарий дидактикага асосланган тузилмаларга эга. Буларда мақсад ва мазмун ўз аксини топади. Албатта, агар ўкув режалари ҳаракат назариясига асосланниб ишланганда бу ўқитувчи учун бебаҳо ёрдам бўлган бўлар эди. Бунда ўкув режаларига ҳаракатларнинг шаклланиши тўғрисида гувохлик ҳам кириши керак эди.

Ривожланишининг долзарб даражаси талабалар томонидан мустакил равишда ўқитувчининг ўйлаб кўйган ҳаракатлари орқали амалга ошишини ҳам албатта атаб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчининг кўп киррали тажрибаси шуни кўрсатадики, педагогик жарайёнда талабаларнинг ривожланишида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳам юз бериши мумкин. Ўз навбатида уларни талаба шахсининг ривожланишига нисбатан ва ундан ҳам муҳимроқ шаклланган ва ўйлаб бажарилган ҳаракатларда кўрамиз!

Юқорида айтилғанларни шундай хулосалаш мүмкін: ҳаракатларнинг мустақил шаклланиши таърифланған жараёнда ўша хусусиятлар мавжуд, фақат бу олдинги жараёнларни солиштиргандаги мажмуавий ва кўзга ташланадиган расмдаги кўрсатилган фаолият жараёнидир.

Талабаларда мустақилликнинг шаклланиши қайтма алоқа орқали ўтади, режалаштиришга ва олдиндан таҳмин қилишининг иложи йўқ.

Ўқитувчининг вазифаси талабаларга мустақил ҳаракатларни ташкил этиши учун шарт - шароитлар яратишадир. Жараён ўзи ўзини бошқариш тартибida кечади. Бу тұғрисида чуқурроқ тұхталиш керак.


Ўз - ўзини бошқарувчи ҳаракатлар қандай кечади?


Шу вақтгача биз «фаолият – ҳаракат» тартибсиз жараён, шунинг учун у қайтма алоқага ва чизиқли эмас деган фикрга келдик. Жараён вақтидаги ҳаракатлар маълум даражада келиб чиқадиган шароитлар уларнинг ривожланишига таъсир қиласы. Бу фикрни мустақилликнинг шаклланиш жараёнига ҳам айтиш мүмкін.

Талабалар бажарадиган ҳаракатлар нотуғри чизиқли тизимда вужудга келади. Тартибсиз ҳаракат назарияси буйича борадиган бўлсан, унда талабалар ҳаракатларни куйидаги 4 та усул билан бажариши мүмкін.

1. Ҳаракатлар тартибсиз тарзда бажарилади.
2. Ҳаракатлар ҳаракат мақсадига йўналтирилган бўлади.
3. Ҳаракатлар даврий ҳарактерга эга.
4. Ҳаракатлар – чегаравий даврнинг юқори даражасидир.

Ўз-ўзини бошқариш таълимидә ўқув ҳаракатларининг юриш таҳмини

Ҳаракат мақсади (ҲМ)			<p>Талабалар ҳаракати бир максадга каратилмаган. Унинг сабаблари қуйидагича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабалар кидириш жараёнида бўлади; - мўлжал қилиш қобилияти йўқ/ахборот берилмаган; - қабул қилиш кийин бўлган шароитлар; - ҳаракат мақсадига нисбатан
----------------------	--	---	---

			бошлангич шароитлар ноказник ва ўзгарувчан. Ҳаракатлар ҳаракат максадига якнилашади.
(ХМ)	t		Қонда бўйича, бу тўғри чизикилий үтмайди, лекин тортилиши нуткаси шаклида намоён булиши мумкин. Кейин талаба ҳаракатни эгаллайди. У жараёнга айланади.
(ХМ)	t		Ҳаракатланиши оддий чегаравий циклга тўғри келади. Ҳаракатлар бир маромда ва бошқа шароитларда ўтказса ҳам булади.
(ХМ)	t		Ҳаракатлар шаклий жиҳатдан кайтма алоқали концентрик айланана шаклида булади. Ҳаракатлар юришида мулжал доимий кайтма алоқа орқали олинади. Бу талабаларни ҳаракат максадига олиб боради. Ҳаракат натижаси – бу ҳаракат тургунлиги ва 2 дан 3 га ўтишилар.

Келтирилган қисқа изоҳли ҳулқ чизиклари – бу назарий моделлар, конструкциялар. Булар албатта аниқ тажрибавий асослашни талаб қилади. Бу эса бажарилгани йўқ.

Ўз - ўзини бошқариш таълимида 4-та ҳулқий чизиклар амалий ҳаракатларда қўлланилади. Ўз-ўзини бошқариш таълимида 1дан 4гача бўлган ҳаракат усулларини ажратиб бўлмаслигини айтиб ўтиш керак. Таълим оловчи учун ҳаракатларнинг ҳар бир усули ўз хусусиятига эга. Ҳаракатларни аниқ бир усул билан бажаришда ҳал қўлувчи бўлиб, бир томондан яратилган шароитлар, қайтма алоқа тури бўлса, иккинчи томондан ҳаракатларни бажаришга таъсир қўлувчи шароитлар ҳисобланади. Биз шу масалага оралиқ якун келтирмоқчи эдик:

Ўз - ўзини бошқариш ҳаракатларининг 4- тури бор. Динамик мураккаб тизимда ҳам ҳаракатлар шу 4- тури бўйича кечади.

Ҳаракат усуллари ўқитувчи учун талабаларнинг ўкув ҳаракатларини тушунтиришда намуна сифатида хизмат қилади. Тажрибавий моделларини ўрганиб чиқиб ҳар хил йўналишдаги касб гурӯхларида ўз-ўзини бошқариш таълимидан узоқлашганимиз аниқ булиши керак. Кўпчилик ҳолларда ўз-ўзини бошқариш таълимими ташкил қилишнинг ечим варианtlари йўналтирувчи матн методи сифатида берилади. Лекин, йўналтирувчи матн методи тузилмалари билан ишлаш ўз-ўзини бошқариш таълими эмас, балки тескарисига бирорларнинг бошқарувчи орқали амалга ошадиган методидир. Бунда йўналтирувчи саволлар ёрдамида, матн тузилмаси орқали бошқарилади.

Натижада ўқитувчининг барча ташкилий ҳаракатлари, ички бошқаришлари бехуда бўлиб, дарс жараёни ўз-ўзини бошқариш таълими ҳисобланадими?

Биз барибир, дарс жараёнида ўз-ўзини бошқариш таълими мавжуд деб ҳисоблаймиз. Бу ерда муаммо фақат ўқитувчи хоҳишида ёки мажбуrlигида булиши мумкин. Бу «тўлдирувчи ҳаракатлар» тушунчасини киритган маҳалда тушунарли булиши керак.

Ҳар кандай эволюция, инсон шахсининг ривожланишида ўз-ўзини ташкил қилиш тамойилининг сабабчиси ҳисобланади. Инсоннинг асосий ривожланиш жараёни тўғри чизиқли эмас, қандайдир миқдорда нодетерминистик таърифга эга. Инсон шу тизимда гиперциклилар ёрдамида ҳаракатланади. Биз маълум шарт – шароитларга ва қайтма ҳаракатга эга бўлган «табиий» ҳаракатларни «уз - ўзини бошқарувчи» деб атаган бўлардик.

Дарслар, ўқитишлар албатта фақатгина ҳаракатларнинг ўз - ўзини бошқариши ёрдамида шаклланмаслигини айтиб ўтиш керак. Утказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, талабалар ҳаракати доимий равишда ўқитувчининг «диккат марказида» туриши, лекин талабалар ҳаракатидаги талаба ва реал шахсий динамика орасидаги боғлиқликка кам эътибор қаратилади.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўз-ўзини бошқариш таълими технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос ҳусусиятларини айтинг.
2. Ҳаракатга қаратилган дарс жараёнини ташкил қилиш назарий жиҳатдан дидактиканинг асосини белгиловчи тамойиллардан бири сифатида қандай таърифлар беришган?

3. Ўқитиши жараёнининг соддалаштирилган ҳаракатланувчи моделлини тушунтиринг.
4. Шахснинг ривожланишини сақлаш ва таъминлаш учун фундаментал жараёнларнинг кайси бири кайтма алоқа орқали жараён хисобланади?
5. Кайтма алоқанинг турларига изоҳ беринг.

4.3. Фаолиятга йўналтирилган ўқитиши методи

Укув мақсади

Талабаларда фаолиятга йўналтирилган ўқитиши методининг моҳияти ва мазмуни бўйича назарий билимларни шакллантириши ва мустақил фикрлаши қобилиятларини ривожлантириши.

Фаолиятга йўналтирилган таълим – бу талабаларнинг фаол иштирокидаги ўқитиши бўлиб, унда ўқитувчи ва талабалар орасидаги мувофиқлаштирилган ҳаракат орқали ўкув жараёни ташкил этилади ҳамда бошқарилади. Фаолиятга йўналтирилган ўқитиши муаммо ва изланишлар ўтказиш, ижодий фикрлар ва гоялар билан бойитилган қуидаги методларни кўллаш имконини беради:

- иш жараёнини ташкиллаштириш учун тайёргарлик методлари, буларга «гурухда ишлаш» ва «тақдимот» киради;
- гояни йиғиш учун «ақлий ҳужум» уюштирилади, яъни вужудга келган ҳар қандай фикр, гоя ўртага ташланади, фикр ривожлантирилади;
- ҳар 3 кишидан 5 кишига «нуқтали гап тузилмалари» аҳамияти ва жойлашувига қараб бирин-кетинликда тарқатилади.


Энг асосийси бу методда сўз ва айтилган фикр, гоя эркинликлари сақланади, чегараланмайди. Ҳис-ҳаяжонли ва ижтимоий гурухлар жараёнини яхшилаш учун қуидаги қоидалар зарур:

- суҳбат уюштириш қоидаси;
- фикр алмашишнинг доимий воситаси бўлиб келган деворий газета, эълонлар доскаси (доимий ишчи гурухи учун), шунингдек, ҳар бир иштирокчи ўз фикрини талаб қилинмайдиган ҳолда эркин баён қилишлари мумкин;
- бир вақтнинг ўзида баённома, ушбу баённомада деворий газета сингари (3 та устун мавжуд бўлади): 1) вақт кўрсаткичи, 2) фикр ва

ғоялар учун ишчи руқнида устунча күрсатилади ва 3) устунга ижтимоий мавзудаги вөкөа-ходисаларни қайд қилиб бориш учун; - шериклардан интервью олиш методи: доимий турли қарашлар, фикр, нұқтаи-назар ва гоя кенглигини ҳамда ularни баъзида чучитиб ҳам туриш кераклигини таъминлайди.


Үқитувчи томонидан үкув машғулотларида фойдаланилаётган үкув жиҳозлари олдиндан танланиб, сараланади ва дидактик тайёр ҳолатга келтирилади. Лекин маҳсус ахборотлар тизимини мустакил тадқиқ қилиш қобилиятыни ошириш учун ва талаба ўз фикрларини баҳолаши, ўйлаб қуриши ҳамда аниқ ахборотни танлаши учун – алгоритмлар, яни маҳсус қоидалар мажмусини яратиш керак бўлади.

Фаолиятга йўналтирилган таълим, одатда, аввал вазият тарзида ўргатиш учун 1-қадам, сўнгра ундан умумий қонуниятларни келтириб чиқариш ёки умумий тамойилни тушунтириб бериш учун (индуктив ёндашув) учун (2-қадам) булиб ҳисобланади. Бундай таълимда аввал фаолият турини бажариш кўрсатиб берилади. Сўнгра аниқ топшириқлар берилади.



Фаолиятга йўналтирилган ўкув машғулотлари куйидагича ташкил этилади.

Фаолиятга йўналтирилган таълим сценарийларини қўллашга мужассамлаштирилган бўлиб, улар режалаштириш даражасида ҳаракат тизимлари асосида тузилган ва комплекс касбий ҳаракатларни акс эттириш воситасида касбий компетенцияни ривожлантиришга қаратилган.



Фаолиятга йўналтирилган таълим тузилмаси

Фаолиятга йўналтирилган таълимнинг асосини ўкув вазиятлари ташкил қиласди.

Ўкув вазиятлари – бу таълим дастурининг элементлари бўлиб, -унда ўқиш ва ўрганиш жараёнини ташкил эттиришда ўкув майдонини аниқлаштиради.

- таълим мақсадига ва касбий малакаларни эгаллашга йўналтирилади;
 - фаолиятга йўналтирилган ҳолда ифодаланади;
 - топширикни бажаришда вазифаларни хар томонлама ва ишончли кўя олади;
 - мутахассислик бўйича назарий билимларни амалиёт билан боғлайди;
 - ўзида мустахкам ўзаро боғланган ҳаракатларни намойиш қиласди.
- Ўкув вазиятлари куйидаги босқичларда ишлаб чиқиласди.
- Умумий дидактик режалаштириш.
1. Таҳлил.
- Ўкув дастури таҳлили;

- миңтақавий корхоналар ва муассасаларда намунашынан ұмуда ишончли қаралат майдонлар таҳлили;
- талабаларнинг дастлабки билимлар таҳлили;
- ўқув фанлари ва ўқув майдонлари орасидаги бөглиқликни үрнатыш;
- ўзига хос қабул килинган шартлар, яъни ўқитувчилар сони ва малакаси;
- бинолар сони ва жиҳозланиши, амалиёттің үтказыш бүйіча ҳамкорлар таҳлили үтказилди.

2. Муовоғлаштириш. Аниқлаштирилган дидактикалык режалаштириш орқали амалга оширилди.

3. Фояларни излаш.

- Ҳаракатли касбий майдонларидан излаш;
- касбий таълим усталари ва ўқитувчиларнинг ташаббуси;
- талабалар ташаббуси;
- ўқитувчиларнинг «Ақлий ҳужуми» – ассоциограммалар;
- бошқа касб таълими муассасаларининг концепциялари ва назариялари ўқув адабиётлари ва бошқа манбалар.

4. Ўқув вазиятларини танлаш ва ишлаб чиқиш.

- Касбий муаммолар → топшириқни бажариш бүйіча амалга ошириладиган ишлар;
- бошланғич ва мақсадли вазиятларни тавсифлаш;
- шахсий компетенцияни намойиш қилиш;
- касбий қаралатларнинг бориши (босқичлари);
- ўқув мазмуни бүйіча ўқув вазиятларини ишлаб чиқиш;

5. Үмумий шартларни режалаштириш.

- Ўқитувчилар жамоасини тузиш (асосий мавзу йұналишлари бүйіча);
- ўқитувчи фаолиятини муовоғлаштириш;
- техника воситаларини ва касбий методларни аниқлаш;
- натижаларни бағолаш мезонлари ва воситаларни ишлаб чиқиш;
- маҳсус фанлардан машгулотлар үтказыш учун бинолар, кабинетлар, лабораториялар ва устахоналарни режалаштириш.

6. Медннат қажмани аниқлаш.

Ассоциограмма, иш режаси, календар режа, күрсатмалар, чизма ёки расм, Web –саҳиға, тақдимот, хужжатлар тузиш.

Касб-хунар колледжларида махсус фанларни фаолиятга ва ҳаракатга йўналтирилган ўқитишин интеграллаштирилган шаклларда ташкил этиш тавсия этилади.

Интеграллаштирилган ўкув машгулотлари - бу назарий ва амалий машгулот биргаликда мувофиқлаштирилган шаклда ўтказилишидир. Бундай машгулотлар иккала шаклга ажратилган вақтнинг умумий миқдорига риоя этилган ҳолда ўтказилади. Назарий ва амалий машгулотнинг ҳар бирига қатъий вақт ўрнатилмайди.

Ўкув вазиятини режалаштиришга қўйидаги мисоллар келтирилган.

Мисол: Ўкув предмети бўлими. Ген мұхандислигига асосланган, ўзгаришлар билан шартланадиган янги стратегияларни ишлаб чиқиши.

Топшириқ: Каланхоз ўсимликларидаги А-тупроқ бактерияларини аникланг!

 Амалга ошириладиган фаолиятлар бўйича ўкув дастури

Ҳаракат-лар	Компетенцияни ривожлантириш	Ўкув соати	
Режалаштириш (12 ўкув соати)	Ўсимликлар органларининг морфологияси ва физиологиясини таҳлил килинг: -илдиз -шоҳлари -барги -гуллари -меваси Билимларни назорат қилиш	2 2 2 2 2 2	Синф хонаси -моделлар -DVP/VPC Лаборатория -микроскопия -бўяш усуllibарини ўрганиш Экскурсия
Ахборот йигиш (8 ўкув соати)	Ген мұхандислигига асосланган ўсимликшунослик усулилари ҳакида ахборотларни топинг ва мұҳкама қилинг. -ирсиятни кучириш усуllibари; -ирсиятчилик-Ген мұхандислигига асосланган синовлар серияси Тузатиш-билимларни назорат қилиш	2 2 2	Синф хонаси
Амалга ошириш	Каланхоздаги буртикларнинг кўзғалишини кўрсатиш		Микробиологик лаборатория

(10 ўқув соати)	-А тупрөк бактерияларини күпайтириш -Усимликларни чатишириш -Микроскопда күзатыш учун лаборатория -Бүртикларни күриб чиқиш - натижаларни анықлаш	2 2 2 2	
Баҳолаш	Тақдимоти ишлаб чиқиш	2	Информатика хонаси
Назорат килиш (4 ўқув соати)	Натижаларни намойиш қилиш ва солишириш Тақдимот Күллаш учун холосалар чиқариш	4	Тақдимот қилиш методикаси

Билимларни мустақамлаш учун саволлар

- Фаолиятга йұналтирилған тәълим деганда нимани түшүнасиз?
- Фанлар бүйіча фаолиятга йұналтирилған ўқув машғулотлари қандай үтказилади? Фаолиятга йұналтирилған тәълим тузилмасини түшүнтириңг.
- Хис-хаяжонли ва ижтимоий гурухлар жараёни методини яхшилаш учун қандай қоидалар зарур?
- Фаолиятга йұналтирилған тәълимнинг асосини ўқув вазиятлари ташкил қилади. Ўқув вазиятлари нима? Ўқув вазиятлари қандай ишлаб чиқилади?
- Касб-хунар колледжларда махсус фанларни фаолиятга йұналтирилған үқитишини қандай шаклларда ташкил этиш тавсия этилади?

4.4. Махсус фанларни үқитишида мустақил ахборот олиш ва уларни қайта ишлеш күнилекмаларини әгаллаш методикаси

Үқув мақсабы


Талабаларда махсус фанларни үқишида мустақил ахборот олиш ва уларни қайта ишлеш күнилекмаларини әгаллаш бүйіча назарий билимларни ва күнилекмаларни шакллантириш.

О Ахборотни қабул қилиш анықтамалық оширилдиган умумий шартларни қабул қилишга күмаклашувчи билимлар үқув жараёнларининг самарадорлигини ошириш ва уни бошқариш имкониятини очиб беради. Үқув мазмунини қабул

килиш орқали эслаб колишига оид эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мустақил равища қабул қилинган ахборот хотирада яхши сакланиб қолади.

Ушбу методни қўллаш бўйича куйидаги дидактик тавсиялар берилади:

- дарсларда талабаларнинг мустақиллигига кўмаклашиш;
- гуруҳ таркибидаги талабаларнинг турли жинсда эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи томонидан дарснинг кўргазмалилигини тъминлаш.



Ахборот олиш воситаларининг қўйидаги гурухлари ажратилиши лозим:

А) Бевосита ҳақиқий воситалардан, жараёнлар, объектлар, ҳолатлардан ахборот олиш:

- Реал воситалар

Буларга:

- гербарий, ўсимликлар йиғиш;
- препаратлар (суртма препаратлар, узок муддат саклаш учун препаратлар, осма томизғилар);
- материаллардан намуналар;
- маҳсулотлардан намуналар;

Экскурсиялар, ташрифлар ва саёҳатлардан олинадиган маълумотлар:

- корхоналарга бориш орқали;
- кўргазмаларда қатнашиш орқали;
- экскурсиялар ва саёҳатларда иштирок этиш орқали.

Кузатув орқали олинадиган маълумотлар:

- ишлаб чиқариш технологик жараёнлари;

- хайвонларнинг феъл-атвори;
- турли хил ўсиш даврларидағи ўсимликлар;
- машиналар ва асбоблардаги куч узатишлар;

Синовлар ва тажрибалар орқали олинадиган мълумотлар:

- очик ҳаводаги тажрибалар (масалан, мактаб боги, қайта ишлаб чиқарилган хом ашёлар учун боғлар);
- ўқитувчи томонидан намойиш қилиш ёки талабалар томонидан синов ўтказиш кўринишидаги маҳсус хонадаги ёки лабораториядаги тажрибалар.

В) Ўқитишининг техник воситалари ёрдамида ахборот олиш.

Ўқитишининг техник воситалари ҳақиқийлик берган тажрибаларнинг факат иккиласмачисинигина узатади. Чунки у ҳақиқий эмас, балки унинг акси ёки ўхшashi бўлиб ҳисобланади. Шундай бўлсада, улар қисқа вақтда ва таълим муассасаси шароитларида ҳақиқийликни кўргазмали тушунтириб бериш имконини беради ва ахборот олишда ўз хиссасини кўшади.

Анъанавий ўқитиши воситаларидан мълумот олиш.

I. Слайдлар ва тақдимотларни (масалан, тақдимот учун дастурли таъминотдан фойдаланиш билан) – кўриб чиқиш ва мумкин булган такрорлаш вактини танлаш туфайли кузатувчига тургун ахборот олиш имконини беради.

Слайдлар ва тақдимотларни тайёрлашга қуйидаги талаблар кўйилади:

- талабаларга мос келадиган мазмунни танлаш;
- ахборот мазмунининг аҳамиятлилиги ва тушунарлилигини таъминлаш;
- мазмуннинг аниқ тасвиirlаниши.

Ишчи тавсияларга қўйидагилар киради:

- мақсадга йўналтирилган равиша кўллаш-ҳаддан зиёд зўриқишиларга йўл қўймаслик (кўп давом этувчи пассив ўкув ҳолатларида талабалар толиқади ва дикқат килиш қобилияти пасаяди);
- дикқатни сақлаб қолиш учун бажарилиши лозим бўлган ишчи топшириклар;
- асосий (муҳим) фикрларни якуний мустаҳкамлаш.

II. Моделлар – бу ҳақиқийликни оддийлаштириб, абстракт акс эттириш ёки техник маҳсулотни кичрайтирилган масштабда ўхшатишдир.

Моделларни ишлаб чиқишида кўйидаги ишчи тавсиялар берилди:

- таркибий модел – бұлакларга ажралади, бирок құзғалмас;
- харакатдаги модел – бұлакларга ажралади ва құзғалувчан.

III. Фильм ва видеолар – бу динамик тасвирларғи ёзіб олиш ва қайта ишлаш учун электрон усул булиб, уни ахборот ташувчиларига сақлаш мүмкін.

- магнит тасмасига бир хил ёзіб олиш, бир хил ишлов бериш;
- магнит тасмасига рақамли ёзіб олиш, рақамли ишлов бериш;
- видеодискка ёки қаттық дискка рақамли ёзіб олиш;
- хотира харитасига рақамли ёзіб олиш

Афзаликлари:

- ҳақиқиit тасаввур қилиш орқали мураккаб жараён ва объектларни бевосита қабул қилиш ва янгиликларни үзлаشتариш;
- ривожланиш, воқеалар, ҳаракат жараёнлари ва бошқалар тұгрысіда яққол күргазмали тасаввурлар ҳосил қилиш;
- нарсалар ва фикрлар үзаро боғлиқлигининг кенг куламларыда алохіда ходисаларни тасвирлаш;
- тезкор суратта олиш, секін суратта олиш каби мұхим техник имконияттарни құллаш.

Ишчи тасвиялар:

- талабалар олдида үқув мақсадларини күйиш ва ишчи топшириқлар ҳамда кузатувлар бүйіча топшириқларни тарқатиши ёрдамида фойдаланишга тайёрлаш;
- фойдаланиш вактіни чеклаш (20 минутгача);
- топшириқларни назорат қилиш ва очық саволларга жавоб беріш ёрдамида фойдаланишини бағолаш.

Фильм – бу үқитиши учун эмас, балки үқув мазмунини күргазмали тасаввур қилиш учун ёрдамчы воситадыр.

IV. Босма мәнбалар (дарслық ва махсус адабиётлар, махсус журналлар, йүрикномалар ва бошқалар).

Талаблар:

- талабаларга үзининг ҳажми ва ифодаси бүйіча мос келиши;
- мазмун бүйіча долзарбилиги ва мослиги;
- муайян ва күргазмали тасвирланиши;
- билим ва күнікма орттиришга қулайлігі.

Махсус фанларни үқитишида таълим олувчиларни мустақил ахборот олиш ва қайта ишлаш күнікмасини шакллантириш орқали уларнинг методик компетенциялари ривожлантирилады:

**Мето-
дик
компе-
тенция**

- ахборот қидириш ва ёзиб олиш ҳакидаги асосий билимларни эгаллаш;
- атамалар ва хорижий сұзлар түгрисида асосий билимларни эгаллаш;
- техник матндарни тузиш учун масалаларни қоплаш буйича дастурлар;
- күп қажметті ахбороттар иチдан энг мұхимини ажратыб олиш;
- мустақил ҳолда таҳлиллар ўтказыш.

Биз талабаларимизни бутун ҳәёти давомида үз-үзини бошқарадиган ва мустақил таълимға жадал тайёрлашымыз керак. Муайян вазиятлар учун услубий тавсиялар үкитувчилар учун құл келиши ва үхаш ҳаракат тарzi учун алгоритмлар тузишга ёрдам бериши мүмкін.

Махсус ахборотларни мустақил үзлаштириш жараёнини қўйидаги қадамлар билан тасвирлаш мүмкін:

1. Муаммоли вазиятни тушуниш.
2. Ҳаракат тарзини режалаштириш.
3. Ахборот манбаларини аниклаш.
4. Зарурий ахборотларни үзлаштириш.
5. Олинган ахборотларни эслаб қолиши ва сақлаш.
6. Олинган ахборотларга бошланғич ишлов бериш.
7. Ахборотни таҳлил қилиш ва баҳолаш.
8. Мұхим ахборотни мақсадға йуналтирилған ҳолда танлаш.
9. Танлаб олинган ахборотни эслаб қолиши ва сақлаш.
10. Ахборотни құллаш.
11. Натижаларни баҳолаш.

Билимларни мустақамлаш учун саволлар

1. Талабаларда махсус фанларни үқишида мустақил ахборот олиш учун қандай дидактикалық тавсиялар ишлаб чиқылған?
2. Үкитишининг техник воситалари ёрдамида ахборот олишнинг афзалліктерини айтинг.
3. Үкитишиң жараёнини дидактикалық воситалар ёрдамида ташкил-лаштиришда қандай ишчи тавсиялар ишлаб чиқылади?
4. Таълим жараёнини самараали ташкил этишида қандай талаблар қўйилади?

5. Ўқитишининг техник воситалари ёрдамида ахборот олишнинг методик компетенцияларига нималар киради.

4.5. Таълим олувчиларни ҳамкорликда ишлашга қизиқтириш методи


Ўқув мақсади

Талабаларда ҳамкорликда ишлашга қизиқтириши методи буйича назарий билимларни шакллантириши ва мустақил ишлашга ўргатилиши.

 Назарий нуткай назаридан қизиқтириш организмининг мосравищдаги ички ва ташки қўзғатувчилари билан биргалиқдаги эҳтиёжи ҳолатидан боғлиқ булади. Ижтимоий сигналлар сифатида ташки қўзғатувчилар бўлиши мумкин. Кизиқтиришнинг ривожланиши психологиясида ҳодисаларни виртуал ва реал ҳақиқатда қайта фикрлаш етакчи ўрин тутади. Мавжуд ўқув соҳасидан ташкари қизиқтириши доимо таълим учун худди шундай намуналарга кўмаклашади. «Ўзига ўзи ёқаётган кишигина бошқаларни ёқтириши мумкин».



Ўқув мотивациясини қўллаш шартлари



Дарснинг бошланишида талабаларни қизиқтириш

1. Ички қизиқтиришни (фанинг моҳиятига тегишли булган) биринчи навбатга қўйиш.
2. Асосий ўқув муаммосини илгари суриш.

3. Талабаларнинг ошиб кетиши ёки камайиб кетишига йўл қўймаслик.
4. Ҳақиқийлик ва амалиёт билан алоқа ўрнатиш.
5. Келажак учун аҳамиятини аниқлаш.
6. Барча талабаларга мурожаат қилиш.
7. Усулларни алмаштириш.
8. Мехнат ҳажмини аниқ белгилаш.
9. Фаолият хатоларга йўл қўймаслик.

Мотивация (қизиқтириш) методи. Мотивация методида дарсда талабалар билан қизиқарли, ҳаттоқи, дарсга тааллуқли булмаган мавзулар тўғрисидаги сұхбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга boglik bўlgan mавзулар юзасидан сұхбатни бошлаш керак. Masalan қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикоя танланиши мумкин. Bуларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талабаларнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда талабалар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишига ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талаба гуруҳида ўтилаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини танишириб ўтиб, талабаларга ҳам ўзларини танишириш имкониятини бериш керак. Bu талабаларда ишонч туғдиради, талабалар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиласилар. Таърифланган ва танланган ўқитиш фанларни ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Ички ва ташқи мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўкиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади.

Сўнгра ўқитувчи талабаларга маҳсус соҳа бўйича янги материални тушуниради, қисқа маърузалар ўқиди, мунозаралар уюштиради, ўкув сұхбатлари, ўйин машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида сұхбатлар ўtkазади. Кейинги дарсларда янги мавзуни бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайталиши керак.

Талабаларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарканилиши лозим. Bu ўкув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиши учун етарли дақиқалар бериш ва талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофик булади.

Талабаларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равищда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гурухларда ишлаш ёки мустақил равища топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

У хар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар узлари ба-жарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса на-тижаларни гурухларда очик-оидин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўкув фани якуннида сухбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари, шунингдек, талабаларнинг ўз натижалари юзасидан мuloҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Мустақил билим олиш ва ўрганишда талабалар ҳаракати гуруҳдаги талабалар қандай тартибда бўлиши керак?
2. Талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ри-вожлантиришга қаратилган машғулотлар қандай тузилиши лозим?
3. Ўкув мотивациясини қўллаш шартларини тушунтиринг.
4. Ҳаракатланиш қўлланмаси ёрдамида ўқиш фойдаланувчига қандай афзалликларни таклиф қиласди?
5. Ҳаракатланиш қўлланмасини тузиш бўйича кадамларнинг кетма-кетлигини айтинг.
6. Таълим жараёнида дарснинг бошланишида талабаларни қизиқтириш усулларини айтинг.



Таянч иборалар

Компетенция, муаммоли вазият, парадигма, анъанавий фаолият, технология, объект, методика, ғоя, субъект, ўқиш, тарбия, таълим, ғоя, фаолият, эҳтиёж, материя, тизим, шакллар, қиёфалар, экспурсия, модел, стимул, мотивация.



Мустақил иш топшириқлари

1. Талабаларни кичик гурухларга ажратиб, хар бир гурухга касб-хунар колледжида ўқитиладиган битта мавзу бўйича фаолиятга

йўналтирилган дарс ишланмасини ишлаб чиқиш топшириғини беринг.

2. Ҳар бир талабага махсус фан буйича биттадан мавзу беринг. Талаба шу мавзу буйича камида З та манбадан ўкув ахборотлар йигиш ва улар ичидан энг муҳимларини ажратиб олиш керак.



Адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. Вак Витц К. / WACKWITZ. Специальная дидактика для аграрного хозяйства. Дрезден. – 2010.
2. Вак Витц К. / WACKWITZ. Шаги для самостоятельного получения специальной информации. Дрезден. – 2010.
3. Олимов Қ.Т., Жалолова Д.Ф. Хорижий таълим тажрибалари. Методик кўлланма. Бухоро. – 2011. 116 б.
4. BACKERRA, Hendrik; MALORNY, Christian; Schwarz, Wolfgang: Kreativitätstechniken. Kreative Prozesse anstoßen, Innovationen fördern. Die K7. 2. Aufl., München, Wien: Carl Hanser Verlag 2002.
5. BUGDAHL, Volker: Kreatives Problemlösen im Unterricht. Frankfurt am Main: Cornelsen Scriptor 1995.
6. SCHAUDE, Götz: Kreativitäts-, Problemlösungs- und Präsentationstechniken. 3. Aufl., Eschborn: Rationalisierungs-Kuratorium der Deutschen Wirtschaft (RKW) e.V. 1995.
7. Leontév, A. (Леонтьев, А.) Tätigkeit, Bewußtsein, Persönlichkeit (Фаолият, англаш, шахс) Berlin, 1987.
8. Galperin, P. J. (Гальперин, П.Я.) Zu Grundfragen der Psychologie (Психологиянинг умумий саволларига тегишли) Berlin, 1980.
9. Matern, B.; hrsg, von Hacker, W. (Матерн, Б.; Хакер, В. таҳририяти остида) Psychische Regulation von Arbeitstätigkeiten: innere Modelle - Strategien in Mensch-Maschine-Systemen - Anforderungen, Beanspruchung und Belastung (Мехнат фаолиятининг психологик регуляцияси: ички моделлар – одам – машина тизимига стратегик талаблари, талаб ва юкламаа) Berlin, 1976.
10. Miller, G.A.; Galanter, E.; Pribram, K.H. (Миллер, Г.А.; Галантер, Е.; Прибрам, К.Х) Strategien des Handelns: Pläne und Strukturen des Verhaltens (Ҳаракат стратегияси: режалар ва хулқ тузилиши) Stuttgart, 1973

В БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ФАОЛ МЕТОДЛАР

5.1. Дарсларда сұхбат ва мунозара үтказиш ва уларни бошқариш

Ўкув мақсади

*Талабаларда дарсларда сұхбат ва мунозара
үтказиш ва уларни бошқариши бүйічә назарий
билимларни шактапантириши.*

Дарсда сұхбат: ўқитувчи ва талабалар орасидаги мулоқот, шунингдек, ўкув дастурига мувофиқ берилған ўкув мазмуні бүйічә талабалар орасидаги ұзаро таъсир үрганилади. Бу жараён ўқитувчи томонидан бошқарилиши ва назорат қилиниши, ҳамда ижтимои ҳатты-харакаттнинг асосий қоидаларига зәға бўлиши мухим аҳамиятга зәға. Бу методнинг етакчи функцияси-мотивация қилиш демақдир. Аниқ мақсадни кўзда тутадиган ва моҳирона кўйилған саволлар ёрдамида сиз талабаларни ўз билимларини берилған мавзу бүйічә эсга олиш ва баён этишга, сизнинг раҳбарлигингизда бошқа талабалар билан мұхокама қилишга ундейсиз.

Талабалар сиз билан бирга, қадамма-қадам янги билимларни мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш, якунлаш ва умумлаштириш йўли билан ўзлаштирадилар ва тушунадилар.


Сұхбатнинг афзаллиги яна шундан иборатки, у фикр юритиши максимал фаоллаштиради, талабаларнинг билим олиш кучини таракқий эттиришга имкон беради.

Белгиланган мақсад бүйічә сұхбатлар қўйидагиларга булинади:

- кириш ёки ташкил қылувчи (дидактик вазифаси: талабаларни машғулотда ишлашга тайёрлаш);
- янги билимлардан хабардор қилиш (дидактик вазифаси: талабаларни янги материал билан таништириш);

- синтезловчи ёки мустахкамловчи (дидактик вазифаси: талабалар томонидан билимларни тизимлаштириш, мустахкамлаш, эслаб қолиш ва англаш).

Сұхбатни бошқарылыш методикасы



Ушбу модел бутун гурух ахборотни қабул қилишдан кутилаётган натижага олиб боришига йұналтирилған харакат тартибини жараён үз ичига олади.

5.2. Морфологик матрица методи

Үкүв мақсади

Талабаларда морфологик матрица методи бүйича назарий билимларни шактандырыши.

Морфологик матрица – бу ўқитишинг методик усуллар комплекси бўлиб, унда муаммо бир нечта элементларга ажратилиди, муаммо элементларини ечиш учун излаш амалга оширилди

ва мос тарзда имкон қадар ечим вариантиларининг кўпроқ сони киритилади.

Дидактик мақсади. Морфологик матрицани қўллашнинг дидактик мақсади шундан иборатки, муаммони тўлалигича тасаввур этиш, шунингдек структуралаш ва мажбурий бириктириш йули билан муаммони ечишга кўмаклашиш ҳисобланади. Щу билан бирга, бу технологик муаммони ижодий ечишни ҳам рағбатлантиради.

Методик мақсади. Муаммо ечимлари вариантиларини аниқлашдан иборат.

Вариантлар: морфологик қути, морфологик табло, функционал анализ, атрибутив рўйхатни тузиш, кетма-кет морфология, ечимлар дарахти.

Аналогик методлар: сўров вараги, латерал фикрлаш методи.

Илмий асослари. Морфологик матрица муаммоларни ечишнинг систематик, аналитик технологияси ҳисобланади. Қўйилган муаммо систематик тарзда параметрларга қўйилиб чиқади. Бу муаммо параметрлари бир-биридан мустақил бўлиши керак. Параметрлар ва уларнинг ҳосилалари жадвал кўринишида, матрица (икки ўлчамли) ва қути (уч ўлчамли) сифатида бўлиши мумкин. Иккала кўриниш ёрдамида муносабатларнинг боғлиқлигини яққол кўрсатиш мумкин.


Келиб чиқиши. Морфологик метод асосчиси бўлиб швейцариялик физик ва астроном олим Фритц Цвикки ҳисобланади. «Морфология» сўзи юонон тилидан келиб чиқкан бўлиб, «шакл ва шакллантириш ҳақидаги таълимот» маъносини билдиради. Маълум метод бўйича ҳосил қилинган ҳар бир тартиб морфология деб айтилади, шунинг учун «тартиблашган фикрлаш таълимоти» деб ҳам айтилади.

Қулланиш соҳалари. Морфологик метод комплекс ёки чекланган, техник ёки нотехник муаммони ечишнинг янги комбинацияларини ёки турли имкониятларини топиш мақсадида қўлланиладиган систематик структуравий анализ ҳисобланади. Шунинг учун морфологик матрица янги маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматлар учун бўшлиқларни топиш учун куладай ҳисобланади. Бундан ташқари, у аналитик мақсадлар, шунингдек инновацион жараёнларни вужудга келтириш учун қулланилиши мумкин. Метод ҳам гуруҳ ишида, ҳам мустақил ишлашда қўлланилиши мумкин.

Амалга ошириш шартлари.

Агар уни расмий жиҳатдан қарасак, морфологик матрица параметрлар ва ифодалардан иборат бўлади. Бунда параметрлар (нима?) барча ечимларда учрайдиган ўзгарувчилар ҳисобланади; бу параметрлар бир-биридан реал мустақил бўлиши, барча мумкин бўлган ечимлар учун воқеликка тўғри келиши ва муаммони тўлик камраб олиши керак. Кўринишлар (қандай?) параметрлар учун рухсат этилган шакллантириш имкониятлари ҳисобланади. Бажариладиган функцияга мумкин бўлган, рухсат этилган ечимлар қарши қўйилади.

Амалга ошириш босқичлари. Морфологик матрицани тузиш жараёни схемаси қўйидагicha кўринишда бўлиши мумкин.



Тавсифланиши керак бўлган муаммо мавжуд.

1. Муаммо мухим, бир-биридан мустақил бўлган муаммо элементларига (параметрларга) ажратилади.
2. Ҳар бир элемент учун дастлабки муаммога қарамасдан барча мумкин бўлган ечимлари (куринишлари) ёзиб олинади. Улар ўнг томонга параметрлар билан бирга ёзиб олинади.
3. Асосий муаммо ҳар бир элемент учун бир-биридан мустақил равища энг кулай кўриниши танланади; ҳар бир бўлиши мумкин бўлган комбинация ҳар бир ячекадан ҳар бир кўриниш бўйича асосий муаммонинг ечимини беради.
4. Асосий муаммонинг оптималь ечими ажратилиб кўрсатилади тагига чизилади.

Ўтказиш қоидалари. Параметрларни аниқлаш: аввал эҳтимолли параметрларнинг оддий рўйхатини тузинг ва кўйидаги талаблар бажарилишигача уни қайта ишланади:

- мантикий мустақиллик: параметрлар бир-бирини шартлаши мүмкін эмас;
- умумий вөкөлилкі: параметрлар бир қысмінде орналасқанда жағдайда ечімларга тааллуктап көрсеткіші керак;
- мұхимлік: факат асослы мұлоқазаларни қабул қилиш.

Параметрларнинг умумий сони 7-10 та бўлиши керак, ўзича олинган кўринишлар оптималь ечімні бермайди, аммо бошқа кўринишлар билан бирлаштирилганда оптималь умумий ечімнің олиб келиши мүмкін.

Куйида морфологик матрицани қўллашга яна бир мисол келтирилган:

Ювии воситаси учун уралмани ишлаб чиқиши

<i>Белги</i>	<i>Кўриниш 1</i>	<i>Кўриниш 2</i>	<i>Кўриниш 3</i>	<i>Кўриниш 4</i>
шакли	параллелепипед	цилиндр	тетраэдр	шар
материал	картон	пластик	фольга	тахта
рангги	ок	ок-кора	олтин ранг	зангори
ташиши учун қулайлиги	дастлари	ушлаш учун тешниклар	илмок	ремен
маҳкамлаши	копкоғи	пробка	дозатор	вентил
ўлчаши	стаканча	тарози	кошик	таблеткалар
қўшимча фойдаси	ўйинчок	такинчоклар учун кути	контейнер	челак

Кучли жиҳатлари

Бу технологияни қўллаш туфайли муаммони ҳал қилиш жараёни системалаштирилади. Аммо, у шунингдек янги ғояларни топиш учун ва муаммони ижодий ҳал қилиш учун қўлланилади. Морфологик матрица комплекс муаммолар ҳамда вазифаларнинг турлича кўйилиш имконини беради, чунки муаммони кўйиш аниқ ҳамда тушунарли амалга ошади. Метод ечимлар варианtlари кўп бўлган вазиятларда устуворларни ишлаб чиқиши фойдалидир. Айниқса мазкур метод ғояларни ишлаб чиқиши фазасида мақсадга мувофиқдир. Визуализация туфайли метод компонентлар учун кўпгина ечимларни умумий ечімнің бирлаштиришни осонлаштиради. Янги ғоялар оддий бўлмаган комбинацияларга олиб кела-диган оптималь кўринишларни мажбурий бирлаштириш натижасида вужудга келади. Морфологик матрицанинг кейинги ютуғи бўлиб

натижаларни (доскага ёки қозға) матрицага ёки қутига ёзіб олиш орқали автоматик баёнлаштыриш ҳисобланади.

Талаблар. Маълум шароитларда морфологик матрицани тузиш катта вақтни талаб қилиши мүмкін. У мөс муаммо соҳаси ҳақида катта, юқори даражали билимларни талаб қилиши мүмкін. Мұхим шарт бўлиб муаммони аниқ белгилаш ва параметрлар мустақиллиги ҳисобланади. Бундан ташқари, параметрлар ва кўринишлар бир-биридан яққол ажralиши керак. Параметрлар ҳамда кўринишларни аниқлаш катта машгулотни талаб қиласди, баязи жойларда мураккаб бўлиши мүмкін. Куйидагини эътиборга олиш мұхимдир:

- матрицани тузиш доим ҳам дарров амалга ошмайди;
- матрицага «ўсиш» учун вақт керак. Қайта кўриб чиқиш кўпинча натижани яхшилаши мүмкін.

5.3.Аналогиялар технологияси

Ўқув мақсади *Талабаларни аналогиялар методи билан таништириши*

Аналогия [юононча: *analogia*] бир хиллик ёки ўхшашликни, белгиларда бир вақтдаги фарқларда белгилар бўйича маълум мувофиқлик маъносини билдиради. Аналогиялар методи холосалашнинг мантикий методи бўлиб, унда предметлар ва ҳодисаларнинг бир хиллиги ёки ўхшашлиги бўйича холоса қилинади.

Дидактик мақсади. Аналогиялар методининг дидактик мақсади турли муаммоларни ечиш орқали талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини яхшилашдан иборат.

Методик мақсади. Аналогиялар методининг методик мақсади, билимлар ҳамда кўникмаларнинг ишончли, синарган фаолият усулларидан янгиларига кўчиришни билдиради, яъни муаммоларни ечиш учун аналогия асосида қилинган холосани қўллашдан иборатдир.

Асосий белгилари. Аналогиялар методининг асосий белгиси ва элементи бўлиб *анология бўйича холоса ҳисобланади*. Бунда холоса икки объект бўйича намуна бўйича аналогия асосида қилинади: *A B билан ўхшашликка эга. В b хусусиятга эга, демак A ҳам b хусусиятга эга*. Бунда объектлар бўлиб жонзотлар, нарсалар ёки феноменлар бўлиши, ўхшашлик хусусиятларда, структураларда ёки функцияларда бўлиши мүмкін. Аналогиялар бўйича холосалар

редуктив хуросаларга киради. Улар доимо эхтимолли хуросалар бўлиб, гипотетик ҳарактерга эга ва тажрибада тасдиқланишни талаб қиласди.

Қуллаш соҳалари. Аналогиялар методи кўргазмали тушунтириш учун кўп кўлланилади. Мисол учун, бу метод математик машқларда кўлланилиб, уларда талабалар бошқа кўпгина машқлар учун ечимларни топишда кўлланилади. Кўпинча янги ҳали ўрганилмаган лойиҳани бошлашда ҳам аналогиялар методи кўлланилади. Бунда таниш бўлган ва ухшаш шароитларда бажарилган лойиҳа билан таққослаш ўтказилади. Аналогиялар бўйича хуросани ҳам табиий фанлардан, ҳам ижтимоий фанлардан чиқариш мумкин.

Шарти. Бу методни кўллаш шарти бўлиб муаммоли вазиятнинг мавжудлигини онгли қабул қилиниши ҳисобланади.

Амалга ошириш босқичлари.

Аналогиялар методи қуидаги методик босқичларга булинади:

1. Вазифа ёки муаммоли вазият очиш қийин бўлган ишнинг предмети ёки ҳолати орқали берилади; ечимни топиш учун ухшаш предметлар ёки ҳолатларни кидириш керак.
2. Номаълум предметлар ёки иш ҳолатлари белгиларини маълум предмет ёки иш ҳолати билан ухшашлигини топиш мақсадида таҳлил қилиши.
3. Номаълум предметлар (иш ҳолатлари) ва маълум предмет ёки (иш ҳолати) орасида ухшаш ҳамда фарқланадиган белгиларни синтезлаш.
4. Маълум мухим белгилар ухшашлиги, мослиги асосида битта ёки бир неча бошқа белгилар бўйича ухшашлиги ҳамда мослиги ҳакида хуроса қилиши.
5. Белгилар мазмунида алоҳида фикрларни чиқариш ва унинг амалиётдаги түғрилигини тасдиқлаш.

Аналогиялар технологиясини кўллашга мисоллар.

Мисол: Магнитли занжир:

1. Магнит майдон шароитларининг мураккаблиги; тушунтириш учун осон ва тушунарли иш ҳолатларини сақлаш; дикқат марказида техник майдонлар.
2. Магнит майдон алоҳида хусусиятлари (оқим йуналишлари ёпиқлиги, магнитли ҳаракатлантирувчи куч ва магнит оқим ҳаракати орасидаги боғлиқлик ва ҳ.к.); техник майдонлар ферромагнит ўзакда жамланади.

3. Электр токи занжири ва магнит майдони орасида мослиқ күйидаги хусусиятларда мавжуд бўлади (ток чизиқлари ва оқим йуналиши чизиқлари туташ чизиқлар бўлади; электр токи кучланиш билан ифодаланади, оқим магнит ҳаракат кучи билан ифодаланади; электр занжирлар ўтказгич билан боғланган, техник майдонлар ферромагнит ўзакда жамланган. Фарқловчи белгилар (электр токи оқади. Магнит оқими – йўк; электр токда энергия ўзгариши, магнит майдонда эса энергия тўпланиши) юз беради, барча белгилар муҳим хисобланади.
4. Аналогия бўйича хулосалар: магнит майдони электр токига нисбатан аналогия бўйича магнитли занжир сифатида кўрсатилиши мумкин.
5. Магнит занжирни кўллаш ички кучланишнинг пасайишида асоссиз бўлади, чунки магнит оқим статик ҳарактерга эга; шунингдек, энергетик нисбатда энергияларнинг турли ҳаракети туфайли асоссиз бўлади.
6. Магнит майдони хисобларида аналогияларни қўллаш.

Германияяда янги фан сифатида пайдо бўлган «Бионик»да (биологияга йўналтирилган муҳандислик фани) (Берлин техника университети /TU Berlin сайти), техник муаммоларни ечиш учун асослар сифатида табиат/биология жалб этилади, яъни биологик эволюция принципи асосида техник системалар ишлаб чиқилади. Фаолият қўриниши эҳтимоллиги бунда аналогия бўйича кўйидаги фаолиятларни ташкил қиласди:

1. Исталган техник функцияларни аниқлаш.
2. Бу функцияларни бажарадиган намуналарни (ҳайвонлар/усимликлар структуралари) аниқлаш. Биологик структуралар каталогларини топиш учун қўллаш, олинган билимларни ечилиши керак бўлган муаммога кучириш .

Кучли жиҳатлари. Объектив воқелик ўзининг чексиз куришиларida иккита объект (жонзор, нарсалар, феномен) орасида кўп сонли ўхшаш хусусиятларни (структуря, функция ва бошк.) намоён киласди. Бу далил одамларга воқеликни аналогиялар бўйича қилинган мулоҳазаларни кўчириш орқали тушуниш имконини беради. Аналогияларни шакллантириш ўқишининг кейинги давомийлигига, вазиятларни тўғри тушунишга, муаммони ечишга ижодий ёндашувга кўмаклашади. Ўқиши осонлашади, чунки маълум бўлган билимлар билан параллеллар ўтказилади. Тадқиқотлар кўрсатишича, «муаммони ечиш қобилияти олдинги ўрганилган

маълумотни аналогия сифатида қўллаш ҳақида кўрсатма берилганда сезиларли ошади».

Камчилиги. Аналогиялар муаммони ечишнинг асосий принципи сифатида қўлланилиши мумкин, аммо уларни тўғри қўллай олиш керак. Шунинг учун, аналогия хulosасидан кейин келувчи исбот кучи кўпинча шартли берилади, яъни фақат иккала обьект ўз структураси буйича үхашаш бўлса ёки бир-бiri билан шакли мос бўлса, барча мухим белгилар үхашаш яъни мос келади ва кўчиришда маълум асосий принципларга риоя қилинади, натижада аналогия буйича хulosса қилиш мумкин булади. Агар бундай бўлмаса, аналогия буйича хulosса қабул қилинмайди. Аналогиялар буйича хulosалар асосий белгилар буйича мосликдан келиб чиқиши туфайли, улар эмпирик тарзда доимий текширишни талаб қилади.

Моделлаштириш методи билан таққослаш. Иккала методларнинг мухим элементи бўлиб аналогия буйича хulosса ҳисобланади. Моделлаштирувчи методда аналогия буйича хulosса шундан келиб чиқадики, асл (нарса ёки иш ҳолати) ва қўлланилган модел (масалан, ўқитиш воситаси модели ва фикрлаш модели) барча асосий белгилар буйича мувофиқ келади.

5.4. Тармоқли режалаштириш технологияси

Ўқув мақсади

Талабаларда тармоқли режалаштириши технологияси буйича билимларни шакллантириши.

Тармоқли режалаштириш – бу ўқитишнинг комплекс методик усули бўлиб, вақтли ва мантиқий кетма-кетлик жиҳатдан лойиҳани режалаштиришни, комплекс лойиҳанинг алоҳида циклларини график кўрсатиш ёрдамида лойиҳани бошқариш ҳамда назорат қилишни яхшилайди.

Дидактик мақсади. Тармоқли режалаштиришнинг дидактик мақсади, ўз-ўзини ташкил этиш компетенциясини яхшилашдан иборат.

Методик мақсади. Тармоқли режалаштиришнинг методик мақсади, лойиҳаларни самарали (яхши қўйилган, тежамкор, узлуксиз) режалаштириш ва ўткизишдан, шунингдек, умумий муваффакиятни назорат қилишдан иборат.

Синоними. Лойиха менежменти учун инструмент ёки ёрдамчи восита.

Вариантлари: катталашган тармоқли график, қисмлашган тармоқли график, оралик мақсадларни күйіб чиқиши режаси, стандарт тармоқ графиги, алтернатив тармоқ графиги, бир неча лойихалар учун тармоқ графиги, систематик тармоқли режалаштириш.

Аналогик методлари: вазифаларни бажарып муддатлари назорат рүйхати, оператив режа, технологик жараён карточкалари, структограмма, устунлы диаграмма (Гант диаграммаси), чизиқли диаграмма (вакт ва йўлни белгиловчи диаграмма)

Асосий белгилари ва асослари. Тармоқли режалаштириш – мураккаб структурали комплекс лойихаларни самаралироқ режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш воситасидан бириди. Бирок, бу методни кичик лойиха ишларини тайёрлаш ҳамда назорат қилиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, тармоқли режалаштириш предмети бўлиб исталган турдаги лойихалар ҳисобланади. Лойихани оператив ва календар режалаштириш берилган методнинг асосий ташкил этувчилари ҳисобланади. Тармоқли график/режа – лойиханинг алоҳида компонентларини уларнинг вактини ва мантикий кетма-кетликда график тарзда кўрсатишидир.

Келиб чиқиши. Тармоқли режалаштириш методи режалаштириш бўйича франциялик мутахассислар томонидан катта лойихалар доирасида ишлаб чиқилган. Бу вактга келиб шундай фикр бўлганки, битта тармоқли режалаштириш методи орқали лойихани бошқаришнинг барча қийинчиликларини бартараф этиш мумкин. Асосий мақсад бўлиб лойиханинг минимал давомийлигини ва унинг жараёнлари кетма-кетлигининг эҳтимолли варианtlарини аниқлаш бўлди.

Қўлланилиш соҳалари. Ҳозирги вактда тармоқли режалаштириш методи комплекс лойихалар ёки катта лойихалар учун, масалан, исталган турдаги қурилиш лойихалари, машинасозлик ва саноат жиҳозларини ишлаб чиқариш, монтаж ишлари, шунингдек реклама компанияларида ҳамда илмий тадқиқот ишларида қўлланилади. Тармоқли режалаштириш методи лойихани бошқаришнинг дастурий таъминоти учун асос ҳисобланади.

Шартлари. Тармоқли режалаштириш методи бутун лойиха давомида, яъни унинг охиригача қўлланилиши мумкин. У режадаги

ва амалдаги ҳолатни таққослаш ёрдамида доимий қайтар алоқа учун хизмат қилади. Методни амалга ошириш структура ва вакт анализини тақозо этади, кейинги ёндашувлар эса ҳаражатлар анализини ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми анализини киритади. Тармоқ графитини тузиш учун турли таҳлил ишларини үтказиш шарт хисобланади.

Амалга ошириш босқичлари. Бу лойиҳани үтказиш зарур бўлган барча жараёнларнинг (иш, фаолият, ҳаракат жараёнлари) уларнинг вактдаги ва мантикий кетма-кетлиқда кўйидаги саволларга жавоб бериш тизимида амалга оширилади:

- Қандай жараёнларни (иш, фаолият, ҳаракат жараёнлари) үтказиш ва хисобга олиш керак?
- Қандай жараёнлар қай тарзда бир-бирига боғлиқ булади (олдинги, кейинги)?
- Қандай жараёнлар параллел олиб борилади?
- Алоҳида жараёнлар қанчалик узок давом этади?
- Қандай манбалар керак булади (моддий, молиявий, кадрлар)?
- Қандай мухим муддатлар белгиланиши керак?
- Критик жараёнлар, яъни вакт резервисиз жараёнлар ёки буфер вакт мавжудми?

Бу фикрларнинг натижалари сифатида жадвал кўринишида бажарилган ишлар рўйхатини тузиш мумкин:

№	Жараён номи	Олдинги жараён тартиб раками	Давомийлиги, мин
1	...	-	...
2
...

Структура ва вакт таҳлили тугашидан кейин тармоқ графиги тузилиб, унинг остида алоҳида жараёнларни уларнинг кетма-кетлиги ва боғлиқлигидаги график кўрсатиш тушунилади. Графиклар назарияси, тармоқли режалаштириш методи назарий асослар тилида: «Бириккан контурларсиз йўналтирилган, баҳоланган ва ўзаро боғланган тармоқ графиги дейилади».

Ишлар рўйхати. Графиклар назариясига қисқа қўйидаги асосий тушунчалар тушунтирилиши керак: графикни бир-бирига (чекли ёки чексиз) қирралар билан боғланган (чекли ёки чексиз) тугунлар майдори сифатида тушуниш мумкин. Йўналиш кўрсатилган қиррани стрелка сифатида тасвирилаш мумкин. Ёпилган контур остида «тугунни ўз-ўзи билан боғловчи» стрелкани

тушуниш мүмкін. Йўл/маршрут «бир стрелка охирғи тугуны бошқа стрелканинг бошланғич тугуни бұладыган стрелкалар қаторини» билдиради. Агар йўл четга чиқмаса, бунда занжир дейилади.

Тармоқли график. Тармоқли график бир-бири билан боғлиқ бұлған тугун жараёнини ва стрелка йұналишини сактайди. Тугунлар (тұғрибурчак, айлана ва бошқ.) мос жараён ҳақида маълумотни сактайди, стрелкалар жараёнлар орасидаги муносабатни ифодалайди, яъни улар жараёнлар тартиби бўйича тугунларни боғлашади.


Куйидагиларни фарқлаш тавсия этилади:

- обьектлар ва жараёнлар стрелкалар күринишида курсатилған тармоқ графиклари (критик йўл методи, критик йўл методига асосланған тармоқ графиги);
- обьектлар ва жараёнлар тугунлар күринишида курсатилған тармоқ графиклари (потенциаллар методи, потенциаллар методига асосланған тармоқ графиги);
- тугунлар воқеаларни билдирадиган тармоқ графиклари (дастурларни баҳолаш ва таҳлил методи, дастурларни баҳолаш ҳамда таҳлил методига асосланған тармоқ графиги).

Жараёнлар. Стрелкали тармоқ графиклари жараёнларни стрелкалар күринишида тасвирлайди ва курсатади. Тугунли тармоқ графиклари жараёнларни тугунлар күринишида тасвирлайди ҳамда курсатади. Воқеалар тугунлари сақлаган тармоқ графикларида воқеалар тугунлар күринишида тасвирланади ва курсатилади (воқеаларни стрелкалар күринишида курсатиш қабул қилинмаган). Стрелкалар, тугунлар ёки воқеалар кетма-кетлиги лойихадаги жараёнлар кетма-кетлигига мос келади. Деярли барча лойихаларда вактда ҳаракатлар эркинлигини, яъни критик жараёнларни топиш мүмкін. Бу вакт резерви жараённи утказиш ёки уни узайтириш учун мүмкін бўлған эркин вакт маконини беради. Барча критик жараёнларни кетма-кет тартиблаш натижада лойиханинг энг давомий йўли ҳисобланған критик йўлни беради.

**Күйидаги намуна келтирилган:
Эхтимолли тармоқ графиги**

жараён	энг барвакт бошланиш	энг барвакт туталланиш
давомийлик	энг кеч бошланиш	энг кеч туталланиш



Бирон олдинги жараёнда тартибнинг боғлиқлиги ёки муносабати қўйидаги тарзда кўрсатилиши мумкин:



Қоида: жараён А тугаши жараён В бошланиши ҳисобланади.
Бир неча олдинги жараёнларда тартиб муносабати:



Амалга ошириш қоидалари:

A, B ва C жараёнлар тугаши D бошланиши ҳисобланади.

Тармоқ графигини тузишнинг қўйидаги кейинги қоидалари бўлиши мумкин:

- ҳар бир тармоқ бошлангич ва охирги тугунга эга;
- икки тугун тўғридан-тўгри фактат битта стрелка ёрдамида боғланиши мумкин;
- стрелкалар йўналиши айланага олиб келмаслиги керак;

- тұғрибұрчакнинг чап томони алохіда жараён бошланишини ифодалайды, тұғрибұрчакнинг үнг томони алохіда жараён тугалланишини ифодалайды;
- тұғрибұрчак катталиги жараён давомийлигига дахли йүк.

Стрелка узунлиги вакт интервалига дахли йүк.

Күчли жиһатлари. Тармоқлы режалаштириш методи лойихаларни режалаштириш, бошқарыш ва назорат қилишнинг күп воситаларидан бири булиб, у шунингдек манбаларни ҳам зътиборга олади. Исталган турдаги йирик лойихаларда режалаштириш ва үтказиш жарайнини оптималлаштириш учун ҳамда лойихани сустлаштирувчи эҳтимолли критик жарайнларни топиш, режага киритиш учун (алохіда зътиборни талаб қилади) тармоқлы режалаштириш методи қўлланилиши мумкин. Тармок графигида муддатларга амал қилинмаслик ёки жарайнлар ўзгариши маълум бўлади. Лойиханинг умумий бориши олдиндан пухта ишлаб чиқилади, натижা бўлиб ишонарли календар режа ҳисобланади. Тармоқ графиклари жарайнлар орасидаги боғликларни ифодалайди, температура ўзгариши туфайли уни ўзгартириш керак эмас, яъни оператив ва календар режалаштириш алохіда үтказилади. Тармоқлы режалаштириш методи асосларини осон ва тез ўрганиш мумкин.

Камчилиги. Тармоқлы режалаштириш методини лойиха бориши олдиндан белгиланмаган тақдирда үтказиб бўлмайди. Майда лойихаларда уни қўллаш мақсадгага мувофиқ эмас, чунки методни оптимал ишлаб чиқиш катта вакт ва кучни талаб қилади. Катта лойихалар компьютер (дастурний таъминот)сиз ўтиши ҳам анча қийин. Ҳаракатларни бажариш буйича конкрет иш қадамлар ҳам тармоқ графигида курсатилмайди. Аниқланганки, тармоқ графиги режадан четга чиқишидан ҳимоя қилинмаган.

Аналогик методлар билан таққослаш.

Устунли диаграмма билан таққослаш. Устунли диаграмма остида лойиха жарайнларини вакт шкаласида горизонтал қўйилган устунлар кўринишида қўйиш ҳисобланади. Бу ёрдамчи восита алохіда жарайнларни график кўринищда кўрсатиш учун қўлланилади. Оддий устунли диаграммада жарайнлар орасидаги боғлиқлик кўрсатилмайди, шунинг учун уни лойихаларни режалаштириш учун кам қўлланилади. Устунли диаграммага нисбатан тармоқли графикда лойиха жарайнлари орасида ҳам тартибилилк, ҳам боғлиқлик ҳисобга олинган.

5.5. Муаммоли ва ижодий топшириқлар методи

Үкүв мақсади

Талабаларда муаммоли ва ижодий топшириқлар методи ҳақида тушунчаларни, унинг маҳияти ва мазмунин бўйича назарий билимларни шакллантириши.

 Бу методлар энг самарали бўлиб, асосан талаба мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирган. Мазмунни ва дидактика нуқтаи назаридан тўғри топшириқларни ишлаб чиқиш мухим аҳамиятга эга.

Бундай топшириқларнинг қўйилишига талаблар:

- тилга нисбатан ва мантиқ нуқтаи назаридан тўғрилиги;
- қизиктиришга кўмаклашувчи ва қизикиш уйготувчи;
- тушунарли, кургазмали ва манзилга (шахсга) йўналтирилганлик;
- олдинги билимларга таянувчи;
- ечими доирасини аниқловчи.

Топширикни бажариш ҳажми, бажариш тури, натижани кўрсатиш, ишлаш учун мавжуд вақт миқдори, назорат килиш ва баҳолаш шакли албаттга кўрсатилиши керак.



Муаммоли ва ижодий топшириқлар қўйилишинииг умумий тузилмаси қўйидагича:

Номланиши	Мазмуни	Самарадорлиги
Ахборот қисми	Тушунтирилган (етказилган) ахборот ва кайта ишлаш бўйича кўрсатмалар	Мўлжаллаш учун асослар
Импульсли қисм	Топширик ва вазифаларнинг қўйилиши	Мустақил харакатларга муайян талабларни кўрсатиш
Харакат ва натижаларни ўз-ўзини баҳолаш	Талабалар томонидан ўкув фанини куриб чиқиши (урганиш объекти) ва уни ўзлаштириш	Режалаштириш, бажариш ва натижаларни аниқлаш
Назорат ва баҳолаш қисми	Натижаларни хисобга олиш, назорат килиш ва баҳолаш	Хулоса



Топширикларнинг турлари

Номланиши	Тавсифи
Амалий топшириклар	<ul style="list-style-type: none"> - Олдиндан аникланган харакат жараёнларини тушуниш - Мавжуд билимларни құллаш
Назорат ва тест топшириклари	<ul style="list-style-type: none"> - Билимларни текшириш
Трансфера топшириклар	<ul style="list-style-type: none"> - Яңги контекстде маълум далиллар ва усусларни құллаш
Таҳлил килишга йұналтирилған топширик	<ul style="list-style-type: none"> - Комплекс мазмұндарни элементларға бүлиб чиқиши ва уларнинг ұзаро боғлиқтегини аниклаш
Синтез килишга топширик	<ul style="list-style-type: none"> - Элементтар, үзлаشتырылған мазмұнның иерархиясында орналасуын аниклаш
Ижодий топширик	<ul style="list-style-type: none"> - Маълум бир изходий фаолиятни амалга оширишга мұлжалланған топширик

Талабаларнинг топширикінің бажаришда дифференцияллашып реакцияларидаги ҳаракатлар

Ахборотни кабул килиб, кайта ишлаганларидан сұнг талабалардаги реакция даражасы	- Үкитувчининг тадбирлари
Тұғри карор / жавоб (ечим)	<ul style="list-style-type: none"> - Қызынтиришга күмаклашувчи сухбаттар (изохлашлар) - мазмұнан тұлдириш - топшириклар билан тұлдириш
Кисман тұғри карор / жавоб (ечим)	<ul style="list-style-type: none"> - Ұзғыркінни айтишни талаб килиш - чеклашлар орқали оддийлаштырыш - мұрақкаблік даражасини пасайтыриш орқали пасайтыриш - умумий топширикни майда, оддий топширикларға булиб чиқиши
Ишончсиз карор / жавоб (ечим) A) талабалар – тұғрилаш мүмкін	<ul style="list-style-type: none"> - Үйлаб чиқиш учун құйилған саволдаги хатони күрсатиш - қарама-қаршиликни аниклаш
B) талабалар-тұғрилаш мүмкін эмес	<ul style="list-style-type: none"> - Ечимларни беріш - Ечиш йұлларини күрсатиш
Хеч кандай ечим / жавоб йүк	<ul style="list-style-type: none"> - Вазиятни таҳлил килиш (бошланғич билимларнинг йүқтігі, касбий атамашунослықдан фойдаланысады билимларнинг камлигі, топширикнинг тушунарсиз бериліши); - Топширикни қайта ифодалаш; - Ечиш йұлларини күрсатиш билан ечиш.



Тест топшириғига мисол

«Ёруғлик микроскопияси» үзлаштиришини назорат қилиш.
Ишни бажариш учун вақт: 30 мин.

1. Микроскопнинг конструктив элементларини санаб үтинг. Ёруғлик манбаидан күзгача нурларнинг траекто-риясини чизиб, ёруғлик ахборот ташувчиси сифатида құлланилишини исботлант вә изохланг.	Микроскоп расми	6 б 5 б
2. Объект ёруғлик микроскопи оркали Караганда у ёйилган шаклда күрінади. Масалан бұлған техник сабабларини күрсатынг жаңынан түзатын имкониятларини санаб үтинг.		2 / 2 б 2 б 4 б
3. 1893 йилда проф. Август Келер микроскопда ёруғлик-нинг мақбул йұналиши қоидаларини чөп этди. Унинг тадқықотлары муаммоси нимага асосланған жаңынан түзатын имкониятларини санаб үтинг. Келер тамойилига мұвоғик ёритиш қандай үрнатилишини түшүнтириң.		21 б

5.6. Таълимнинг фаол методлари

Үңдеу мәсәддө

Талабаларни маҳсус фанларни үқитишида самарағынан қулланиладынг жаңынан түзатын имкониятларини санаб үтинг.



Күйіда таълим технологиялары (фаол методлар) турлары көлтирилген

- фаол тинглаш	- шахсий тажрибада үkiш	- ақпараттық хужум
- Аполлон техникасы/методи	- моделга үkiш	- таҳлил-синтез
- Жамоавий блокнот	- Ыйналтирувчи математикалық методи	- тарихий генетик метод
- Парламент дебатлары	- 635 методи, ассоциологикалық грамма	- тажриба
- Сұхбатлы сұров (форумда құрылғы чиқиши)	- Модерация	- саёхат
- З кадамлы интервью	- Үйнілдер	- ...
- Савол беріш саньаты	- Реферат (мағазуза)	
- Имкониятлар бозоры	- Ролли үйин	
- Гурхұмдың учун бош-		

котирма	- Вазиятли укиш	
- Импульсli реферат	- Жамоали уқитиш	
- Дедуктив ва индуктив методлар	- Үқув курси	
- Давра бўйича сұхбат/давра столи	- «Ёргуллик чакнаши» усули	- Лойиха усули

Куйидаги таълим методлари махсус фанлар мазмунини узлаштириш учун самарали ҳисобланади.

Жамоа блокноти	- ижодий метод бўлиб, бунда иштирокчилар гояларни бошқа-бошқа жойларда ва бошқа вактларда йигишлари керак. Тайёрлаш, амалга ошириш ва баҳолаш фазаси – комплекс харакат
Сұхбатли сұров	Мужокамаларни комплекс күллаш Бошлангич сұрсв – ахборот материаллари мухокамаси – кичик гурухларда ишлаш – эксперлар сұрови – якуний сұров
Уч қадамли интервью	- ҳамкорликдаги таълим - дарсда күллаш максадида талабаларнинг шахсий тажрибаларни аниклаш учун - мақсадли саволларни ва тинглаш фаолигини ўстириш Биринчи қадам: «А» иштирокчи «В» иштирокчидан интервью олади, бунда «С» иштирокчи кузатувчи сифатида мухим гапларни ёзib олади. Иккинчи қадам: «В» иштирокчи «С» иштирокчидан интервью олади бунда «А» иштирокчи кузатувчи сифатида мухим гапларни ёзib олади. Учинчи қадам: «С» иштирокчи «А» иштирокчидан интервью олади, бунда «В» иштирокчи кузатувчи сифатида мухим гапларни ёзib олади.
Имкониятлар бозори	-Ижодий кобилиятларни ривожлантиришга кўмаклашишга йўналтирилган гурух иши методи Иштирокчиларнинг катта гурухи кичик гурухларга бўлинади. A ₁ , A ₂ ва A ₃ иштирокчилар 1 кичик мавзу устида ишлайдилар, B ₁ , B ₂ ва B ₃ иштирокчилар 2 кичик мавзу устида ишлайдилар ва C ₁ , C ₂ ва C ₃ иштирокчилар 3 кичик мавзу устида ишлайдилар. - Гурухларда текширувчилар билимини ишлаб чиши; - Текширувчилар билимини вакилларга тақдимот килиш;

		<ul style="list-style-type: none"> - Гурухларни тарқатиши ва мос равища да хар бир гурухдан битта текшириувчи билан янги гурухларни тузиш; - Комплекс топширикни ечиш ва натижани таъминлаш
Гурухлар бошқотирма	учун	<ul style="list-style-type: none"> - Комплекс мавзуни ишлаб чиқиши учун гурух бўлиб ишлаш методи; - Гурухларда вазифаларни тақсимлаш; - Хар бир гурух аъзоси мавзуни ишлаб чиқишида ўз хиссасини кўшиши керак.
Импульсли реферат		<p>Сермаҳсул, баҳсли мунозараларга нисбатан тез киришиш учун, маълум мавзулар комплекси, вазиятлар ва бошқалар, шунингдек, булардан келиб чикувчи тезислар бўйича асосий берилган ва энг муҳим далилларни киска ва аниқ изоҳлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Жуда ўзига хос соҳаси билан танишиб чиқиш учун
Давра столи		<ul style="list-style-type: none"> - берилган мавзу бўйича белгиланган вактда оғзаки ахборот алмашинуви; - ҳамкорликда ишлаш усули, бунда сухбат алмашади; - барча талабаларни қизиктириши мақсадида уларни фаоллаштириш учун интилиш.
Шахсий тажрибасида ўқитиши		<ul style="list-style-type: none"> - мустакил харакати воситасида умр бўйи билим олишига ўргатишнинг қўлланиладиган таълим шакли; - бошлангич назариялар, жараёнлар, нарсалар ва ҳолатлар амалиётда текширилиб ва сўнгра таҳлил қилингандагина таълымда ютукларга эришиш мумкинлиги асосланади.
Моделли ўқитиши (шунингдек, кузатувлар орқали ўкиш, ўҳшатиш орқали ўкиш, кайта тақдим килиб ўкиш)		<ul style="list-style-type: none"> - жараёнлар, ҳолатларни ва обьектлар, намуналар ва моделлар орқали тасвирлаш ёрдамидаги ўкув жараёнларини тавсифлайди; - бунда хатти-харакатини кузатиш мумкин бўлган обьектлар ва жараёнлар намуна бўлиб хисобланади.
Йўналтирувчи матн усули		<ul style="list-style-type: none"> - амалий мағбулотларни бажарища талабаларни ёзма таянч матн ёрдамида йўналтирувчи ўқитиши усулини билдиради; - йўналтирувчи матн, одатда, йўналтирувчи саволлар, иш режаси, назорат вараги ва қўрсатмалардан ташкил топади. <p>Комплекс харакатларни амалга ошириш учун талабалар томонидан б та боскични бажариш: ахборотлаштириш-режалаштириш – карор кабул</p>

	килиш, амалга ошириш, назорат килиш-бахолаш
635 - усул	<ul style="list-style-type: none"> - муаммоларни ечиш усулларини ишлатиш учун ижодий ёндашув усули. <p>Хар бир иштирокчи бир хил үлчамдаги варақ олади – бу варақ учта устун (вертикал бүйича) ва б 6 та катор (горизонтал бүйича) дан иборат 18 та катакка бүлинади. б та иштирокчининг хар бири биринчи каторда (хар бир устунда биттгадан) З тасидан гояни ифодалаши керак – маълум вактдан сўнг хар би варақ бир вактнинг ўзида соат мили йўналишида давра бўйлаб кейинги иштирокчига узатилиди – навбатдаги иштирокчи айтилган гояни илғаб олиб уни ривожлантиришга харакат килиши керак.</p>
Ассоциограммалар	<ul style="list-style-type: none"> -когнитив усул, масалан, мавзуйи соҳани аниклаш ва визуал намойиш қилиш учун ёки режалаштириш учун қўлланилади; -ассоциациялар (уюшмалар) тамойили фикрларни эркин очиб бернишга ва аклий имкониятларидан фойдаланишга кўмаклашиши керак.
Модерация	<ul style="list-style-type: none"> - гурӯхда биргаликда ишлаш методи; - иштирокчиларнинг ижодий кобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашишга, гояларни барча учун кулаги булишига, бутун гурӯх маъкуллайдиган ва биргаликда жори килинадиган натижва ва карорни биргаликда қабул килишга йўналтирилган.
Ишchan ўйинлар	<ul style="list-style-type: none"> - Реал вазиятларни моделлаштириш ўрганиладиган рағбатлантирувчи ўйинлар; - Вазият моделига талабалардан якунида натижаси текшириладиган харакатни амалга ошириш тўғрисида карор қабул килишини талаб килувчи таълим методи.
Реферат	<ul style="list-style-type: none"> - Маълум далиллар ва гояларни узатиш; - Кўпинча тингловчилар учун ўкув материалларини етказиб бериш билан қўшилади.
Ролли ўинн	<ul style="list-style-type: none"> - Ижтимоий гурӯх иши методи; - Ҳаётдаги ҳакиқий вазиятларни моделлаштирилади.
Вазиятли таълим	<ul style="list-style-type: none"> - Уқитишини фаол методи булиб, унда талабалар ўкув вазиятларини тайёрланган материаллар асосида мустақил ўрганишга каратилган.
Жамоавий таълим	<ul style="list-style-type: none"> - Икки ёки ундан ортик ўқитувчи битта ўкув машгулоти ёки битта мавзуни биргаликда тайёрлайдилар, ўтказадилар, баҳолайдилар ва зарур ҳолларда давом эттирадилар; - Алоҳида дифференциалашган таълим доирасидаги

	турли хил ўқитиш шакларнинг қўлланилган таълим (ўқитувчи томонидан синфнинг бир кисми билан ўтказиладиган машгулот), бу вактда қолган талабалар мустакил ишлайдилар), ҳамкорликда ёки якка ишлаш).
Ўқув курси	<ul style="list-style-type: none"> - Бир неча кичик гурӯхларда мавзуни ўқитиш, шу жумладан, амалий жихатдан тез кўриб чиқадиган ўқув тадбири; - Иштирокчилар орасида тажриба алмашуви
Дойиха усули	<p>Комплекс таълим методи бўлиб, унда ўқув дастури ва ўқув режасининг юкори даражада очиқлиги кўзда тутилади, талабаларнинг карор қабул қилишларида иштирок этишлари учун ва мавзу кидириш ва ўқув мақсадини аниклашга йўналтириш учун, ички дифференциаллаш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун энг яхши имкониятларни яратиб беради.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Афзаллиги: амалий ҳаракатларни бажаришга йўналтирилган, урганишга каратилган ёки бажарилувчи ҳаракатлар, жамоавий.
Ақслий ҳужум	<ul style="list-style-type: none"> - янги ғояларни пайдо бўлишига кўмаклашувчи кидириш методи. 2 босқич: ғоялар топиш, саралаб олиш ва натижаларни баҳолаш.
Тарихий генетик метод	<ul style="list-style-type: none"> - Билимларни келиб чикишини тушуниш орқали ўрганиш.
Таҳлил - синтез	<ul style="list-style-type: none"> - Билиш учун бир бутунни булакларга ажратадиган ва сўнгра яна фикрни айириб олиш учун бирлаштирадиган табиий фанларни ўқитиш методи. - Талабаларни ишдан берилган муайян холатидан таркибий кисмлар ва уларнинг узаро боғланишларига, сўнгра ажратилган кисмларни яна бир бутунга бирлаштиришга олиб борувчи фикрлашлар.
Тажриба	<ul style="list-style-type: none"> - Тажриба орқали ўрганиш; - Тажрибани, билимларни эгаллаш учун синовларни тасдиқловчи ёки инкор қилувчи, дарс бошида «муаммоларни ечиш учун тажриба» сифатидаги дифференциаллашган дидактик-услубий ёндашув.
Саёҳат	<ul style="list-style-type: none"> - Коллеждан ташкари жойларида ўқув мақсадидаги саёҳат (тушунтиришлар билан); - маълум соҳа билан танишишга йўналтирилган таълим.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Муаммоли ва ижодий топширикларни тузишда қандай талаблар қўйилади?
2. Талабаларнинг топширикни бажаришда дифференциаллашган реакцияларидаги ҳаракатларини тушунтиринг.
3. Талабаларга топшириқнинг қўйилишида қандай талаблар қўйилади? Муаммоли ва ижодий топшириклар қўйилишининг умумий тузилмасини тушунтиринг.
4. Таълим жараёнида кўллаш мумкин бўлган фаол методларга мисоллар келтиринг ва изоҳланг.
5. Шахснинг ривожланишини саклаш ва таъминлаш учун фундаментал жараёнларнинг қайси бири қайтма алоқа орқали жараён хисобланади? Қайтма алоқасининг турларига изоҳ беринг.
6. Суҳбат ва мунозара методининг етакчи функцияларини айтинг.
7. Суҳбатнинг афзаллиги нимада?
8. Белгиланган мақсади бўйича суҳбатлар қандай гурухларга бўлинади?
9. Суҳбатни бошқариш методикаси схемасини тушунтиринг.
10. Морфологик матрица технологиясининг моҳияти, асосчиси ким ва қандай маънони билдиради? Морфологик матрицани қўллашнинг дидактик мақсадини айтинг.
11. Аналогиялар методи қайси соҳаларда қўлланилади? Аналогиялар методи қандай методик босқичларга бўлинади? Аналогиялар методининг моделлаштириш методидан фарқи нимада?
12. Тармоқли режалаштириш технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос ҳусусиятларини айтиб ўting. Тармоқли режалаштириш технологиясининг дидактик ва методик мақсади нимадан иборат?
13. Тармоқли режалаштириш технологиясининг қўлланилиш соҳаларини айтинг. Тармоқли режалаштириш технологиясининг қоидаларини санаб ўting.
14. Морфологик матрицани тузиш жараёни схемаси, матрицани амалга ошириш шартлари, босқичлари ва қўйиладиган талаблари ҳакида фикр билдиринг.
15. Аналогиялар методи қайси соҳаларда қўлланилади? Аналогиялар методи қандай методик босқичларга бўлинади? Аналогиялар методининг моделлаштириш методидан фарқи нимада?

16. Тармокли режалаштириш технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини айтиб ўтинг. Тармокли режалаштириш технологиясининг дидактик ва методик мақсади нимадан иборат?
17. Тармокли режалаштириш технологиясининг кўлланилиш соҳаларини айтинг. Тармокли режалаштириш технологиясининг қоидаларини санаб ўтинг.

Таянч иборалар

Компетенция, муаммоли вазият, парадигма, технология, методика, морфологик, матрица, компонент, латерал, фикрлаш комплекс, инновация, параметр, визуализация, аналогия, стандарт, альтернатив, структура, анализ, критик жараён, субъект, объект, тизим, шакллар.



Мустақил иш топшириклари

1. Ҳар бир талабага колледжа ўқитиладиган маҳсус фанлар бўйича биттадан мавзу берилади. Талаба шу мавзу бўйича турли таълим методларни кўллаб дарснинг технологик ишлаб чиқиши керак.



Адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. Вак Витц К. / WACKWITZ. Специальная дидактика для аграрного хозяйства. Дрезден. – 2010.
2. Олимов Қ.Т., Жалолова Д.Ф. Хорижий таълим тажрибалари. Методик кўлланма. Бухоро. – 2011. 116 б.
3. BACKERRA, Hendrik; MALORNY, Christian; Schwarz, Wolfgang: Kreativitätstechniken. Kreative Prozesse anstoßen, Innovationen fördern. Die K7. 2. Aufl., München, Wien: Carl Hanser Verlag 2002.
4. BUGDAHL, Volker: Kreatives Problemlösen im Unterricht. Frankfurt am Main: Cornelsen Scriptor 1995.
5. SCHAUDE, Götz: Kreativitäts-, Problemlösungs- und Präsentationstechniken. 3. Aufl., Eschborn: Rationalisierungskuratorium der Deutschen Wirtschaft (RKW) e.V. 1995.

- 6.SCHLICKSUPP, Helmut: Kreativ-Workshop. Ideenfindungs-Problemlösungs- und Innovationskonferenzen planen und veranstalten. Würzburg: Vogel 1993.
- 7.ANDERSON, R. John: Kognitive Psychologie. 2. Aufl., Heidelberg: Spektrum Akademischer Verlag 1996.
- 8.BÜHRDEL, Ch.; REIBETANZ, H.; TOLLE, H.: Unterrichtsmethode Metalltechnik. Berlin: VEB Verlag Technik 1988.
- 9.HILL, Bernd; NADER, Werner: Biologische Systeme, eine unerschöpfliche Innovationsquelle. In: Biologie in unserer Zeit, 30. Jg. 2000, Nr. 2.
- 10.METZIG, Werner; SCHUSTER, Martin: Lernen zu lehren. Lernstrategien wirkungsvoll einsetzen. 7. Aufl., Berlin, Heidelberg: Springer Verlag 2006.
- 11.SEEL, M. Norbert: Weltwissen und mentale Modelle. Göttingen: Hogrefe Verlag 1991.
- 12.KUHNE Volker, NOOSTEN Dirk, NOOSTEN Antje: Netzplantechnik im Berufsschulunterricht. Bautechnik, Metalltechnik, Wirtschaft, In: Die berufsbildende Schule (BbSch). Zeitschrift des Bundesverbandes der Lehrerinnen und Lehrer an beruflichen Schulen (BLBS), Nr. 54 (2002) Heft 11-12, Heckner, Wolfenbüttel, S. 347-354([на сайте: http://www.blbs.de/archiv/vzeitschrift/text-pdf/unterr11-12.pdf](http://www.blbs.de/archiv/vzeitschrift/text-pdf/unterr11-12.pdf) по состоянию на: 06.12.2007)
- 13.REICHERT, Oskar: Netzplantechnik. Grundlagen, Aufgaben und Lösungen für Studenten und Praktiker. Braunschweig, Wiesbaden: Vieweg 1994.
- 14.SCHWARZE, Jochen: Netzplantechnik. Eine Einführung in das Projektmanagement. 7. Aufl. Herne, Berlin: Verlag Neue Wirtschaft-Briefe 1994. <http://www.luk-korbmacher.de/Schule/Orga/netzplan.htm> (Stand: 06.12.2007)
- 15.SCHWARZE, Jochen: Projektmanagement mit Netzplantechnik. 8. Aufl. Herne, Berlin: Verlag Neue Wirtschafts-Briefe 2001.

VI БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҮТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ


6.1. Талабалар лойиха ишларини ташкил этиши методикаси

Ўқув маҳсади

Талабаларда лойиха ишларини ташкил этиши ва үтказиши методикаси ҳақида тушунчаларни, унинг моҳияти ҳамда мазмуну бўйича билимларни ва кўникмаларни шакллантириши.

 Касб-хунар коллежларида махсус фанлардан лойиха ишлари асосан талабалар мустақил ишлашга йўналтирилади. Лойиха иши топширикга асосан “Лойиха методи орқали” бажарилади.

«Лойиха» методи – бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки уруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йигиш, тадқикот үтказиши ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, карор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш, хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурухий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гурухининг биргалиқдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларни бошқа азиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши рак.



- Лойиҳа методи йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлиқ булиб, бу иккита усул бир-биридан куйидагича фарқланади.
- йўналтирувчи матн усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;
 - лойиҳа методи мустақил ўрганишдан ташқари эътиборни мутахассисликни эгаллашда керакли шахсий қобилияtlар ва кўникмаларни ўрганишга қаратилган;
 - лойиҳа методи хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш ҳамда ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида қўлланилади.

Лойиҳа методининг асосий мақсади шуки, топшириқни бажариш учун керакли барча билим ва кўникмалар жараён давомида ўрганилишидир.

Талабалар берилган топшириқни бажаришда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиҳа гуруҳи сифатида мустақил равишда режалаштирилишидан бошлаб амалга ошириш ва хулоса чиқаришда биргаликда ишлашади.

Ўқитувчи ўрганиш жараёнини назорат қиласи ва систематик равишида бошқаради. Лойиҳа давомида барча босқичларни қайд этиш ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти булиши учун куйидаги хужжатлар ишлатилади:

- лойиҳа (кинематик схемалар, ишчи чизмалар);
- лойиҳага тегишли топшириклар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар;
- ўкув мақсадлари ҳакида маълумотлар;
- ишлаш тартиби ва вазифаларни тақсимлаш бўйича курсатма;

- баҳолаш варағи;
- назорат баённомалари;
- асбоб ва ускуналар, үлчаш воситалари ҳамда ёрдамчи материаллар рўйхати.

Лойиха методини амалга оширишни босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

1. Маълумот йигиши.

Бу босқич учун ўқитувчи қўйидаги ҳужжат ва материалларни тайёрлаши лозим:

- лойиха (схемалар, техник чизмалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар;
- ўкув мақсадлари ҳақида маълумотлар.

Талабаларга чизма ва схемалар шаклидаги лойиха ҳамда топширик таърифи берилади. Ўқитувчи талабаларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқни таҳлил қилишга жалб этади. Талабалар мустақил равишда дарслек, ўкув қулланмалар ва тарқатма материаллар асосида маълумот йигишиади. Талабаларга техник чизмаларни беришдан мақсад, улар шу чизмалардан узларига керак бўлган қисмларни ўз ҳужжатларига кучириб олишиади. Сунгра улар лойиҳани бажаришдаги иш босқичларини тузишиади.

2. Режалаштириш.

Бу босқичда талабалар мустақил равишда иш режасини тўлдиришиади. Бу режада иш босқичлари, яъни уларнинг технологик кетма-кетлиги ва улар учун ажратилган вақт керакли жиҳозлар ва ускуналар ҳамда меҳнат хавфсизлигига оид тадбирлар ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

3. Қарор қабул қилиш.

Талабалар амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш босқичида юзага келган натижаларни мухокама қилишиади. Ҳар хил ечимлар бир-бири билан таққосланади ва энг яхши оптималь вариант танлаб олинади.

4. Амалга ошириш.

Талабалар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда бажаришиади.

Ўқитувчи иш жараёнини назорат қилиб туради ва натижаларини «Назорат» дафтарига қайд қиласиди.

Талаба ўрганиб олган билимларини янги вазиятда қўллай олади, систематик равишда ривожлантира олади. Баҳолашни ва танлашни билади ҳамда янги ижодий ечимларни топа олади.

5. Текшириш.

Талабалар ўз иш натижаларини ўзлари текширишади. Масалан, иш натижаларини сифат критерийлари асосида баҳолапши мумкин.

6. Хулоса чиқариш.

Талаба ва ўқитувчи иш жараёни ва натижаларини биргаликда таҳлил қилишади.

Лойиҳа иши, мустақил ўрганишдан ташқари, эътиборни касбни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўрганишга қаратади, хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш ҳамда ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида қўлланилади. Лойиҳа иши Европа мамлакатларида «Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим» деб аталади.

Лойиҳа асосан ўрганишга хизмат қилиши, назария билан амалиётни боғлаши, корхонада учрайдиган бирор-бир иш жараёнига алоқадор бўлиши, талабалар томонидан мустақил режалаштирила олинадиган, меҳнатни ташкил этишга ва амалга оширишга ёрдам берадиган бўлмоғи лозим.

Лойиҳа ишини таълим жараёни доирасида қўллаш учун лойиҳалар куйидагича булиши керак:

1. Аниқ чекланган топшириқни, масалан, бирор ишни режалаштиришдан бошлаб то сифатини текширишгача бўлган иш тартиби таърифи билан бирга берилиши лозим.
2. Топшириқ талабалар нуқтаи назаридан мураккаб ва улардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласидиган даражада бўлиши керак, яъни талаба муаммони ҳал қилишда мавжуд билимлардан ташқари, бошқа билим ва кўникмаларни ҳам ишлатишга мажбур бўлмоғи зарур.
3. Ўзлаштирилган билим ва кўникмалар орқали янги топшириқни режа асосида ва иложи борича мустақил бажаришга интилиш талаб қилинади.

Лойиҳа ишининг асосий мақсади шуки, топшириқни бажариш учун керакли барча билим ва кўникмалар жараён давомида ўрганилиши даркор.

Ўқитувчи ўрганиш жараёнини назорат қилиб ва мунтазам равишида бошқариб боради. Лойиҳадаги барча босқичларни қайд этиш ва лойиҳа ишини қуйидаги кетма-кетликда маълумотлар

тайёрланади. Масалан. Бұлажак махсус фан үқитувчиси “Махсус фанларни үқитиши методикасы” фани бүйіча лойиҳа ишини қуидаги тартибда бажаради:

Мавзу: Касб-хунар колледжларида үқитиладиган мавзуни үқитиши методикасы

Лойиҳани ишлаб чиқиши босқичлари

1. Мавзуга оид үкүв материалларни түплаш ва матнни шакллантириш.
2. Үкүв мақсадларини белгилаш.
3. Мавзунинг үқитиши технологияси моделини түзиш.
4. Мавзунинг технологик харитасини түзиш.
5. Мавзуга оид визуал материаллар тайёрлаш.
6. Фаол үқитиши методларини танлаш.
7. Бағолаш воситалари ва мезонларини ишлаб чиқиши.

Лойиҳа ишининг мақсади шуки, талабалар үз касби бүйіча билим ва күнікмалардан ташқари, ижтимоий ва шахсий қарашларига эга бўлишларига ёрдам бериш.

Демак, талабалар үз касб-хунарларига оид билим ва күнікмалардан ташқари, қуидаги қобилиятларга ҳам эга бўлишлари керак:

- ташаббус кўрсатиш;
- муаммоларга мунтазам тарзда ёндашиш;
- қарорларни мустақил қабул қилиш;
- мосланувчан бўлиш;
- бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- доим малакасини ошириш истагини кўрсатиш;
- биргалиқдаги мастьулиятга тайёр бўлиш.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Лойиҳа ишлари қандай ташкил этилади?
2. Лойиҳа иши мустақил ўрганишдан ташқари, эътиборни яна қандай шахсий қобилиятлар ва күнікмаларни ўрганишга қаратади?
3. Лойиҳа ишини таълим жараёни доирасида қўллаш учун лойиҳалар қандай бўлиши керак?
4. Лойиҳадаги барча босқичларни қайд этишда, лойиҳа ишига хос қандай кетма-кетликда маълумотлар тайёрланади?
5. Таълим жараёнида мутахассислар үз касб-хунарларига оид билим ва күнікмалардан ташқари, қандай қобилиятларга эга бўлишлари керак?

6.2. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан лойида ишларининг намуналари

Ўқув мақсади

Талабаларда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан лойиҳа ишларини бажарииш бўйича амалий қўнималарни ва методик компетенцияларни шаклантириши.

1. Касб-хунар коллежларида ўқитиладиган «Банк иши» фани бўйича намуна

Мавзу: Инфляция, пул ҳаракати ва инфляцияга олиб келувчи шарт- шароитлар

Режа:

1. Инфляция моҳияти ва кўринишлари.
2. Инфляцияни келтириб чиқарувчи сабаблар.
3. Талаб ва таклиф инфляцияси.

 Инфляция XVIII асрнинг ўрталарида муомалага таъминланмаган жуда кўп миқдорда пул чиқариши натижасида пул тизимидағи инқироз ҳолат асосида юзага чиққан. Инфляция (лотинча «inflation» сўзидан олинган ва шишиш, кўпчиш, кўтарилиш маъносини англатади) ўз моҳиятига асосан пулнинг қадрсизланиши, товар ва хизматларга бўлган баҳоларнинг мунтазам равишда ошиб бориши жараёнини англатади. Шуни таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси инфляция нисбатан меъёр даражасидаги пул массаси ҳолатида ҳам юзага чиқиши мумкин.

Халқаро амалиётда инфляциянинг нархларини ўсиши, яъни пулларнинг миқдори ўсиши жиҳатидан асосан уч шакли ажратилади:

1. Сокин (ползучая, умеренная) инфляция. Ушбу инфляция иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар иилига ўргача 3% дан 10% гача ошиши мумкин. Бу мамлакатларда муомаладаги пул массаси сақланиб туради ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти сақланиб туради.

2. Шиддатли (галопирующая) инфляция. Ушбу инфляция иктиносидий ривожланаётган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига ўртача 10% дан 100% гача баъзи ҳолатларда 200% гача ошиши мумкин. Бунинг натижасида муомаладаги пул массаси кўпаяди ва миллый пул бирлигининг харид қилиш қобилияти тушади. Мамлакат аҳолиси ўртасида пулнинг моддийлаштириш, яъни миллый пул бирлигини жамғариши эмас, балки олтин, кўчмас мулк ҳолатида жамғариш жараёни кучаяди.

3. Жиловланмаган (гиперинфляция) инфляция. Ушбу инфляция ҳолатида маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва курсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига 1000% дан ортиқ ёки ойига 100% дан ортиқ даражада ошади. Ушбу ҳолатда миллый иктиносидиётда инқироз юзага чиқади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва бозор бошқарувсиз фаолият кўрсатадики, нарх-наво ва иш хаки ўртасидаги фарқ ортади. Мамлакат аҳолиси қўлидаги қоғоз пулларга товарлар сотиб олади. Бу ҳолат эса муомалада товар массаси билан товар ва хизматлар билан таъминланмаган ортиқча қоғоз пулларни тулиб-тошишига олиб келади.

1. Ошкора инфляция. Талаб томонига қараган макроиктиносий тенгсизлик доимий равишда нарх-навонинг кўтарилиб бориши билан ифодаланадиган бўлса, бундай инфляция ошкора инфляция деб аталади. Ошкора инфляция бозор механизмини бузмайди: нарх-наво баъзи бозорларда кўтарилиши билан бир вактда бошқа бозорларда пасайиб бориши мумкин. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, бозор механизмлари ўз таъсирини давом эттириб, миллый иктиносидиётга баҳолар тўғрисидаги маълумотларни ошкора етказиб туради, инвестицияларни илгари суриб, ишлаб чиқарашнинг кенгайиши билан таклифни рағбатлтириб боради.

2. Яширин инфляция. Инфляциянинг ушбу тури шундай қуринишда бўладикн, бундай ҳолатда баъзи бир истеъмол маҳсулотларига нарх-наво маъмурий тарзда давлат томонидан ўрнатилади ва тартибга солиб турилади. Бундан асосий максад, давлат томонидан баъзи маҳсулотларга нарх-навони «Ижтимоий паст» даражада белгилайди. Яширин инфляция шароитида нарх-навонинг кескин ўсиши кузатилмаслиги мумкин. Лекин миллый пул бирлигининг қадрсизланиши, маҳсулотлар аҳоли пул

маблагларига керакли маҳсулотларни ҳарид қилиб бўлмаслиги ҳолатлари пайдо бўлади.

Хорижий ва миллый иқтисодий назариянинг қарашларига асосан миллый иқтисодиётнинг балансини бузилиши ва унинг оқибатида инфляциянинг юзага чиқишининг қўйидаги тұртта омиллари мавжуд:

- қофоз пулларни эмиссия қилишда ва ташқи савдода давлатнинг мутлоқ монополияси;
- ҳозирги замон давлат функцияларини бажариш учун давлат харажатларининг ортиши;
- касаба уюшмалари томонидан бюджет муассасалари ишчи-ходимларининг иш ҳақларини ошириш бўйича фаолияти;
- иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар курсатиш соҳасида айрим хўжалик субъектларининг монополия (олигополия) ҳолатининг мавжудлиги.

Таклиф инфляциясида ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши натижасида маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва курсатиладиган хизматларга бўлган нарх-навонинг ўсиши юзага чиқади. Ушбу инфляция турида монопол ҳолатдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқаришда асосий воситаларни модернизация қилиш билан бир вақтда улардан тўлик фойдаланмаслик натижасида харажатлар ортади. Бунинг натижасида барча ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан кам чиқарилган маҳсулотларнинг нарх-навосининг ўсиши амалга оширилади.

Талаб инфляцияси. Инфляциянинг ушбу тури мамлакат аҳолиси ва хўжалик субъектларининг даромадлари ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ҳамда курсатилган хизматлар микдоридан тез ўсади. Одатда, талаб инфляция аҳолининг тўлик иш билан таъминланган ҳолатда юзага чиқади. Аҳолининг даромадларининг тез суръатда ўсиши натижасида маҳсулотларга, бажарилган ишлар ва курсатиладиган хизматлари бўлган нарх-наво ошади. Бундай ҳолатда талабнинг ҳар қандай ўсиши нарх-навонинг ўсишига олиб келади.

Харажатлар инфляцияси. Инфляциянинг ушбу тури хом-ашё ва энергетик ресурсларга бўлган харажатларнинг ўсиши туфайли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва бажариладиган ишларнинг нарх-навосини ўсиши натижасида юзага чиқади.

Кредит инфляцияси. Ушбу инфляция тури мамлакат марказий, баъзи мамлакатларда миллый банклари томонидан олиб борила-

диган кредит экспансияси натижасида юзага чиқади. Марказий банк тижорат бинклари учун. Юқори даражадаги қайта молиялаштириш ставкасининг ўрнатилиши натижасида хўжалик субъектларига бериладиган кредит кимматлашади. Хўжалик субъектлари олингандан кредит ва у бўйича фоизларни ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулот таннархига киритади ҳамда ушбу ҳолат маҳсулотлар нарх-навосини кўтарилишига сабаб бўлади.

Импорт билан боғлиқ инфляция. Инфляциянинг ушбу тури аник олингандан мамлакатга ташки омиллар асосида юзага чиқади. Ушбу ҳолатда импорт қилинадиган маҳсулотларга бўлган нарх-навонинг кўтарилиши натижасида баъзи маҳсулотларга бўлган нарх-наволар занжир тарзида кўтарилиши мумкин.

Кутилаётган инфляция. Инфляциянинг ушбу турида давлат томонидан олиб борилаётган пул-кредит ва бюджет сиёсати натижасида жорий йил учун инфляциянинг таҳлилий даражаси белгиланади ва у даражага тартибга солиб турилади.



Таянч иборалар

Инфляция, таклиф инфляциясида, талаб инфляцияси, харажатлар инфляцияси, кредит инфляцияси, импорт билан боғлиқ инфляция, кутилаётган инфляция, антиинфляцион сиёсати, нуллификация усули, ревальвация, девальвация, деноминация.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Е. Эгамбердиев Микроиктисодиёт. Тошкент, 2005-йил.
2. С.С. Фуломов, Р.Х. Алимов, Б.Т. Салимов, Б.Й. Ходиев, А.И. Ишназаров Микроиктисодиёт Тошкент 2001-йил.
3. Намазова Н. Ж. Рустамов Н. И. Микроиктисод маъруза матн Бухоро 2007 йил. М.Шарифхўжаев, Й. Абдуллаев «Менежмент» 100 саволга 100 жавоб. Тошкент - «Мехнат» - 2000. 31-40-бетлар.
4. Интернет сайтилар: www.Google.uz; www.Ziyo.net; www.Ref.uz. Узбекистон Республикаси хукумат портали.

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Дарс вакти - 2 соат	Талабалар сони: 30 та.
Ўқув машғулотининг түри:	Маъруза.
Маъруза машғулотининг режаси:	<ol style="list-style-type: none"> 1.Инфляция моҳияти ва кўринишлари 2.Инфляцияни келтириб чиқарувчи сабаблар. 3.Талаб ва таклиф инфляцияси
Ўқув машғулотининг мақсади:	
<p>Таълими: Талабаларда инфляция моҳияти ва кўринишлари, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабаблар, талаб ва таклиф инфляцияси бўйича назарий билимларни шакллантириш.</p> <p>Тарбиявий: Талабаларни бирдамликка, ахилликка ва маънавият руҳида тарбиялаш, одобиликка, бир-бирини ҳурмат килишни, доимо бошқаларга эътиборда булишни ўргатиш.</p> <p>Ривожлантирувчи: Фанга қизикишни уйғотиш, уларни дунёкарашини кенгайтириш, эркин ва мустакил фикрлаш кобилиятларини ривожлантириш.</p>	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаoliyatiининг натижалари: Талаба: <ul style="list-style-type: none"> • Инфляция моҳиятини тушунтириш; • Инфляция кўринишларини санаб бериш; • Инфляцияни келтириб чиқарувчи сабабларни айтиш; • Инфляцияни ўрганиш зарурати ва вазифаларини ёритиш; • Талаб ва таклиф инфляциясини изоҳлаб, тасаввур ҳосил килиш.
Ўқитиш методлари	Муаммоли вазифалар, ақлий ҳужум, кластер, тест, савол-жавоб.
Ўқитиш воситалари	Дарслик, маъруза матни, таркатма материаллар, доска, бур, слайдлар.
Ўқитиш шакли	Гурухий, кичик гурухларда
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, тест, рейтинг бали асосида баҳолаш.

Машгулотнинг технологик ҳаритаси

Дарс	Ахраптилган вакт	Машгулот мазмуни	Ўқитиш методлари
Ташкилий	5 дакика	Саломлашип, синф тозалиги, гурух давомати ва дарсга тайёрлигини текшириш.	
Мотивация	10 дакика	Олдинги билимларни мустахкамлаш, қайта хотирлашга йўналтирилган саволлар бериш ва аникликлар киритиш. Янги мавзуга боғлиқлик ўрнатиш.	Ақлий хужум
Янги мавзу бәйни	30 дакика	Инфляция мөҳияти ва кўринишлари, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабаблар, талаб ва таклиф инфляцияси хакида билимларни узатиш.	Муаммоли маъруза
Мустахкамлаш: Кичик гурухларда ишлаш	30 дакика	Мунозара методини кўллаб гурӯхларга савол берилади. Кластер техникаси орқали мавзу мөҳиятини англайди. Савол-жавоб. Тестлар билан янги мавзуни мустахкамлаш. Хуло-салаш ва баҳолаш.	Кластер, мунозара
Якуний кисм	5 дакика	Уйга вазифа. Утилган мавзу бўйича тестлар тушиб келиш.	Мустақил иш

Дарс жараёнида қўлланиладиган методлар

Муаммоли вазифалар методи

Муаммоли вазифалар методи - талабаларга муаммоли вазифаларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишига асосланган методдир. У аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборатdir. Бу методнинг етакчи функцияларига куйидагилар киради:

Үргатувчи: билимларни долзарблаштиришга асосланган;

Ривожлантирувчи: таълим олувчиларга таҳлилий тафаккурни, алоҳида далиллар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишни шакллантириш;

Тарбияловчи: коммуникатив кўнигмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар методи таълим олувчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга асосланган: илмий тушунчаларни, амалий кўнигма ва малакаларни шакллантириш асосида у ёки бошқа материалларни чукур мантикий таҳлил қилишга асосланган.


Муаммоли вазифа ҳаётдан олинган далилларни, маъруза ва вазиятни ўрганишдан, алоҳида инсонлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг манфаатларини кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

Муаммоли вазифалар методининг афзалликлари ва камчиликлари:

- Муаммони ечишда изланувчанлик;
- Асосий тушунчаларнинг хотирада қолиши;
- Муаммоларни тўлиқ англатилиши;
- Мавзуни ёритишда муаммоларнинг боғлиқлиги.
- Вақт кўп сарфланиши;
- Ўрганилаётган муаммодан бошқа ҳолатларга эътиборсизлик;
- Элементар тушунчалар изоҳланмаслиги;
- Уятчан талабалар четда қолиб кетиши.

«Кластер» методи

«Кластер» методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар, фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этди. «Кластер» методи аниқ обьектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлик равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чукур ҳамда пухта ўзлаштирилганига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қиласи.



Фаоллаштириш учун саволлар

1. Инфляция нима ва инфляциянинг пайдо бўлиш сабабларини тушунтиринг.
2. Инфляциянинг турларини сананг ва ҳар бирiga изоҳ беринг.
3. Баҳолар индексини тушунтиринг.
4. Дефляция ва дезинфляция ҳақида маълумот беринг.
5. Филипс эгри чизигини тушунтиринг.

Тестлар

1. Инфляция сузининг маъноси нима?

- A) Кўтарилиш.
- Б) Сакраш, кўчиш.
- С) Тўғри жавоб А ва Б

2. Муомалада пулнинг ортиб кетишига олиб келади.

- А) Ишсизлик
- Б) Инфляция
- С) Тўғри жавоб йўқ

3. Нуллификация усули қандай бўлади?

- А) бунда, эски, қадрсизланган пул бирликларидан батамом воз кечилади ва муомалага янги пул бирликлари киритилади

Б) бунда, эски пул бирликларидан ҳар доим фойдаланилади.
С) бунда, эски ва янги пул бирликларидан бир хил фойдаланиб борилади.

4. Давлат томонидав расмий равишда миллий валюта курсининг пасайтирилиши булиб, масалан, 1доллар=1000 сўмга тенг бўлса, 1доллар=1200 сўмга тенглаштирилиши қайси усулда амалга оширилади?

- А)Девальвация усулида
Б)Нуллификация усулида
С)Деноминация усулида

5. Деноминация усули қандай амалга оширилади?

А)баҳолар масштабини йириклиштириш, яъни пул бирлигидаги «0»ларни кисқартириш булиб, 1000:1; 100:1 нисбатда пул бирлигига алмаштирилади

Б)бунда, эски, қадрсизланган пул бирликларидан батамом воз кечилади ва муомалага янги пул бирликлари киритилади

С)Давлат томонидан расмий равишда миллий валюта курсининг пасайтирилиши булиб, масалан, 1доллар=1000 сўмга тенг бўлса, 1доллар=1200 сўмга тенглаштирилиши қайси усулда амалга оширилади

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА КУРСАТКИЧЛАРИ

Баҳолаш материаллари	1	2	3	4	5	Баллар йигиндиси
1. Назорат саволлари	5	5	5	5	5	25
2. Тестлар	5	5	5	5	5	25
3. Мустакил топшириклар	10	10	10	10	10	50
Жами:	20	20	20	20	20	100

2. Касб-хунар колледжларида ўқитиладиган «Дон захираларининг зааркунандалари» фани бўйича намуна

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-60 нафар
Ўқув машғулотининг түри	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 3. Дондаги аралашмалар тавсифи. 4. Захарли аралашмалар тавсифи. 5. Дондаги ҳашаротлар тавсифи.
Ўқув машғулотининг мақсади:	
<p>Таълимий: Доннинг ифлослиги, доннинг ҳашаротлар билан заарланиши тўғрисида талабаларда назарий билимларни хамда тўлик тасаввурни шакллантириш.</p> <p>Тарбиявий: Талабаларда ахилликка, маънавият руҳида тарбиялаш, одоблик-ка, бир-бирини хурмат қилишни, доимо бошқаларга эътиборда булишини ўргатиш.</p> <p>Ривожлантируучи: фанга кизиқишини ўйғотиш, уларни дунёкарашини кенгайтириш, эркин ва мустакил фикрлашга, қобилиятларини ривожлантириш.</p>	
Педагогик вазифалар:	<p>Ўқув фаолиятишининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабаларни дондаги аралашмалар тавсифи билан таништириш; - талабаларга ҳар бир дарсга фаол катнашиши тўғрисида маълумотларни тақдим этиш; -талабаларга заҳарли аралашмалар тавсифи бўйича назарий билимларни тақдим этиш; -таълим жараёнининг боришида талабалар олдига кўйиладиган ўқув ва меҳнат топширикларини изчилик билан мураккаблаштириб бориш; - талабаларнинг аклий имкониятлари ва жисмоний кучларини шакллантириш; - дондаги ҳашаротлар тавсифи билан таништириш; -таълим мазмунини ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёни ривожланниши билан узвий боғланган ҳолда тасаввурни шакллананади.
Ўқитшик методлари	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш,

	«Ақлий хужум» методи, Б.Б.Б. техникасы, «Каскад» техникасы
Үқитши воситалари ва методлари	Маърузалар матни, проектор, таркатма материаллар, слайдлар.
Үқитши шакли	Жамоа, кичик гурухларда ишлаш.
Үқитши шарт-шароити	Замонавий дидактик воситалар билан жихозланган аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик ҳаритаси

Боскич-лар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-боскич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўкув машғулотидан кутилаётган натижалар майум қилинади.</p>	<p>1.1. Эшигади, ёзib олади.</p>
2-боскич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади (1-илова). Кутилаётган ўкув натижаларини эслатади.</p> <p>2.2. Гурухда ишлаш коидаси билан танишидири (2-илова). Баҳолаш мезонларини хам намойиш киласди.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўкув материаллари (маъруза матни, ўкув кўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади.</p> <p>2.4. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади (3-11 иловалар). Захарли арапашма, микозалар, каттиқ қоракуя, чанг қоракуя, нематодлар, заҳарли ўсимликлар, алколойдлар, споринья, фузариоз, омбор ҳашаротлари, заарланиш даражаси, тош каналар тушунчаларини шархлайди.</p> <p>2.5. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор килишни ва ёзib олишларини таъкидлайди.</p> <p>2.6. «Ақлий хужум» методини кўллаб, мавзу юзасидан фаоллаштирувчи саволларни ўргага ташлайди (12-илова).</p> <p>2.7. Б.Б.Б. техникасидан фойдаланиб, талабалар янги мавзу юзасидан кай</p>	<p>2.1. Эшигади. Навбат билан бир-бирини тақоррламай атамаларни айтади. Уйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тутри жавобни эшигади.</p> <p>2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама киласди. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзib олади.</p> <p>2.3. Эслаб колади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қиласди.</p> <p>Таърифни ёзib олади, мисоллар келтириади.</p>

	<p>даражада маълумотга эга бўлганлигини текширади (13-илова).</p> <p>2.8. Талабаларни кичик гурухларга бўлиб, «Каскад» техникаси асосида гурухларга саволларни беради (14-илова).</p> <p>2.9. Мавзуз юзасидан тестлар ечишини таклиф этади (15-илова).</p> <p>Шундан сунг, талабалар кичик гурухларида бажарилган ишлар ва тестларга жавоблар келтирилган баҳолаш мезонларинга асосланган ҳолда баҳоланади (16-илова).</p> <p>2.10. Талабалар жавобини шарҳ-лайди, хуносаларга эътибор беради, аниклик киритади.</p> <p>Гурухлар фаолиятига умумий балл беради.</p>	
3-боскич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Мавзуга якун ясади ва талабалар эътиборини асосий масалаларга каратади. Фасол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш сифатида янги мавзуз юзасидан материаллар туплайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниклаштиради.</p> <p>3.2. Топширикни ёзib олади.</p>

1-илова

«Блиц-сўров» усули талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини түгри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини жалаштира олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу усул орқали талабаларга таржатилган қоғозларда курсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гурухларда ўз фикрини бошкаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида колиш, бошқалар билан ҳамфир бўла олиш каби кўнікмаларни шакллантириш.

Фасоллаштирувчи саволлар

- Дон ифлослиги дегандо нимани тушунасиз?
- Дондаги аралашмаларга қайси фракциялар киритилган?

- Кераксиз ва донли аралашма орасидаги фарқ нима?

2-илова

Гурух билан ишлаш қоидалари

Гурух аъзоларининг ҳар бири

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга кутиламиз» койласини яхши билишлари лозим.

Визуал материаллар




3-илова

**Захирли аралашмалар - келиб чикишига
кўра дон массасидаги замкорли аралашмалар
куйидаги гурухга киритилган:**


1. Замбуруҳ-паразитлар (микозалар), (текин-хур замбурутлар) - головня ва спориня еки коракун деб аталади.
2. Хайвонлар паразити-нематодлар.
3. Бегона ўсимликлари мистаг (плевел опьяняющий), какра (горчак ползучий), софлора лисохвостная, афсонак (термопенс линцентний), везель разноцветний, туккорин, хазаранг (гелнотроп опухленноплодный), кампирчопон (трихоеесма седая).

4-илова



Бүгдойдагы жатык коракуяның ривожланыш цикли.
 а-кораку халтачалари бұлған бөшок;
 б-кораку копчаси;
 в-юзасыда кораку споралари бұлған бүтдей дони;
 г-дан юзасыда үсәеттан споралар;
 д-кораку споралари (микроскоп остида).

5-илова




Бүгдойдагы чаңг қоракуяның ривожланыш цикли.
 а-коракуяспоралари билан копланған бөшок үки;
 б-споралар жойлашған, гуллаёттан бүгдой бөшоги;
 в-дан шакланадиган гул түгүн-часида үсәеттан спора;
 г-ичіда кораку замбуруғлари ри-вожланадыттан дон,
 д-дон тұқималаридагы замбуруғлар;
 е-кораку билан заараланған үсәет-дан бүгдей дони;
 ж-кораку замбуруғчаси.

6-илова



а-зааралыктан жаздар бөшоки;
 б-шохчалар.

7-нлова




а – заарланган дон.
б – бүгдөй нематодлардан иборат катлам.
в – нематодлар.

8-нлова




Захярлы ўсмилниклар.
а-вазель разноцветный: 1-мева; 2-дуккак хисми; 3-уруг; 6-кампирчопон; 1-мева; 2-енгок; 3-кара; 4-маскү меваси; 5-софия толстоплодий; 6-афсанак; 7-туккорин уруғи.

9-илова



10-илова



11-илова



Нұхатжұрак.

а-құнғыз, б-ларва, в-гүмбәз, г-дөйнің кеңінде личинка, д-сүнгі
чіккандан сұтта на иншати нұхат күрнеші.

12-илова

Ақлий ҳужум методи иложи борича күпроқ ижодий фикрларни юзага келтиришdir. Исталған фикрлар қабул килинади. Ығилған фикрлардан қай бирини келгусида ишлатишни бутун гурух ҳал қилади. Үкув машғулотни «Ақлий ҳужум» методини күллаб үтишнинг қоидалари күйидагилар:

- Үзаро баҳолаш ва танқидга ўрин йүк.
- Таклиф этувчи ғоялар фантастик ва гаройиб бұлса, ҳам уларни баҳолашдан сақланғ хамманинг фикр билдиришига рухсат этилади.
- Танқид құлманғ барча билдирилувчи фикрлар тенг қимматли.
- Сүзға чиққан кишининг гапини бұлманг!
- Эътиrozлардан сақланғ!
- Қанча күп фикр айтиса, шунча яхши янги ва қимматли фикр пайдо булиши әхтимоли күпроқ.
- Фикрлар тақрорланса хафа бұлманг ва уялтиранг!
- Тасаввур килишіга рухсат беринг!

Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланыб саволлар берилади:

- Заһарлы аралашма қандай гурухларға ажратылған?

- Дон партиясининг омбор ҳашаротлари билан заарланганлиги деганда нимани тушунасиз?
- Заарланиш даражасига таъриф беринг?
- Очиқ ва яширин заарланишнинг фаркини тушунтириңг.
- Каналарга таъриф беринг?
- Кана турлари ва улар келтирадиган заарлар ҳақида гапириб беринг.
- Доннинг ҳашаротлар билан заарланганлигини аниклашнинг қандай усуллари мавжуд?

13-илова

Б.Б. методини кўллаб ўқитувчи мавзу бўйича асосий тушунчалар ва иборалар рўйхатини кодоскопга ўхшаш бирор техник восита ёрдамида талабаларга тақдим этади. Талабалар ўзлари биладиган ва билмайдиган тушунчалар ва иборалар билан намунадан жадвални тўлдирадилар. Рўйхатга кирмаган, бироқ дарс жараёнида янгидан пайдо бўлган талаба учун нотаниш тушунча ва иборалар ҳам жадвалнинг иккинчи устунига қўшимча равишда қайд этилиб борилади. Талабанинг асосий дикқат эътибори жадвалнинг иккинчи устунидаги билимларни эгаллашга қаратиласди. Талаба дарсни дикқат билан тинглаб жадвалнинг иккинчи устунидаги тушунча ва ибораларни билиб ва ёзиб олади ҳамда ўзлаштирган савол тўғрисидаги учинчи устунга «+» белги кўяди, бошқалари бўш туради. Агар дарс жараёнида иккинчи устундаги айрим тушунча ва иборалар ўрганилмасдан қолиб кетса, улар ўқитувчидан сўраб ёки мустақил равишда ўрганиб олинади. Бу усул талабада билимларни ўзлаштириш бўйича ўз-ўзини назорат қилиш, дарсдаёқ тегишли маълумотларни эгаллаб олишга интилиш, ахборот ресурслари устида мустақил ишлаш кўнкимларини шакллантиради.

Б.Б. методи асосида тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан «+», Билмайман «-».	Билдим «+», Била олмадим «-».
1	Минерал аралашма		
2	Ёввойи ўсимликлар уруғи.		
3	Захарли аралашма		
4	Етилмаган донлар		
5	Микозалар. Головня		
6	Чант қоракуя.		
7	Споринья		
8	Рожок		

9	Фузариоз		
10	Афсонак		
11	Түя корин, хазоранг		
12	Кампирчопон		
13	Тошканалар (клещи)		
14	Узунтумшук		
15	Нұхатхұрак		
16	Капалаклар		


14-илова

«Каскад» техникаси

1-кічиқ гурұх

Ушбу технологияға ойнан тизимини ишлаб чиқишига күмак беради:

Асосий мақсад: аниқ ва ижодий фикрлар қобиляттың фаоллаштырып.




Топшырылар

«Каскад»-техникаси асосида «Асосий омбор ҳашаротлари» ни аниклаб, шархлаб беринг.

2-кічиқ гурұх

Асосий мақсад: аниқ ва ижодий фикрлар қобиляттың фаоллаштырып.




Топшириклар

«Каскад»-техникаси асосида «Захарлы аралашмалар»ни аниклаб, шархлаб беринг.

3-кичик гурух

Асосий мақсад: инак ва исходий фикрлар қобиляктини фаволланытираш.



Топшириклар

«Каскад»-техникаси асосида «Захарлы үсімліктер»ни аниклаб, шархлаб беринг.

15-нұрова

Тестлар:

1. Зааралы аралашмалар қаторини күрсатынг:

- А) микозалар, паразит замбуруғлар
- Б) нематодлар, гелимотроклар
- В) горчак, термопсис
- Г) барчаси тұғри.

2. Дүккәнли дон экинлари қаторини топинг?

- А) нұхат, ловия, мош, соя
- Б) буғдой, шоли, арпа, соя
- В) жавдар, сули, арпа, шоли
- Г) нұхат, мош, буғдой, тарик

3. Захарлы аралашмаларға қуйидагилардан қайси бири киради?

- А) маданий үсімлік уруғи
- Б) тупрек, темир
- В) мастак
- Г) овсюг

4. Бұғдой учун мұхим сифат күрсаткыч қайси?

- А)ранг, ҳид, тәъм, намлик, ифлослик ва заараркунандалар билан заараланғанлиги
- Б)клейковина, күлдорлик, гичирлаш
- В)ранг, ҳид, клейковина, оғирлик, натура
- Г)униб чиқиши, сочилювчанлик

5. Күлдорлик күрсаткычи доннинг қайси қисміда күп?

- А) мева қобиги, муртак
- Б)уруғ қобиги, эндосперм
- В)алейрон қатлами ва қобикда
- Г)мева ва уруғ қобиги

6. Доннинг алейрон қатлами қайси моддаларга бой?

- А)оқсил ва пентозалар
- Б)қанд ва клетчатка
- В)углевод ва клетчатка
- Г)қанд ва мой

7. Бұғдой донида оқсил моддасининг күп бўлиши қандай омилларга боғлиқ?

- А)тупрок-иклем шароитига, дон навига, ўғитларга
- Б)об-хавога, агротехник ишлов беришга, сувга
- В)ёғингарчиликка, корга, сувга, кул моддасига
- Г)икклим шароитига

8. Картошка касаллигини қузгатувчи микроорганизм иомини күрсатинг:

- А)бактериялар
- Б)патогенлар
- В)замбуруғлар
- Г)фитопатогенлар

9. Заарарлы аралашмалар қаторини күрсатинг:

- А) микозалар, паразит замбуруғлар
- Б) нематодлар, гелимотреклар
- В) горчак, термопсис
- Г)барчаси тұгри.

10. Бегона үтларға қарши қандай чоралар күрілади?

- А) алмашлаб экишни тұғри ташкил қилиш.
- Б) агротехник тадбирларни вактида амалға ошириш.
- В)бегона үтлардан тозалаш түрли замонавий гербицидлардан фойдаланиш.
- Г)барчаси тұгри.

**Талабаларни бажарилган топширик юзасидан жавобларини
баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)**

16-илова

Гурӯҳ	1 топширик	2 топширик	3 топширик (хар бир савол 0,2 балл)			Баллар йигинди и
	(1,0)	(1,4)	1-савол	2-савол	3-савол	
1						
2						
3						

 **Таянч иборалар**

Лойиҳа, таълим методи, маҳсус фан, муаммоли вазият, ўқитиш технологик ҳарита топширик ўқув мақсади, баҳолаш мезонлари, ўқитиш шакли, кобилият.



Мустақил иш топшириклари

Ҳар бир талабага кичик-кичик мавзуулар лойиҳа топшириги берилади. Намуна бўйича лойиҳа ишларини бажариб тақдимот тайёрлашлари лозим.



Адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. К.ВАКВИТЦ. «Махсус дидактика» Дрезден-Тошкент- 2010.
2. Олимов Қ.Т., Сайдиахмедова М.С., Жалолова Д.Ф., Бозорова М.Қ., Болтаева М.Л., Алимов А.А.. Педагогик технологиялар. Ўқув кўлланма. Т.-2012. -300 б.
3. Қ.Т.Олимов, Л.П.Узоқова ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар колледжлари ўқитувчилари учун методик кўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
4. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси Тошкент: УМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
5. Батышев С.Я.. Профессиональная педагогика. «Профессиональное образование». М.: 1997.

- 4. Бұғдой учун мұхим сифат күрсаткич қайси?**
- А)ранг, хид, таъм, намлик, ифлослик ва зааркунандалар билан заарланғанлиги
Б)клейковина, кулдорлик, гичирлаш
В)ранг, хид, клейковина, оғирлик, натура
Г)униб чиқиши, сочиувчанлик
- 5. Кулдорлик күрсаткичи доннинг қайси қисміда күп?**
- А) мева қобиги, муртак
Б)уруғ қобиги, эндосперм
В)алейрон қатлами ва қобиқда
Г)мева ва уруғ қобиги
- 6. Доннинг алейрон қатлами қайси моддаларга бой?**
- А)оқсил ва пентозалар
Б)қанд ва клетчатка
В)углевод ва клетчатка
Г)қанд ва мой
- 7. Бұғдой донида оқсил моддасининг күп булиши қандай омилларга боғлиқ?**
- А)тупрек-иклем шароитига, дон навига, угитларга
Б)об-ҳавога, агротехник ишлов беришга, сувга
В)ёғингарчиликка, қорға, сувга, кул моддасига
Г)икlim шароитига
- 8. Картошка касаллигини құзғатувчи микроорганизм номини күрсатынг:**
- А)бактериялар
Б)патогенлар
В)замбуруғлар
Г)фитопатогенлар
- 9. Заарлы арапашмалар қаторини күрсатынг:**
- А) микозалар, паразит замбуруғлар
Б) нематодлар, гелимотроклар
В) горчак, термопсис
Г)барчаси тұгри.
- 10. Бегона үтларға қарши қандай чоралар күрилади?**
- А) алмашлаб екишни тұғыр ташкил қилиш.
Б) агротехник тәдбирларни вактида амалға ошириш.
В)бегона үтлардан тозалаш түрли замонавий гербицидлардан фойдаланиш.
Г)барчаси тұгри.

Талабаларни бажарилган топшириқ юзасидан жавобларини баҳолаш мезонлари ва күрсаткичлари (балл)

16-илова

Гурук	1 топширик	2 топширик	3 топширик (хар бир савол 0,2 балл)			Баллар йингиндис и
	(1,0)	(1,4)	1-савол	2-савол	3-савол	
1						
2						
3						

 **Таянч иборалар**

Лойиха, таълим методи, маҳсус фан, муаммоли вазият, ўқитиш технологик ҳарита топширик ўкув мақсади, баҳолаш мезонлари, ўқитиш шакли, кобилият.



Мустақил иш топшириклари

Хар бир талабага кичик-кичик мавзулар лойиха топшириғи берилади. Намуна бўйича лойиха ишларини бажариб тақдимот тайёрлашлари лозим.



Алабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. К.ВАКВИТЦ. «Махсус дидактика» Дрезден-Тошкент- 2010.
2. Олимов Қ.Т., Сайдахмедова М.С., Жалолова Д.Ф., Бозорова М.Қ., Болтаева М.Л., Алимов А.А.. Педагогик технологиялар. Ўқув кўлланма. Т.-2012. -300 б.
3. Қ.Т.Олимов, Л.П.Узоқова ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар колледжлари ўқитувчилари учун методик кўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
4. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
5. Батышев С.Я.. Профессиональная педагогика. «Профессиональная образование». М.: 1997.

6. Ulrich Kline. Projekt – und tron sferorientierte Ausbildung – PETRA (Лойихаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятга қуллашга қаратилған таълим). Printed in Germany.
7. Frank Vengkefer, Berufische Bildung und Consulting GmbH, («Касбий педагогика» маҳсус соҳасининг муҳим масалалар асосида Франк Венгкефернинг концепцияси), D-13189 Berlin, 2002.

VII БОБ. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

7.1. Билим ва кўникмаларни баҳолашнинг аҳамияти

Ўқув мақсади

*Талабаларда билим ва кўникмаларни баҳо-
лашнинг аҳамияти, унинг моҳияти ва мазму-
ни бўйича назарий билимларни шакланти-
риш.*

**Баҳолаш-таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақ-
садларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезон-
лар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан
иборат жараёндир.**

Баҳолаш натижасида нафақат таълим оловчининг, балки
таълим берувчининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув
жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари,
режалари, таълим жараёнини ташкил этиш сифатида ҳам баҳо-
берилади.

Таълим дастурининг кисм булаклари бўйича мунтазам баҳолаб
бориш охир-оқибат аниқ ва адолатли баҳоланишнинг шакл-
ланишига олиб келади. Кичик бўлимлар бўйича баҳолаш, жамлаш
ва умумлаштириш якуний баҳолашнинг аниқ бўлишига ёрдам
беради. Таълим оловчини мунтазам равишда ўз натижалари
тұғрисида хабардор қилиб туриш, унинг мақсад сари интилиши ва
истакларини рүёбга чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади. Таълим
бериш давомидаги назорат натижаларини ўлчаб бориш билим,
кўникма ва малакаларни баҳолаш талабанинг узлигини англаши
учун бир имкониятдир.

**Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳо-
лашнинг моҳияти ҳақида қўйидаги хуносаларни айтиш мумкин:**

Нима учун баҳолаш керак?

- ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- кейинги босқичга ўтишдан олдин, аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;

- талабаларнинг қизиқишиларини аниқлаш учун;
- ютук ва камчиликларни аниқлаш учун;
- уқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;
- ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- таълим олувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;
- ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш учун.

Нимани баҳолаш керак?

- Назарий билимларни;
- амалий кўнкма ва малакаларни;
- хулқ-автор ва шахсий фазилатларни.

Қачон баҳолаш керак?

- Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш);
- таълим жараёни давомида (жорий ва оралиқ баҳолаш);
- таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

Баҳолашнинг асосий ҳусусиятлари;

- таълим мақсадига йуналтирилганлик;
- мунтазам ўтказиб бориш;
- педагогик, психологияк ва ҳуқуқий тамойилларга асосланганлик;
- умумий қабул қилинган натижа стандартларига асосланганлик.

Юқорида таъкидланганидек, назарий билимлар баҳоланаётганида когнитив ўқув мақсадларга эришганлик даражалари аниқланади. Амалий кўнкма ва малакалар баҳоланаётганида психомоторик, ҳулқ-автор ва шахсий фазилатлар баҳоланаётганида эса аффектив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади.

Баҳолаш мезонлари. Ҳар қандай баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши, яъни ўлчаниши лозим бўлади. Уларни таққослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни англатувчи кўрсаткичdir. Бу кўрсаткичлар сонлар («беш», «тўрт», «уч» ва ҳоказо) сўзлар («аъло», «яхши», «қониқарли» ва ҳоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсанк, баҳолаш мезонлари таълим олувчининг қайси ўзлаштириш даражасини намойиш қилишига қараб мос қўйиладиган баҳо кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

Баҳолаш тамойиллари. Билимларни текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Текшириш ва

назорат қилиш системали, доимий тарзда булиши шарт. Бу талабга риоия этилмаса, таълим олувчиларнинг ўкишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир килади.

Билимларни баҳолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир таълим олувчи унинг қайси билимлари, кўникма ва малакалари баҳоланаётганини билиши керак. Таълим берувчининг саволларига ва вазифаларига жавоб беришга тайёрлик ҳолати билимларни текшириш ҳамда баҳолаш ўкув жараёнининг муҳим бир бўлагига, унинг таркибий қисмига айланган тақдирдагина рўй беради.

Таълим олувчининг билимлари, кўникма ва малакалари давлат ўкув режаларининг бажарилиши нуқтаи назаридан текширилади ҳамда баҳоланади.

Таълим олувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини текшириш шакллари турличадир. Баъзан таълим берувчи билимларни текширишнинг узоқ вақт мобайнида бир хилдаги усусларини кўллайди. Унда сураш, савол бериш, изохлаш каби муайян одат пайдо бўлади. Таълим олувчилар бугундай текширишга мослашиб кетадилар, ўқитувчининг қай тарзда сўраши уларга олдиндан маълум бўлади. Улар фақат таълим берувчи учун, уни қаноатлантириш учун жавоб бера бошлайдилар.

Куйидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самародорлигининг пойдевори ҳисобланади:

ўқув мақсадларига асосланганлик;
ҳақиқийлик;
ҳаққонийлик;
ишончлилик;
кулайлик.

1. **Ўқув мақсадларига асосланганлик.** Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига тўғридан-тўғри боғлиқdir. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг қўйилиш даражасига қараб, баҳолашнинг шакли ва усуслари танланади. Шунингдек, ўқув мақсадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай баҳолаш тизими лойиҳалаштирилаётганда, баҳолаш топшириклари берилган таълим мазмуни доирасида булиши талаб этилади. Баҳолашни лойиҳалаштириётганда, ҳар доим куйидаги икки саволни эътиборга олиш лозим:

Баҳолаш топшириқлари таълим жараёнидан кўзланган ўкув мақсадларини тўла акс эттирадими?

Ўкув мақсадлари даражасига баҳолаш шакллари, усуллари ва мезонлари тўғри танландими?

Масалан, йўл ҳаракати қоидалари бўйича олган билимларни баҳолашда ёзма тест олиш усули мос келиши мумкин. Лекин, ундан машинани бошқариш малакаларини баҳолашда фойдаланиб бўлмайди. Бу малакалар оғзаки ёки ёзма эмас, балки амалий фаолиятга асосланган баҳолаш усули ёрдамида баҳоланиши мақсадга мувофик бўлади.

2. **Ҳақиқийлик.** Ўкув мақсадида кўзда тутилган натижагина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўнилмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим.

Таълим олувчи эришган натижалар тўғрисида асосланган ҳамда ишончли ахборотлар берилиши керак. Таълим олувчи эгаллаган билим, малака ва кўнилмалар ҳамда шахсий фазилатларни ўлчаш имконини берадиган методлардан фойдаланиш зарур.

3. **Ҳаққонийлик (объективлилик).** Баҳолаш тизими ўкув мақсадларига мос бўлиши, шунингдек баҳолаш шарт-шароитлари ва мақсадлари билан талабалар олдиндан танишган бўлишлари лозим. Таълим олувчиларга бир хил мураккабликдаги ҳамда ҳажмдаги топшириклар берилиши керак.

4. **Ишончлилик.** Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин, бу усулларни танлашга кўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Усул ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур. Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш мақсадларини назорат қилишга йўналтирилганлиги қанчалик ишончли эканлиги назарда тутилади.

Баҳолаш ишончли бўлиши учун таълим олувчиларда бир-бирига ухшашиб, аммо ҳар хил шароитларда баҳолаш ўтказилганда, натижалари бир хил бўлиши керак. Баҳолаш методининг ишончлилиги турли методларнинг натижалари билан таққослаш орқали аниқланади. Баҳолаш тизими ишончли бўлиши учун турли эксперtlар ёрдамида турли вақтларда баҳолаш ўтказилганда, унинг натижалари бир-бирига ухшашиб бўлиши керак.

Баҳолаш ишончлилигининг икки томони бор:

Баҳолаш усулининг ишончлилиги. Агар фойдаланилаётган баҳолаш усулининг ишончлилиги юқори бўлса, талабанинг ўзлаштириш даражаси баҳолашнинг ҳар хил усулларидан фойдаланганда ҳам ўзгармай қолади (олинган натижалар бир хил, ўзгармас бўлади).

Баҳолашнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш усуллари-нинг ишончлилиги деб, баҳолаш бошқа жойда ва бошқа имтиҳон олувчи томонидан ўтказилганда ҳам, унинг бир хил бўлиши, ўзгармаслиги тушунилади.

Баҳолаш усуllibарининг ишончлилик даражаси қўйидаги ҳолатларда кўпроқ бўлади:

- ҳамма таълим олувчилар қўйилган талабни аниқ тушунса;
- баҳолаш шартлари олдиндан маълум қилинса ва унга риоя қилинса;
- ҳамма натижалар баҳолашнинг олдиндан келишилган мезонларига тўла асосланган бўлса;
- тасодифий хатоларни камайтириш мақсадида мос баҳолаш турлари қўлланилса.

5. Қулайлик. Баҳолаш тизими ўкув мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда, ўкув ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим олувчи учун қурай бўлиши лозим. Баҳолашни ўтказишда имкон кадар компьютерлардан кенг фойдаланиш мақсаддага мувофиқ бўлади.

Топшириқ ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг мухимроқ бўлган қисмларига унчалик мухим бўлмаган қисмларига нисбатан кўпроқ балл бериш керак бўлади.

Баҳолашнинг рейтинг тизими. Рейтинг тизимидағи таълим жараёнида баҳолаш қўйидаги назорат турлари орқали аниқланиши мумкин:

- назорат қилиш;
- хулқини баҳолаш;
- назарий ва амалий билимларни баҳолаш.

1. Назорат қилиш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:
- таълим олувчининг билим кўрсаткичлари даражасини, малакасини шакллантириш;
- таълим олувчини доимий баҳолаш ва улар олган баҳоларни таккослаб бориши;

- таълим олувчининг ўқишига интилиши ва ўзаро беллашиш имкониятини шакллантириш;
- таълим олувчиларнинг билим савияси ва малака кўникмаларини ҳаққоний баҳолаш;
- таълим берувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри баҳолаш.

2. Хулкини баҳолаш орқали:

- таълим олувчиларнинг дарсларга қатнашиш интизомини яхшилаш ва уларни фанлар бўйича узлуксиз тайёргарлигини ташкил этиш амалга оширилади.

3. Назарий ва амалий билимларни баҳолаш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:

- таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг ўз қобилиятини олдиндан режалаштириш;
- таълим жараёнининг боришини тезкор таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида зарурӣ ўзгаришлар киритиш имкониятларини яратиши.

Рейтинг тизими юқорида санаб ўтилган барча назорат турларини ўзаро таққослаш орқали таълим жараёнидаги баҳолаш тизимини яратади. Рейтинг тизимида таълим олувчилар билими доимий равища назорат қилиниб ва баҳоланиб борилади. Рейтинг назорат тизими асосида ўкув режасига киритилган ҳар бир фаннинг таълим олувчи ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичлари баллар билан баҳолаш ётади. Республикаиз таълим муассасалари ўкув жараённида қўлланилаётган рейтинг тизимига асосланган ҳолда иккита назорат туридан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришда қўйидагиларга асосланиши керак:

1. Ҳар бир фан бўйича семестр давомида талаба туплаши мумкин булган максимал балл 100 баллни ташкил этади.
2. Ҳар бир фан учун ажратилган максимал балл назорат турлари бўйича тақсимланади:

Жорий назорат. Жорий назорат ўтказишнинг асосий мақсади таълим олувчи қай даражада ривожланаётганлигини аниқлаш, таълим жараёни талабларини ўрганиш ва уни яхшилашдан иборат. Жорий назоратда оғзаки сўров, семинар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, курс ишлари, уй вазифаси ва бошқа сўров турларидан фойдаланилади. Барча сўров турлари қисқартирилган кодлар билан белгиланади.

Амалдаги рейтинг тизимида жорий назорат үтказища ҳар бир таълим олувчини баҳолаш учун сўровлар сони чегараланган. Ҳар бир дарсда тайёрланиб келган таълим олувчи жавоб бериши ва балл олиши мумкин, лекин таълим берувчи қолган таълим олувчиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим.

Оралиқ назорат. Оралиқ назоратнинг асосий мақсади таълим олувчилар томонидан маълум бир мавзу, боб ёки модул бўйича эришилган натижаларни (белгиланган стандартларга эришганинги) аниқлашдан иборат. Оралиқ назоратни топшириш барча таълим олувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

Якуний рейтинг кўрсаткичи. Якуний рейтинг кўрсаткичини аниқлаш учун семестр якунида ёки ўкув предмети якунида таълим олувчининг барча мавзулар бўйича олган баллари ҳисобланаб, ўртачаси аниқланади. Семестрда фан юзасидан неча соат дарс ўтилган бўлса, ҳар бирига максимум 100 баллдан ажратилиб, семестр якунида ўртача балл ҳисобланади ва рейтинг журналига қўйилади.

Ўкув режаси ва фан дастурига асосан тузилган тизим – мавзуу режаси бўйича ҳамда ажратилган соатларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир талабани семестр давомида неча марта назорат қилиш имкониятларидан келиб чиқиб, назорат ва сўров турлари аниқлаб чиқилади ҳамда маълум бир фан бўйича «Рейтинг балларининг тақсимоти» тузилади.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг аҳамияти ҳамда моҳияти нимада?
2. Баҳолашнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
3. Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти нимада?
4. Баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланган асосий тамойилларини санаб ўтинг.

7.2. Баҳолаш методлари ва воситаларини ишлаб чиқиши

Ўқув мақсади

Талабаларда баҳолаш методлари ва воситаларини ишлаб чиқиши бўйича назарий билимлар ва амалий кўнингмаларни шакллантириши.

 Максус фанларни ўқитишида талабалар хулқи ва билимини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Хулқни баҳолаш талабанинг шахсий хусусиятларини аниқлаш демакдир. Бу хусусиятлар кузатилган хулқдан келиб чиқсада, лекин ўлчаш мумкин бўлган натижа қамровига кирмайди. Мисол учун, талабанинг ишлаш тарзини баҳолаш, унинг берилган топшириқни мунтазам ёхуд номунтазам, самарали ёки самарасиз равишда бажараётганлиги ҳақида тегишли хуносалар чиқариш мумкин.

Билимни баҳолаш деганда, эришилган натижани қамраб олиш ва ўлчаш, шунингдек, уни натижа кўлами билан таққослаш тушунилади.

Хулқ ва билимни баҳолаш қуйидаги хусусиятларга эга:

- таълим мақсадларига йўналтирилганлик;
- мунтазам ўтказиб туриш;
- ҳуқукий, педагогик ва психологияк тамойилларга асосланганлик;
- ҳамма қабул қилган баҳолаш андозаларига асосланганлиги.

Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг барча таркибий қисмлари текшириб курилиши мумкин.

Бу билан таълим тизими кутилаётган натижани бераётганлиги ёки бермаётганлиги текширилиб, ўлчаб кўрилади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режасини, унинг катта ва кичик бўлимларини қамраб олади. Узокроқ вақт давомида амалда бўлган таълим тизими натижа андозаси орқали ифодаланиши мумкин.

Бунда нафақат талабаларнинг, балки амалиёт ўқитувчила-рининг ҳам кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар кўрсатиб борилади. Таълим воситалари, режалари, ташкилий ишларнинг сифатига ҳам баҳо бериши мумкин. Натижа қисмларини мунтазам баҳолаб бориш аниқ ва адолатли хуносаларга олиб келади. Баҳолашда мазкур хуносаларнинг умумлаштирилиши баҳолашнинг аниқ булишига ёрдам беради. Ўқитувчи мунтазам равишида ўз натижалари түғрисида

хабардор қилиб туриш унинг мақсад сари интилиши ва истакларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулқни баҳолашни ҳукм чиқариш куроли сифатида тушун-маслик керак. Шу сабабли ўқитувчи баҳолаш жараёнига ҳамкор сифатида жалб этилиши лозим. Бу орқали ўқитувчи ўз шахсий хусусиятлари хусусида баъзи маълумотларни билиб олиш имкониятига эга бўлади, масалан:

- унинг топширикларни баҷаришга бўлган имкониятлари;
- асабларининг бардошлилиги;
- унинг иродаси ва умид-ишонч руҳи.

Ўқитиш давомидаги назорат, натижаларни ўлчаб бориш, хулқи ва билимларини баҳолаш талабанинг ўзлигини англаши учун яна бир имкониятдир.

Хулқ ва билимларни баҳолаш учун кўрсатмалар:

1. Хулқи ва билимларини баҳолашдан олдин талаба талаб ва мезонлар ҳакида хабардор қилиниши керак.
2. Хулқи ва билимларини баҳолаб бўлгандан сунг талабага унинг натижаларини иложи борича узок вакт чўзмасдан билдирилиши керак.
3. Талаба олган ёмон баҳолар сабаблари баҳолаш сухбати орқали муҳокама этилиши керак.
Бунда амалиёт ўқитувчисининг ҳатти-ҳаракатлари ҳам ушбу ёмон натижаларга сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.
4. Ёмон натижаларни биргаликда яхшилаш борасида кўриладиган чора-тадбирлар ҳакида маслаҳатлашиб олиш керак.
5. Талабага хулқи ва билимларини баҳолаш натижаларини кўриш ва ўз муносабатини билдириш ҳукуки берилиши керак.

Топшириклар натижаларини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида онгли равишда кўйилган талаблардир. Тестлар билим, қобилият куникма, шунингдек, феъл-автор ва муносабатни текшириш жараёни ва воситасидир.

Тестлар кўйидаги йўналишларда тузилиши мумкин:

- натижа андозаларини аниқлаш учун натижа тестлари;
- интеллект ва бошқа қобилиятларни аниқлаш учун қобилият тестлари;
- талабанинг маълум бир касбга лаёқатли эканлигини аниқлаш тестлари;
- талабанинг мотив, ижтимоий қадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари;

Бу билан бирга жорий, оралиқ ва якуний назорат тестлари ҳам фарқ қилинади.

Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг назарий билимлари ва ақлий лаёқатини баҳолашда оғзаки ҳамда ёзма баҳолаш топшириқ шаклларидан фойдаланилади.



Оғзаки шаклдан күпроқ оғзаки савол-жавобларни қисқа вақт ичидә үтказиш учун фойдаланилади. Ушбу жиҳатига кўра, бу баҳолаш топшириқ шаклидан оралиқ назоратни амалга оширища фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Оғзаки топшириқ шаклининг турлари:

- Очиқ
- Ёпик

Оғзаки шаклнинг очиқ тури деганда, таълим олувчининг сўралган материал юзасидаги маълумотлар билан бир қаторда эркин ва ижодий ёндошиш асосида жавоб бериши назарда тутилади.

Ёпик турда эса таълим олувчи фақат берилган материал доирасида жавоб бериш билан чекланиб қолади.

Оғзаки топширикларни бажариш жараёнида талабаларнинг билимлари билан бирга ўзини тутиши, реакцияси ва мулоқот қилиш қобилияти инобатга олинади. Уларни куйидагиларга ажратиш мумкин:

- касбий ҳолатларга симуляция(тақлид) қилиш;

- ечиш йўлларини топиш билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни мұхокама қилиш;

- талабаларнинг муаммоли ҳолатларга бўлган шахсий муносабати.

Психик омил (танглик, эркин эмаслик, қўркув кабилар) катта роль ўйнаши туфайли кўпинчча ҳақиқий натижалар бериш кобилияти кўринмай, юзага чиқмай қолиши мумкин.

Ўқитувчи оғзаки топширик бўйича саволлар тузадиганда куйидаги хусусиятларни инобатга олишлари лозим:

- Гаплар мос сўрок сўзлардан тузилган булиши керак;

- Савол аниқ ва тушунарли тузилган булиши лозим;

- Савол тўғридан-тўғри муаммога қаратилган булиши керак;

- «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобини талаб этувчи саволлар бўлмаслиги керак;

- Савол фақатгина битта гапдан тузилиши лозим;

- Савол фақат бир талабага эмас, балки барчага тааллукли булиши керак;

- Жавоб беришга вақт ажратилган булиши лозим.

Бугунги кунда тест топширикларининг бир қатор турларидан таълим жараёнида таълим олувчиларнинг назарий билими ва ақлий лаёқатини баҳолашда фойдаланилмоқда.

1. БИР ТАНЛОВЛИ ТЕСТЛАР

Бир танловли тест топшириклари ягона жавобни танлаш имконияти берилган топшириклар ҳисобланади.

Бир танловли саволлар «асос» деб юритиладиган тутатилмаган жумла ёки саволлардан иборат бўлиб, унга кетма-кет туртга ёки бешта ҳақиқатга яқин бўлган жавоблар танлови келтирилади. Таълим олувчи улар орасидан битта тўғри жавобни танлаши керак. Тўғри жавоб «калит» деб, нотўғри жавоблар «чалғитувчи» жавоблар деб аталади.

Мисол: Зааркунанда капалаклар турлари келтирилган қаторни топинг.

А) омбор куяси, тегирмон қизил капалаги;

Б) малла унхўр, ун митаси;

В) ун канаси, омбор куяси;

Г) малла унхўр, дон чаҳлагич

Жавоб:

2. КҮП ТАНЛОВЛИ ТЕСТЛАР

Күп танловли тест топшириқларда жавоблар варианти бир нечта тұғри жавоблардан иборат бўлади.

Мисол. Диафаноскоп кассетаси нечта хонадан иборат?

- 1) 50
- 2) 100
- 3) 75
- 4) 90

Жавоблар:

- A) 2 ва 4
- Б) 1 ва 3
- В) 2 ва 1
- Г) 3 ва 1

Жавоб: Б

3. ТҰЛДИРУВЧИ ТЕСТЛАР

Бу топшириқни ечиш тұлиқ бўлмаган матнларга киритиладиган тушунчалар, гап бўлаклари, символлар ва сонлардан ташкил топади ҳамда таълим олувчидан берилган жумлани керакли сўз билан тўлдириши сўралади.

Мисол. Таълим олувчи ва таълим берувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишининг тартиби солинган йўллар йиғиндиси _____ деб аталади.

4. МУҚОБИЛ ЖАВОБЛИ (АЛЬТЕРНАТИВ) ТЕСТЛАР

Бундай тестлардаги саволларга жавоб «ҲА» ёки «ЙЎҚ» деб белгиланади. Базъзан топширикларнинг саволи билан жавоблари ҳам бирга берилиши мумкин. Бундай топширикларда фақатгина битта тұғри ва битта нотұғри жавоблар берилган бўлади. Топшириқ шартига кура тұғри жавобни топиб, белгилаш керак бўлади.

Мисол. Интерфаол методлар анъанавий таълим методлари ҳисобланадими?


(Тұғри жавобнинг тагига чизинг). Жавоб: ҲА ЙЎҚ

6. МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ТЕСТЛАР

Бундай тест топширикларида таълим олувчиларга иккита рўйхат тақдим этилиб, улардан бирида саволлар туркуми, иккинчисида эса жавоблар туркуми акс этирилган бўлади. Таълим олувчилар саволлар туркумига мувофиқ келувчи жавобларни топишлари ва белгилашлари талаб этилади.

Мисол:

А рўйхат: методлар



Ёки жавоб: A2, B3, C1.

Мувофиқлаштирувчи тестлар бир қийматли ёки кўп қийматли бўлиши мумкин. Бир қийматли тестларда устунлардаги саволлар ва жавоблар миқдори бир хил нисбатда, яъни бир саволга бир жавоб тўғри келиши керак бўлади. Кўп қийматли мувофиқлаштирувчи тестда эса устунлардаги саволлар ва жавоблар миқдори ҳар хил нисбатда, яъни бир неча саволга бир жавоб тўғри келиши мумкин, ёки аксинча бир саволга бир неча жавоб тўғри келиши мумкин.

Жавобни белгилашда биринчи устундаги саволларга иккинчи устундаги жавобларни топиб, уни “→” белгиси орқали ифодалаш мумкин. Ёки жавобларни саволлар белгиси ва жавоблар рақамини мос равищда белгилаш мумкин.

6. КЕТМА-КЕТЛИКНИ АНИҚЛАШ ТЕСТЛАРИ

Бу турдаги топшириқларда берилған жарабайлар уларға тааллукли мантікқа ассоланған ҳолда, түгри тартиб билан жойлаштирилиши лозим.

Тартибсиз жойлаштирилған топшириқлар умумий, лекин бир-биридан фарқ қылувчи хусусиятларга ва уларға тааллукли бұлған даражага күра тартибга солиниши керак (түгри кетма-кетликда, камайиб ёки ортиб борувлы тартибда).

Мисол. Назарий дарс босқичларини түрін кетма-кетликда ифодаланғ:

1. Янги мавзу бағни

2. Уйға вазифа

3. Мустаҳкамлаш

4. Ташкилий қысм

5. Хулоса яспаш

Жавоб: 4 1 3 5 2

7. ҚИСҚА ЖАВОБЛИ ТЕСТЛАР

Қисқа жавобли тест-жавоби бир ёки бир неча сүздан иборат күренишдеги тест ҳисобланади. Ушбу тестларда жавоблар қисқа күренишде берилади.

Мисол. Тартибланған, үзаро узвий боғланған ва биргаликда умумий функцияни бажарувлы элементлар түплемига нима деб аталади?

Жавоб: _____

8. ЭРКИН ЖАВОБЛИ ТЕСТЛАР

Бу турдаги топшириқ саволларига жавоблар аник белгилаб күйилмайды, балки таълим олувчи эркин ва тұлақонлы жавоб бериши мүмкін болади.

Мисол: Илғор таълим технологияларини дарс жараёнига татбик этишнинг долзарблигини изоҳлаб беринг.

● Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Назарий билимларни баҳолаш учун неча хил тест турлари мавжуд ва улар қайсилар?

7.3. Дарс сифатини баҳолаш ва таҳлил қилиш

Ўкув мақсади

Талабаларда дарс сифатини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича назарий билим ва амалий кўнижмаларни шакллантириши.

Дарсни кузатишнинг асосий вазифаси булиб, ўқиш ва ўқитиш сифатини яхшилаш нуқтаи назаридан оптималлаштириш ҳисобланади. Бундай дарс кучли ва заиф томонларини аниқлаш, машғулотларни режалаштириш ва ўтказиш сифатини текшириш ва зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, таълим сифатини таъминлаш масалаларида тажриба алмашиш зарур.

Дарсни техник қилишда тавсия этилган саволлар

1. Дарсни режалаштириш

- Дарсга тайёрланиши ўзининг мазмуни бўйича мавзуга мос келадими?
- Дарсга тайёрланиш мақсадлари режалаштириш бўйича дастурларга мос келадими?
- Дидактик қисқартиришлар манзилга йўналтирилган ҳолда қўлланиладими?
- Танланган ўқитиш тамойиллари ва ўқитиш методлари таклиф этилган мазмунни мақсадлар контекстида ишлатиш учун яроқлими?

2. Дарсни ўтказиш.

- Талабалар ўкув жараёнинда фаол иштирок этишлари учун қизиқтирилганми?
- Билимларни фаолиятга йўналтирилган ҳолда излаш ривожлантирилганми ва эркинлигини ҳамда ўқитиш муддатини ҳисобга олган ҳолда изоҳланганми?

- Ўқитувчи талабаларнинг фаоллиги, мустақиллигига ва уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашувчи вазифаларнинг кўйилишини афзал деб биладими?
- ўқитишнинг танланган техник воситаларини қўллаш ўринли эдими?
- Таълим натижаларини таъминлаш ва визуаллаштириш қандай амалга оширилди?
- Дарсни режалаштиришнинг умумий кесимларида дарснинг ҳақиқий бориши акс эттирилдими?
- Дарснинг вақти мақбул ҳолда ташкил этилганми?
- Ўқитиш мақсадлари ҳақиқий ўқиш натижаларига мос келадими?

3. Ўқитувчи шахси.

- Ўқитувчи ўзининг касбий компетентлигига ишонтирадими?
- Ўқитувчи ўзининг дидактик компетентлигига ишонтирадами?
- Ўқитувчи ўзаро ҳаракат, вербал ва новербал боғланиш қоидаларини биладими?
- Ўқитувчи ўкув жараённада етакчи, маслаҳатчи ва раҳбар сифатида иштирок эта оладими?
- Ўқитувчи сезгирилигини, сабрлиликни, очиқликни, муаммоларнинг ечимига ўзининг қобилиятини кўрсатиш билан таълим мухитини мақбуллаштира оладими?

Дарсга катнашишнинг конспект шакллари:

- дарсни тузатиш баённомаси;
- дарснинг тузилмаган ҳолда боришида кузатувчи уни қандай қабул қиласа, шундай ёзилган баённома;
- меҳнатнинг ҳаддан зиёд сарфланиши.

Сўзма-суз баённома:

- дарс сўзма-суз кассетага ёзилади (магнитофон баённомаси);
- кузатилган дарс тўғрисида ҳам микдорий, ҳам сифатли иборалар айтилиши мумкин.

Қисман шакллантирилган баённома:

- дарснинг бориши тузилган ҳамда мантиқий схема ёрдамида қайд қилинади.



Дарсга катнашиш баённомаси.

Варнант А.

Дарсга катнашиш баёни

Ўқитувчи

Касб-хунар коллежи....

Сана

Гурӯҳ

Ўқув фани

Вақти

Вакт	Асосий муҳокама килиниадиган масала	Дидактик- услубий ёндашув	Изоҳ



Вариант В

Жараёнга йўналтирилган дарсни қузатиш

	Баҳолаш мезонлари	Мос келади – мос келмайди	Дарснинг боришин
Р е ж а л а ш т и р и ш	<ul style="list-style-type: none"> - Вазият таҳлили - Савол таҳлили - Фан учун ўзига хос курсатма, йуриқномалар - Адабиёт - Таълим максадлари - Мазмунни бошлангич тайёрлаш - Дидактик-услубий тайёргарлик - методик компетенция - Касбий компетенция - дидактик воситалар 	0 - 0 - 0 - 0 - 0 0 - 0 - 0 - 0 - 0	Дарсга тайёргарлик. Шахсий тайёргарлик. Ўқув дастури. Максадлар режалаптирилиши. Дарснинг боришини режалаптирилиш Режалаптириши компетенцияси
ў т к а з и ш	Максадга йўналтирилганлик Ахборот олувчиларга мос келиши Максадга мувофиқлик Кўргазмалилик Ихтимоий аҳамияти Вербаллик даражаси - Ташкилотчилик - Бадиий-конструкторлик компетенция	0 - 0 - 0 - 0 - 0 0 - 0 - 0 - 0 - 0	Дарсни ташкил қилиш Ўқитувчининг педагогик ва тарбиявий маҳорати
б а ҳ о л а ш	Максадга эришиш даражаси Ички назорат	0 - 0 - 0 - 0 - 0 0 - 0 - 0 - 0 - 0	Дарс ютуғи



Вариант С

Дарс боришининг баённомаси

Ўқитувчи

Сана

Касб-хунар колледжи
Ўқув фани

Гурух
Вақти

Дарсни режалаштириш Таянч изборалар Дарс схемаси педагогик схемаси дарс мақсадлари услубий күрсатмалар	
Дарсни ўтказиш Фан мазмуни, услубий кетма- кетлиги мавзу ишончлилиги мақсад кўйилиш ва қизиктириш таксимлаш ва услубий ёндашув дарс унумдорлигини таъмин- лаш ва ўзлаштиришни назорат қилиш 2.2.Ўқув ва ишчи воситалардан фойдаланиш. 2.3. Талабаларга муносабат ва уларни қизиктириш 2.4. Ўқитувчининг ҳатти-харакати ва тил билан ифодалаш	
Вақтнинг таҳсиланиши	



Вариант Д

Дарснинг боришига йўналтирилган кузатув баёни
Ўқитувчи Сана

Касб-хунар колледжи..... Гурух.....

Ўқув фани Вақти

Вакт	Дарс ўтказиш босқичлари	Дарснинг бориши. Муайян кузатувлар	Ютуқ ва камчиликлари
	Кириш фазаси Дарсни очиш Вазифаларнинг кўйилиши		
	Ишлаш вақти Топширикнинг кўйилиши Муаммо билан танишириш Ахборот бериш		
	Режалаштириш фазаси		

	Ишчи фаза Амалга ошириш фазаси Бажариш		
	Баҳолаш фазаси Назорат Мустаҳкамлаш Шуғулланиш Хужжатни расмийлаштириш Такрорлаш Түгрилаш Эгаллаш ёки ўзлаштириш Билимларни узатиш		



Вариант Е

Дарсга қатнашиш баённомаси

Ўқитувчи

Сана

Касб-хунар колледж.....

Гурӯҳ.....

Ўқув фани

Вақти

Ўқитувчининг компетенциясини баҳолаш				Изоҳ
A) Шахсий компетенция				
- Ўзини тутиши ва ўзига ишониши				
- Қизиктириши				
-Шахсий намуна билан тъясир килиши				
-Мосланувчанлиги				
B) Ижтимоий компетенция				
Вербал коммуникативлиги				
Новербал боғланиш				
Шахснинг хусусияти				
-мулойимлилик				
- сабрлилик				
- қўллаб-қувватловчи				
C) Касбий компетенция				
- профессионаллилик				
- тили ва нутқи				
- вақтни бошкариши				
Дарсни баҳолаш				
мақсадлар аник, эришиладиган; когнитив, аффектив, мақсадлар иерархиясига мувофиқ дифферен- циялашган				

Талабаларнинг хатти-харакатини баҳолаш				
Дарсдаги ҳамкорлик				
Дарсга диккатлилик				
Мехнатдаги хатти-харакати				
Ижтимоий хатти-харакат				
Фанлараро ўқитиш (турли хил фанларни боғловчи)				
Фанлараро боғлиқлик (битта фан доира-сидан чиқувчи)				
Дарс натижалилигини таъминлаш				
Техник воситаларни танлаш ва қўллаш				
Ўкув ва ўқитувчи дидактик воситаларни танлаш ва фойдаланиш				
Методларни танлаш ва фойдаланиш				
Мехнат маҳсули				



Таянч иборалар

Баҳолаш, ўкув мақсади, тамойиллар, таълим методлари, касб-хунар таълим, ўқитиш шакллари, фанлараро боғлиқлик, тест, топшириқлар, баҳолаш мезонлари.



Мустақил иш топшириқлари

1. Касб-хунар коллежига бориб маҳсус фан бўйича ўкув машғулотига киринг. Дарс боришини кузатинг ва юқоридаги намуналар бўйича мантиқий кетма-кетлиқда баённома тўлдиринг. Ўзингиз ўқитувчингиз ва курсдошларингиз билан дарсни баҳоланг.
2. Дарсга тайёргарликнинг умумий намунадаги ҳужжатларини тайёрланг. Ўқитувчи харакатини, ҳамда далилий ва режалаштирилган натижаларга эришилганлиги таҳлили асосида машғулотнинг натижасини ҳамда дарснинг дидактик методик жиҳатдан сифатини баҳолаш учун асосий ва аниқлаштирилган ўкув мақсадлари ҳақида маълумотга эга булиш, талабалар таҳлилини ўтказиш, дарс ўтказиш шакли ва методи ҳамда машғулотга ажратилиган вақт, техник воситалар ва дидактик материаллар ҳақида маълумотга эга булиш талаб этилади.
3. Маҳсус фанлардан битта мавзуни танлаб олиб дарсни баҳолашнинг намунавий схемасини (сценарийси) ишлаб чиқинг.

4. Курсдошларингиз ва ўқитувчингизга «Дарсни режалаштириш ва ўтказиш намунаси»ни тақдимотини ўтказиш учун тайёрланг.



Адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
2. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
3. К.ВАКВИТЦ. “Махсус дидактика”. Дрезден-Тошкент- 2010.
4. Олимов Қ.Т., Сайдахмедова М.С., Жалолова Д.Ф., Бозорова М.Қ., Болтаева М.Л., Алимов А.А.. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Т.,-2012. -300 б.
5. Қ.Т.Олимов, Л.П.Узоқова ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар колледжлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ БҮЙИЧА ДАРС ИШЛАНМАЛАРИ

**“Болалар гавдасининг ўзига хос хусусиятлари ва
кйимларнинг търифи” мавзууни ўқитиш технологияси**

Маъруза машғулотини ўтказиш технологияси.

Вақти - 2соат	Талабалар сони: 15-30 нафар
Ўкув машғулотининг тури:	Визуал маъруза, икки томонлама таҳлил.
Маъруза машғулотининг режаси:	<p>1 Болалар гавдасининг мутаносиблиги. 2 Болалар ёшининг гурухланиши. 3. Болаларнинг гавда тузилишида узаро мутаносиб нисбатлар ва кийимнинг асосий конструктив шакллари.</p>
Ўкув машғулотининг мақсади: Ўқувчиларда болалар гавда тузилишидаги узаро мутаносиб нисбатлар ва кийимнинг асосий конструктив шакллари ҳақидаги билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар:	<p>Ўкув фаoliятининг натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Болалар гавдасининг мутаносиблиги ҳақида маълумот бериш; - Болалар ёшининг гурухланиши ҳақидаги билимларни шакллантириш; - Болалар гавда тузилишида узаро мутаносиб нисбатларни тушунтириш; - Болалар кийимнинг конструктив шакллари ҳақидаги билимларни бериш; - Ёшга нисбатан моделларни танлаш ҳақида билимларни бериш. <ul style="list-style-type: none"> - Болалар гавда тузилишида узаро мутаносиб нисбатлар унинг хусусиятларини ўрганади; - Болалар кийимнинг конструктив шакллари ҳақида маълумот олади ва малақасини оширади; - Танланган моделнинг қайси ёшдаги болаларга мослигини аниқлайди.
Ўқитиш методи:	«Синквейн» методи, блицсурор,
Ўқитиш шакли:	Жамоавий, Гурухий
Ўқитиш воситалари:	Маъруза матни, проектор, журналлар, каталоглар
Ўқитиш шарт-шароити:	Жихозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик ҳаритаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич.Кириш (10 мин.)	<ul style="list-style-type: none"> - Маъруза мавзуси ва режаси эълон килинади. Мавзу бўйича вазифалар тушунтирилади. - Бажариладиган ишлар кетма-кетлиги тушунтирилади ва баҳолаш мезони билан таниширилади. 	<ul style="list-style-type: none"> 1.1.Эшитадилар, ёзадилар, жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<ul style="list-style-type: none"> - Утилган мавзуга савол-жавоб орқали болганди. (1-илова) - «Нима учун?» органайзерини түлдириш орқали ўкувчиларнинг мавзуга нисбатан фаоллиги оширилади. (2-илова) - Ўқитувчи визуал материаллардан фойдалangan ҳолда маъruzani баён этишда давом этади. - Визуал материаллар намойиш килинади ва ўкувчига курсатиб берилади. (3- 10 иловалар) - «Синквейн» методи (11-илова). - Янги мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар (12- иловада). - Баҳолаш мезони.11-илова) 	<ul style="list-style-type: none"> - Эшитади, схемаларни түлдиради ва саволларга жавоб беради. - «Нима учун?» органайзерини түлдиради. - Эшитадилар кўрадилар кўнукмага эта бўладилар, ёшитганларни ёзадилар. - Муаммоли саволларга ёътибор берадилар. - «Синквейн» методини түлдиради. - Саволларга жавоб берадилар ва баҳоланадилар.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<ul style="list-style-type: none"> - Мавзуга доир «Синквейн» методини түлдирилганини ўрганиб чиқади. - Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. Б.Б.Б. жадвалини түлдиришдаги савол-жавобларни таххил қиласи ва фаол талабаларни баҳолайди. - Мустақил иш учун топшириклар беради: муаммоли саволларга тайёр гарлик кўриш. 	<ul style="list-style-type: none"> 3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзib оладилар. 3.2.Топширикларни ёзib оладилар.


1-илова

Фаоллаштирувчи саволлар:

1. Болалар гавдасини тузилиши ҳақида айтиб беринг.
2. Ҷақалоқлар қийими қандай методан ва тикилиши керак?
3. Ўсмир болаларнинг гавда тузилишидаги ўзгаришларни санаб ўтинг. (қиз болалар, ўғил болалар)
- 3-4 ёшли болаларнинг кийимларидаги ранглар ҳақида айтиб беринг.

2-илова

«Нима учун?» организерини тұлдириңг




1. Танланган кийим бола ёшига мос булиши,
2. Танланган кийим рангти бола ёшига мос келиши,
3. Танланган кийим мавсумга мос келиши,
4.
5.
6.

Визуал материаллар



3-илова



I- расм. Болалар гавдасининг мутаносиблити.

4-илова

1-жадвал

Болалар ёшлари гурухлари

Ўсиш даври	Кизлар	Ўғил болалар	Буюм размери
Чақалоқлар	1 ёшгача	1 ёшгача	22-24
Ясли ёшдаги	1-3 ёш	1-3 ёш	26-28
Мактабгача ёш даври	3-7 ёш	3-7 ёш	28-30
Кичик мактаб ёши даври	7-11 ёш	7-12.5 ёш	32-36
Катта мактаб ёши даври	11-14.5 ёш	12-15.5 ёш	38-42
Ўсмирлик даври (балогатта етган)	14.5-18 ёш	15.5-18 ёш	44-46

Чақалоқлар кийими. Бунга 1 ёшдаги болалар киради. Уларнинг боши катта, кўуллари узун булади. Боланинг бош айланаси кўкрак айланасига тенг. Бу ёшдаги болалар 6-8 ой вақтини кроватда ёки беланчакда ўтказади, щунинг учун уларга оддий, енгил яхши ювиладиган, яхши дазмолланадиган ўзининг хусусиятини йўқотмайдиган кийим керак. Чакалоқнинг биринчи кийими яктакча, уст кийими, бош кийими ва иштон. Бу кийимларнинг яхши томони шудаки, у оддий бичимли, кам ишловли, осон безалади.




2-расм. 2-3 ёшли болаларнинг гавда тузилишида ўзаро мутаносиб нисбатлар (а) ва кийимнинг асосий конструктив шакллари (б).




3-расм. Ясли ёшидаги болалар кийимларини безаш имкониятлари.

7-илова




4-расм. 3-6 ёшдаги болаларнинг гавда тузилишида ўзаро мутаносиб нисбатлар (а) ва кийимнинг асосий шакллари (б).

8-илова




5-расм. 7-10 ёшдаги болаларнинг гавда тузилишида ўзаро мутаносиб нисбатлар (а) ва кийимнинг асосий шакллари (б).

9-илова



6-расм. 11-14 ёшдаги болаларнинг гавда тузилишида үзаро мутаносиб нисбатлар (а) ва кийимнинг асосий шакллари (б).

10-илова



7-расм. 15-17 ёшдаги болаларнинг гавда тузилишида үзаро мутаносиб нисбатлар(а) ва кийимнинг асосий шакллари(б).

«Синквейн» методи**«Синквейн» методини самарали амалга ошириш қадамлари**

Хар бир иштирокчи эркин ишшаши учун кулагай шароит яратилиши керак. Мустақол фикр ва гояларни ёзиш учун керакли доска, юмшок доска, флефчагта, рангли маркерлар, постетлар, кодоскоп. турли форматдаги қоғозлар олдиндан тайёрланиши лозим. Бериладиган мавзуу, муаммо ёки визиятлар аникланади.

Синквейн тузиш қоидаси:

1. Биринчи каторда топширик бир сүз, одатда от билан ифодаланади (Ким? Нима?)
2. Иккинчи каторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади (Қандай? Қанака?)
3. Учинчи каторда мавзуу доирасидаги хатти-харакат вазифасини англатувчи учта сүз феъли билан ифодаланади.
4. Түртнчи каторга мавзуга нисбатан тасаввур (ассоциацияси)ни англатувчи ва түрттэ сүзден иборат бүлгүн фикр (сөзги) ёзилади.
5. Охирги каторга мавзуу мохиятими такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бүлгүн битта сүз (синоним) ёзилади.

A. «Синквейн» методи

Б. «Синкейн» методи



12-илова

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Болалар гавдасининг мутаносиблигига қандай фарқлар бор?
2. Болалар ёшлари буйича қандай гурухларга бўлинади?
3. Болалар кийимларига ва газламаларга қандай талаблар қўйилади?

13-илова

Талабаларни бажарилган топширик юзасидан жавобларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

Гурӯҳ	1 топширик	2 топширик	3 топширик (хар бир савол 0,2 балл)			Баллар йигинидиси
	(1,0)	(1,4)	1-савол	2-савол	3-савол	
1						
2						
3						

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТЕРМИНЛАР

Таълим-билим бериш, малака ва күникма ҳосил қилиш жараёни булиб, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Таълим жараённада билим, күникма, малака ўзлаширилади ва тарбия амалга оширилади.

Таълимнинг моҳияти, мақсади ва мазмуни жамиятнинг маданий тараққиёти, фан-техниканинг ривожланганлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг амалга жорий этиш даражаси кабилар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган талаб ва эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги гояларга қараб кишилик жамиятининг турли давр (босқич)ларида таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб боради.

Таълимни баҳолаш - педагоглар томонидан баҳолаш ва таълим жараённада эришилган натижаларни талабаларнинг ўзлари баҳолашларини жорий этиш; четга оғиш аниқданганда уларнинг сабабларини аниқлаш, күникмалар ва билимларда топилган камчиликларни тўлғазиш, режалаштирилган янги вазифаларни лойиҳалашни ҳам назарда тутилади.

Педагогик услугуб – ўқитувчи (педагог) билан талаба (талаба)лар орасида билим бериш ва уни олиш максадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирлар.

Ўқитишиш – ўқитувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ва бу жараёнда таълим олувчиларнинг маълумот олиши, ўқув күникма ва малакасини эгаллаши, тарбияланиб, ривожланиб бориши назарда тутилади.

Дидактика – грекча *didaskien* сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Шунга кўра дидактика – бу ўқитишиш назариясидир. Дидактика ўқитишиш жараённинг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

Дидактиканинг предмети – таълим-тарбия муассасаси шароитида педагогнинг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий

асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Методика – Педагогиканинг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш методи ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўрниши ҳақидаги методика асосида қурилади.

Касбий педагогика – умумий педагогиканинг бир соҳаси бўлиб, у тарбия, таълим, ўқитиш ҳақида қатор назарий ва амалий маълумотлар беради. Касбий педагогика саноат, ишлаб чиқариш ва меҳнат педагогикасининг масалалари билан шуғулланади.

Касб таълим технологияси - бутун ўқитиш ва ўқиш жараёни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизим усули бўлиб, у мақсадга эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот тўғрисидаги тадқиқотлар натижасига ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришининг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланышга асосланади.

Касбий таълим методикаси- ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида фаолият курсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-харакат усулларини шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмуни ҳақидаги педагогиканинг муҳим тармоғидир.

Касбга йўналтириш – жамият эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тарбияланувчига маълум бир касб-хунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

